

Маҳмудали Юнусов

Сахий
қаламлар

Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1975

Юнусов М.

Саҳий қаламлар. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.
176 б.

Адабиётшунос Маҳмудали Юнусовнинг ушбу китобида унинг ўзбек классик адабиёти ҳам ўзбек совет адабиёти ҳақидаги мақолалари жамланган. Уларда муаллиф сەҳрли қалам соҳибларининг бадиий маҳоратлари ҳақида ҳикоя қилади.

Юнусов М. Щедрые таланты.

Ю 70202-000-40 114-75
352(06)-75

©Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,
Тошкент, 1975 й.

Лениннинг бадий олами

Владимир Ильич Ленин тўғрисида гапирилганда, аввало Коммунистик партия асосчиси, Улуғ Октябрь социалистик революциясини тайёрлаган ҳам унинг оламшумул-тарихий ғалабасини таъминлаган, шунингдек, жаҳонда биринчи социалистик давлатни барпо қилиб, уни доҳиёна, моҳирона бошқарган кишини тасаввур қилиш одат бўлиб қолган. Доҳийнинг материалистик фалсафани ривожлантиришдаги хизматлари, эстетика соҳасидаги Маркс-Энгельс қарашларини янги тарихий шароит талаби асосида бойитиб, санъат ва адабиёт назариясига онд қатор олтин саҳифалар очди.

Бироқ В. И. Ленин закосини янада тўлароқ, янада равшанроқ ҳис этиш учун у билан бирга ишлаш, ҳамсуҳбат бўлиш шарафига муяссар бўлган сиёсий арбобларнинг, санъат ва маданият аҳлларининг хотиралари билан танишиниш лозим. Ҳозирга қадар доҳий тўғрисида ёзилган ва ёзилаётган хотиралар бизни бошқа манбаларда маълум бўлмаган, гоятда бой маънавий-эстетик бир оламга олиб киради. Бу олам — Лениннинг ҳис-ҳаяжон олами, нозик туйғулар олами. Ана шу оламга киргандан сўнггина Лениннинг қалби фақат фалсафий муҳокамаларга, статистик рақамлар таҳлилига, кескин, ижтимоий ўзгаришларгагина қодир бўлмай, санъат ва адабиётни ниҳоятда чуқур тушунадиган, уни юксак дид билан қадрлай оладиган, ундан ҳаяжонланадиган ҳасос қалб ҳам эканини билиб олиш мумкин.

Владимир Ильичнинг асосий фаолият майдони пштин-
мой-сиёсий курашлар ва ўқийдиган китоблари кўпроқ
шу фаолият характери билан боғлиқ бўлганидан, биринчи
қарашда, гўё у санъат ва адабиёт билан қизиқмагандай
туялади. Шуниси таажжубланарлики, Владимир Ильич-
га замондош бўлган айрим кишилар ҳам уни санъатга
ортиқча ҳуши йўқ киши бўлса керак, деб ўйлаганлар.
«Мени Владимир Ильич билан даслаб таништирган бир
ўртоғим,— деб ҳикоя қилади Надежда Константинов-
на,— Ильич — олим одам, нуқул илмий китобларнигина
ўқийди, умрида битта ҳам роман ўқиган эмас, ҳеч қачон
шеър ўқиган эмас,— деди. Мен ҳайрон қолдим. Мен ўзим
ёшлигимда ҳамма классикларнинг асарларини ўқиган
эдим... Шунда мен, бу ажаб қизиқ одам экан... деб ўйла-
дим. Кейинча, биргаликда ишлаган вақтларимизда, мен
Ильични яқиндан билдим... унинг... тўғрисида авваллар
менда ҳосил бўлган ҳеч қачон қўлга кишиларнинг
тилак-орзуларини баён қилувчи китоб олмаган одам,
деган образ ўзини жонли Ильич олди»¹.

Ёшликдан илғор рус ва жаҳон маданияти, адабиётни
ҳамда санъати руҳида тарбияланган Владимир Ильич
музикани, тасвирий санъатни, шеърини чуқур идрок
этадиган, улардан тўлқинланадиган бўлиб ўсди. Нати-
жада ёши улғайиб, жиддий муҳокама юритадиган йи-
рик мутафаккир бўлган вақтларида ҳам унинг табиа-
тидаги таъсирчанлик, лириклик сақланиб қолди. Шеърни
севиш, ўзига ёққан қўшиқларни куйлаб юриш — унинг
бир умрлик йўлдоши бўлган, дейилса хато бўлмайди.
Лениннинг қариндош-уруғлари, маслакдошлари келтири-
ган фактлар бунинг энг ишончли исботидир.

Серғайрат, доимо қувноқ Владимир Ильич болалик
ва ўсмирлик йилларида опа-сингиллари билан қўшиқ-
лар айтишганида шочорликдан, заифликдан, оғир муси-

¹ «Ленин маданият ва санъат тўғрисида», «Ўзбекистон». Тош-
кент, 1962, 559-бет.

бат юки остида умидсизликдан дарак берувчи гамгин, маънос оҳангдаги қўшиқларни эмас, курашга ундовчи, зулмга қарши исён руҳи ифодаланган, кўтаринки кайфият сезилиб турган қўшиқларни танларди. Синглиз Ольга Ильинична билан бирга айтган «Сузувчи», «Ҳеч кимса йўқ бизнинг денгизда» (Язиков шеърлари) номли мардлик ва жасоратга чақирувчи қўшиқлар, Даргомижский куй басталаган «Тўй» қўшиғи, Г. Гейненинг лирик шеърлари, «Фауст» трагедиясидаги Валентин арияси шулар жумласидандир. Дмитрий Ильич ариядаги «У ерда қонли кураш, жанг чоғида мен онг ичаман, олдинги сафда биринчи бўламан...» мисраларини Владимир Ильич жуда чиройли қилиб, жарангли қилиб айтишга одатланганини эслайди.

Халқаро пролетарпатнинг жанговар гимни «Интернационал» 1889 йил ўрталарида Самара губерниясигача етиб боргандан бошлаб Владимир Ильич уни оғзидан қўймайдиган бўлди. У чет элларда чор охранкасидан нарида юрган йилларида ҳам оилада ва яқин ҳамфикрларни даврасида қувноқлиги, ҳаётни севиши билан бошқалардан ажралиб турарди. Сиёсий муҳожирлар иштирокида ўтказиладиган кечаларда хорга қўшилиб, «Интернационал», «Марсельеза», «Варшавянка» сингари қўшиқ-маршларни, Степан Разин ҳақидаги ашулаларни ҳузур қилиб айтарди. Некрасов, Гейне, Беранже шеърларини завқ билан ифодали қилиб ўқиб берарди.

Россиядан узоқда яшаган йилларида Ленин қайси шаҳар ва қишлоққа бормасин, қайси миллат пролетарлари орасида бўлмасин, «Интернационал» воситаси билан ҳамманинг руҳини яхши тушуниб олар, кўпчилик билан умумий тил топарди. Француз ишчи шоири Евгений Потье бу ажойиб қўшиқни 1871 йили Париж Коммунаси мағлубиятга учраб, шаҳар кўчалари қонга ботиб ётган куннинг эртасигаёқ яратган эди. «Интернационал»нинг кенг муҳрат қозонгани тўғрисида Ленин 1913 йили қуйидагиларни ёзган эди: «Бу қўшиқ барча европалик

тиллерга ва бир қанча бошқа тилларга таржима қилинган. Онгли ишчи қайси мамлакатга бормасин, тақдир уни қаерга олиб бориб ташламасин, тили нотаниш бўлган, ошна-оғайниларни бўлмаган жойда, ўз эл-юртидан йироқда, у ўзини қанчалик мусофир деб ҳисобламасин,— у ўзи билган «Интернационал» куйини куйловчи ўртоқлар ва дўстлар топа олади»¹.

Маълумки, бу қўшиққа француз армиясининг сапёр капитани Руже де Лиль бир кечанинг ўзидаёқ куй басталаган, шундан кейин у «бир кечанинг даҳоси» лақабини олган эди.

Бора-бора Ленин севиб ўқиган, ўз фикрини қувватлаш мақсадида мисоллар келтирадиган адиблар доираси ниҳоятда кенгайиб кетади. Агар биз доҳий асарларини жилдма-жилд varaқлар эканмиз, рус, украин ва жаҳон адабиёти классикларидан жуда кўп муътабар номларни учратамиз. Ўзига замондош сўз санъаткорларидан Л. И. Толстой, М. Горький, И. Эренбург, А. Серафимович, Демьян Бедный, В. Маяковский ижодига бўлган муносабатни эса, адабий меросдан қандай фойдаланишда ва совет адабиётининг истиқболини белгилаб беришда катта методологик аҳамиятга эга бўлди.

«Ленин ва адабиёт» мавзuida фикр юритган айрим муаллифлар Владимир Ильич бошқалардан кўра кўпроқ Крылов, Грибоедов, Шchedрин асарларини яхши билган ва улардан тез-тез мисоллар келтириб турган, десалар, баъзилари Чернишевский, Лев Толстой, Некрасовларни кўпроқ ёқтирганини исботлашга ҳаракат қиладилар. Надежда Константиновна масалага ёндошувнинг бундай усули тўғри эмаслигини кўрсатиб, «Литературная газета»нинг 1939 йил 5 март сонida, жумладан бундай деб ёзган эди: «... Кўчирмаларга ва уларнинг бот-бот ишлатилиб туришига қараб қандай асарлар, қандай ёзувчилар Ильичнинг севиқли ёзув-

¹ «Ленин маданият ва санъат тўғрисида», 144-бет.

чилари эканини белгилаш мутлақо мумкин эмас. Қўчирмаларнинг характери унинг жанговар ёки публицистик мақолалари характери билан белгиланади... Ильич ўз сиёсий мақолаларида ҳаммага маълум адабий образлардан кураш воситаси (қуроли) сифатида фойдаланган».

В. И. Ленин дунёқарашининг шаклланишида, жамонат арбоби ва сиёсий раҳбар сифатида вояга етишида рус адабиётининг роли ғоят катта бўлди. 1919 йил немис қамоқхонасида ётган Роза Люксембургнинг айтишича, бадиий адабиёт бошқа ҳеч бир мамлакатда, бошқа бирор асрда чоризм зулмига қарши кураш давридаги рус адабиёти сингари халқ манфаатларини қўйловчи қудратли ижтимоий куч бўлолмаган эди; у ўзининг юксак мавқеини бутун бир аср давомида сақлаб келди ва оқибати амалий таъсирини кўрсатди. Ленинни тарбиялаб, балсғатга етказган ҳам адабиёт бўлди...

Роза Люксембургнинг фикрини А. И. Герцен айтган қуйидаги сўзлар ҳам тасдиқлайди: «Ижтимоий озодликдан маҳрум этилган халқ учун адабиёт ягона минбардирки, у ана шу юксак минбардан ўз ғазаби ва виждонининг ҳайқириғини эшиттиради». (Асарлар, 30-томлик, VII том. М., 1954, 198-бет). А. И. Герценнинг айтишича, адабиётнинг XIX аср рус жамияти ҳаётига таъсири шу қадар кучайиб кетдики, бундай таъсир Европа мамлакатларида аллақачон йўқолган эди. Қисқаси, адабиёт жамиятдаги революцион кайфиятларни акс эттирувчи энг муҳим соҳалардан бири бўлиб қолди. Деярли ҳамма рус революцион-демократ таъқидчилари ўз мақолаларида илгор рус адабиёти мамлакатдаги миллий озодлик ҳаракати билан мустаҳкам алоқада эканини кўрсатдилар. Ленин уларнинг овозини эшитди, ўқиди ва бир умрга севиб қолди. Рус классиклари севгандек Ватанни фидокорлик билан севди, рус тилига чуқур ҳурмат билан қаради, кейинчалик эса ўзининг ажойиб асарларида бу тилни ниҳоятда бойитди. Зотан,

Лениндаги Ватанга муҳаббат—меҳнаткаш оммага, унинг тилига бўлган муҳаббат билан мантикий боглиқ эди.

Владимир Ильичнинг рус адабиётини, шунингдек, жаҳон адабиётини яхши билганини, классиклар ижодини жуда чуқур таҳлил қилиб берганини назарда тутсак, масала кимдир яхшироқ билгани ва кимгадир камроқ эътибор қилганда эмас, балки муайян бир мақоланинг ёзилаётган пайтидаги сиёсий вазиятда, олинadиган кўчирма ана шу вазиятни қанчалик тўғри ифодадай билишида эканини англаш осон бўлади.

Ленин адабиётга ҳаётни билиш воситаси деб қарар эди. Унинг учун бадий тафаккур қанчалик чуқур бўлса, воқеликнинг инъикоси нақадар ҳаққоний, ҳар тарафлама кенг бўлса, асар шунча қимматли бўлади. Доҳий санъат ва адабиёт олдига қатор вазифалар, талаблар қўяди. Чунончи, у биринчидан, халқники бўлиши керак; иккинчидан, меҳнаткашлар оммаси ичига чуқур илдиз отиши лозим; учинчидан, меҳнаткаш халққа тушунарли бўлиб, шу халқ томонидан севиلسин; тўртинчидан, омманинг фикр-туйғусини, иродасини бирлаштириб, уни юксакликка кўтарсин; бешинчидан, халқ орасидан санъаткорлар тарбиялаб чиқариб, камолга етказсин ва бошқалар. Владимир Ильич ўзи ёқтириб, мисоллар олган асарларнинг авторларига ана шу талаблар нуқтаи назаридан ёндашган. Сўз санъаткорларининг дунёқарашидаги демократик, социалистик ғояларнинг изчиллигини табриклаганда ёки мавжуд зиддиятларни танқид қилганда ҳам албатта шу талабаларни кўзда тутган.

Гарчи ёзувчиларни Ленин алоҳида гуруҳларга ажратмаган бўлса-да, унинг маънавий дунёсида ғоят катта аҳамият касб этган шахс сифатида аввало Н. Г. Чернишевскийнинг номини аташ тўғри бўлади. Чунки Чернишевский ижодида мавжуд бўлган ижтимоий-фалсафий қарашларнинг, унинг асарларидан олинadиган бадий

завқнинг таъсири дохийга жуда кучли бўлган эса-да, лекин у «ўзининг мақолаларида ва китобларида бу таъсир ҳақида ҳеч қачон тўғридан-тўғри гапирган эмас...» Агар унинг «асарларига назар солсангиз, Чернишевский ҳақида гап очган жойлари қандайдир алоҳида эътирос билан ёзилганини» (Н. К. Крупская) сезиб олиш қийин эмас.

Чернишевский Владимир Ильичга улуг мутафаккир, истеъдодли адиб, Марксгача бўлган материалистик эстетиканинг қудратли намояндаси бўлганлиги учунгина эмас, айни замонда бир шахс сифатида намуна ролини ўйнагани учун ҳам қимматли эди. Чернишевский сиймосидаги халқ манфаатларига хизмат қилмайдиган хатти-ҳаракатларга нисбатан муросасизлик, метиндек мустаҳкам ирода, қисматнинг барча жабр-жафоларига бардош бериб, чидаш қийин бўлган машаққатли ҳаётини кучли инсонга хос мағрурлик билан ўтказгани В. И. Ленинни ўзига мафтун этарди.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидаги ижтимоий воқелик Владимир Ильич олдида турли характердаги ниҳоятда актуал масалаларни тўғри ҳал қилиш вазифасини қўйди. Пролетариатнинг онгли авангарди — Коммунистик партияни тузишга назарий ва амалий замин ҳозирлаш ҳамда уни тузиш ва пролетариат диктатураси учун кураш даврида, у гоҳ Маркс ва Энгельс билан, гоҳ Чернишевский билан маслаҳатлашар, ёзаётган асарларидаги фикрларини гўё улардан тасдиқлатиб оларди.

В. И. Ленин энг севган асарлардан бири — Чернишевскийнинг «Нима қилмоқ керак?» романининг бир печабоби дастлаб «Современник» журналида (цензура пайқамай қолган) босилган, кейин журналнинг ўша соли тезда мусодара қилинган эди. Самодержавие ёзувчидан шафқатсиз ўч олди, аввал уни етти йил каторга ншига ҳукм қилган, сўнг доимий равишда Сибирда яшашга фармон берган эди. «Современник»нинг роман

боблари босилган сони Ульяновлар оиласида сақланиб қолгани учун қўлдан-қўлга ўтиб, ўқиладди. «Нима қилмоқ керак?» алоҳида китоб ҳолида биринчи марта Женевада нашр этилиб, яширин ҳолда Россияга олиб келинади, Владимир Ильич Шушенск сургунида эканида ана шу хорижий нусхадан фойдаланади. У ўзининг нолегал равишда босилган илк асари «Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашмоқдалар?»да Чернишевскийнинг рус революцион ҳаракати олдидаги хизматларига юксак баҳо берган эди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида 1861 йилги деҳқон реформасини кўкларга кўтариб мақтаётган либералларга ва либерализмга қарши курашда, демократия учун курашни социализм учун кураш билан бирга қўшиб гояларини баён қилганда, шунингдек, фалсафа соҳасида идеалистларга қарши кураш авж олиб кетган йилларда Ленин доимо Чернишевскийга суянади. Бу «улуғ рус гегелчиси, улуғ рус материалисти»нинг асарларини такрор ва такрор ўқирди. Ленин Чернишевскийни машҳур революционер, улкан олим, илғор мутафаккир деб баҳолаш билан бирга Рахметов тишидаги, китобхонани ҳаяжонлантирувчи ҳақиқий курашчилар, жасур революционерлар образини яратган йирик санъаткор бўлгани учун ҳам чуқур ҳурмат қиларди. Унинг асарларини таълим берувчи, олға бешловчи, плҳомлантирувчи деб таърифларди. РСДРПнинг кекса аъзоларидан М. М. Эссен билан бўлган бир суҳбатда Владимир Ильич Н. Г. Чернишевскийнинг «Нима қилмоқ керак?» романини бир ёзининг ўзида 5 марта ўқиб чиққанини, ҳар сафар ундан янги-янги ҳаяжонлантирувчи фикрлар топиганини айтган.

Владимир Ильичнинг Чернишевскийга нақадар меҳр қўйганини ёрқинроқ кўрсатиш ниятида бир вақтлар, меньшевиклар, махистлар гўдасида юрган Н. Валентинов билан Ленин ўртасида бўлиб ўтган бир баҳсни келтириш ўринли бўлур эди.

Н. Валентинов «Чернишевский асарлари жўн ва истеъдод сезилмайдиган асарлар»,— деганида, Ленин қаттиқ хафа бўлиб, шундай дейди: «Нима гапираётганингизни биласизми? Социализмнинг Марксгача бўлган энг йирик ва талантли вакили Чернишевскийнинг асарлари «жўн, истеъдод сезилмайди» деб атайдиган даҳшатли, бемаъни фикр қандай қилиб хаёлга келиши мумкин? Уни Маркснинг ўзи «улуғ рус ёзувчиси» деб атаган... «Нима қилмоқ керак?»нинг таъсирида юзлаб кишилар инқилобчиларга айланганлар. Агар Чернишевский истеъдодсиз бўлиб, жўн ёзганда шундай бўла олармиди? Масалан, у акамни мафтун этди, мени мафтун этди. У менинг бутун вужудимни ағдар-тўнтар қилиб юборди... Чернишевский туфайли мен бирипчи марта фалсафий материализм билан танишдим... Унинг адресини билиб олиб, ҳатто унга мактуб ҳам ёзганман ва жавоб сўламаганимдан жуда хафа бўлганман. Унинг вафоти тўғрисида бир йилдан кейин келган хабар мен учун катта кулфат бўлган...¹

Надежда Константиновнанинг айтишича, Владимир Ильичнинг Чернишевский ҳақида айтган ҳамма фикрларидан унинг Чернишевский хотирасини жуда ҳурмат қилгани кўриниб туради. Партия ишида катта қийинчиликларни енгишга тўғри келган оғир замонларда Ленин Чернишевскийнинг: «Революцион кураш — Невский кўчасининг йўлкаси эмас»,— деган гапини такрорлашни яхши кўрарди... Владимир Ильич демократизм масалаларига тақалган вақтда доимо Чернишевскийни ҳам эслаб ўтарди, чунки у демократия учун курашни социализм учун кураш билан бирга қўишни биринчи марта Чернишевскийдан ўрганган эди.

Чернишевский устида гап борганда революцион-демократ танқидчилар ва мутафаккирлар авлодидан бўлган В. Г. Белинский, Н. А. Добролюбов ва А. И.

¹ Сб. «Ленин и книга», М., 1964 г., стр. 396—398.

Герценга Владимир Ильичнинг муносабатини қисқача баён қилмай ўтиб бўлмайди. Рус адабий танқидини чуқур ўрганган доҳий бу соҳада В. Г. Белинскийнинг истеъдоди ва қомусий характердаги билимини жуда юксак баҳолаган. У, Белинский ёш Маркснинг асарлари билан, шубҳасиз таниш бўлган деган ҳақиқатга яқин тахминини айтган эди. Бу ажойиб башорат энди тасдиқлангани ҳаммага маълум. Ўзининг мақолалари ва рисолаларида Белинский номини кўп марта тилга олган Ленин, айниқса, буюк мунаққиднинг «Гоголга хат»ини алоҳида мамнуният билан эслайди. Владимир Ильич «Вехи» тўғрисида» деган мақоласида бир тўда контрреволюцион буржуа зиёлиларининг «Вехи» номли тўпламида (у 1909 йил баҳорида Москвада чиққан) рус халқининг энг яхши вакиллариининг революцион-демократик анъаналари ҳамда Белинский билан Чернишевскийнинг фаолиятини сохталаштирилишига қарши курашиб, «Гоголга хат» даги жанговар руҳни таъкидлаган бўлса, «Россиядаги ишчилар матбуотининг ўтмишидан» асарида: «Белинскийнинг адабий ишларига яқин ясаган унинг «Гоголга хат» деган машҳур асари цензурасиз демократик матбуотнинг энг яхши асарларидан бири бўлиб, бу асар ўзининг зўр аҳамияти ва таъсирини ҳозиргача сақлаб келмоқда»¹— деб ёзган эди.

Белинский ҳамда Чернишевскийнинг дўсти ва ҳамроҳи Н. А. Добролюбов Владимир Ильичга маънавий-эстетик лаззат бағишлаган арбоблардандир. У Добролюбовни ўқиб, ғоят мароқланган дамларини хотирлаб, кейинчалик шундай деган эди:

— Добролюбовнинг: бири Гончаровнинг «Обломов» романи ҳақида, иккинчиси Тургеневнинг «Арафа» романи тўғрисида ёзилган икки мақоласи менга худди яшин теккандек таъсир қилган. Мен, шубҳасиз, «Арафа»ни илгари ҳам ўқиган эдим, лекин уни жуда эрта ўқиганим-

¹ «Ленин маданият ва санъат тўғрисида», 198-бет.

дан, мен унга болаларча ёндашганман. Добролюбов романга бундай муносабатни тубдан ўзгартиб юборди. Мен бу асарни, жумладан, «Обломов»ни, яна қайтадан ўқиб чиқдим, айтиш мумкинки, энди Добролюбовнинг сатрлар орасидаги изоҳлари билан ўқидим. У «Обломов» таҳлилини иродали бўлишга, фаоллик ва революцион курашга чақириққа, хитобга айлантириб юборган. «Арафа»нинг таҳлили эса, то шу кунгача унутилмайдиган қилиб ёзилган чинакам революцион даъватнома даражасига кўтарилган...¹

Владимир Ильич А. И. Герценни севар, унинг асарларидан, революцион фаолиятдан илҳомланарди. «Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашмоқда?», «Нима қилмоқ керак?», «Герцен хотираси» ва яна бир қанча асарларида Герценнинг номи қайта-қайта тилга олинади. Тарихдан шу нарса бизга аёнки, 1912 йил апрель ойида Лена конларида юз берган воқеалар, оммавий тус олиб кетган иш ташлашлар пролетариат оғининг сезиларли равишда ўсаётганини равшан кўрсатиб қўйди. Ишчилар ҳаракати юқори нуқтага кўтарилиб, унга раҳбарликнинг янги шарт-шароитлари вужудга кела бошлади. Бу даврда Ленин характерида ҳам сезиларли ўзгариш рўй берди. У кам асабийлашадиган, фикрларини шошилмай бир жойга тўплаб муҳокама юритадиган, рус ишчилар ҳаракати олдида турган вазифалар хусусида кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолди. Хотиралардан маълум бўлишича, Лениндаги бу кайфият Герцен тўғрисидаги мақолада жуда равшан акс этган.²

Жанговар руҳда ёзилган «Герцен хотираси» асарини рус либерал буржуа интеллигенцияси фожия қилиб ташлади. Агар улар Герценни тилга олганда, «социализмнинг жиддий масалаларини эҳтиёткорлик билан четлаб ўтаётган, революционер Герценнинг либералдан фарқи нима-

¹ Сб. «Ленин и книга», М., 1964 г., стр. 399—400.

² Сб. «Ленин и книга», стр. 359—360.

да эканини қаттиқ яширган» бўдсалар, Ленин чор монархиясидек «газандага қарши курашнинг улуғ байроғини оммага эркин рус сўзи билан мурожаат қилиб, биринчи марта кўтарган» Герценни, декабристлар уйғотган Герценни ҳар тарафлама мукамал таърифлаб берди. Герцен фаолиятининг ленинча таҳлили туфайли «пролетариат ҳурматлаб ёдга оладиган» бу улуғ революцион-демократга хос барча зиддиятлар, унинг деҳқон социализми ҳақидаги ғайри илмий таълимоти, революцион халқни кўра олмагани ва бошқа ожиз томонлари очиб берилди. В. И. Лениннинг таърифига кўра: «Герцен деҳқонларни ер билан озод қилишни, жамоа бўлиб ерга эгаллик қилишни ва деҳқонларнинг «ерга эгаллик қилиш ҳуқуқи» тўғрисидаги идеяларни «социализм» деб билар эди. У ўзининг бу тўғридаги яхши кўрган фикрларини жуда кўп марталар кенгайтириб таърифлаган эди... Герценнинг бу таълимотида ҳам заррача социализм йўқ»¹. Бироқ рус пролетариати учун, Ленин учун «60-йилларда революцион халқни кўргач, ҳеч қўрқмасдан революцион демократия тарафида туриб, либерализмга қарши курашган» Герцен қимматли эди. Ленин чет элда «эркин рус матбуотини» яратган, «бу — унинг буюк хизмати» бўлган Герценни севарди.

Герцен чиқарган сиёсий-адабий тўплам — «Полярная звезда»ни «декабристларнинг традицияларини қайтадан тиклаган» революцион фикр тарқатувчи деб характерлади. Ўзи асос солган «Колокол» журналида Герцен деҳқонлар озодлигининг тарафдори сифатида актив курашди. «Бироқ Герцен помещиклар, оқсуяклар муҳитига мансуб бўлган киши эди. У, Россиядан 1847 йилда чиқиб кетган эди, у революцион халқни кўрган эмас ва унга ишона олмас эди... демократизм билан либерализм ўртасида ҳар қанча иккиланган бўлса ҳам, бари бир, у кўпроқ демократ эди»².

¹ «Ленин маданият ва санъат тўғрисида», 126-бет.

² Ўша асар, 127—128-бетлар.

В. Бонч-Бруевичнинг эслашига кўра, Ленин «Полярная звезда» комплектини уйига олиб кетиб, диққат билан ўқиб чиққач, Герценга бўлган муҳаббати тобора орта боради. Унинг асарларини жилдма-жилд мутолаа қилиб чиққач, яна қайтадан нашр қилиш керак,— деган хулосага келади. Зотан, А. И. Герцен рус халқининг огир зулм остида инграётганини кўрар, шунинг учун: «рус халқининг кўнглида жунбушга келиб ётган барча поэтик имкониятлар ғоят сероҳанг қўшиқларда ўзини намоен қилади. Рус деҳқони ўз азоб-уқубатларини қўшиқлари орқали енгиллатади, қўшиқ унинг оҳу зорини, умидсиз умидворлигини... ифодалайди»,— деган эди (Собр. соч. т. VII, 1956, стр. 198).

Владимир Ильич Герценнинг журналдаги фаолияти билан яхши таниш бўлгандан кейин, ёзувчининг бошқа асарлари билан ҳам қизиқа бошлайди. Ҳар бир янги китобдаги алоҳида образларнинг тасвири, айрим ижтимоий гуруҳларнинг таърифлари уни ғоятда завқлантиради ва айниқса, ёзувчининг ёқимли тилини мақтайди.

«Рус адабиётининг бутун дунё миқёсида қозониб бораётган аҳамияти»дан жуда мамнун бўлган Владимир Ильич, уни тобора чуқурроқ ўрганар ва унинг халқ оmmasидаги революцион руҳни ифодаловчи намуналаридан ўз ғоявий муҳолифларига қарши курашда усталик билан фойдаланарди. 1901—1902 йилларда рус социал-демократияси олдида турган халқларни самодержавие зулмидан озод қилишдек миллий вазифаларга ва бутун Россияда ўн мингларча нусхада мунтазам тарқаладиган ҳафталик газета кераклиги масаласига тўхтаганда: «биз ана шу тўғрида хаёл сурмоғимиз керак!» — дейди. Хаёл суриш марксист учун ҳам зарурлигини исботлаш учун Д. И. Писаревнинг «Хом фикрдаги хатолар» мақоласидан қуйидаги сатрларни келтиради: «... Менинг хаёлим воқеаларнинг табиий боришидан ўзиб кетиши ҳам мумкин ёки бутунлай бошқа томонга, воқеаларнинг табиий бориши ҳеч қачон бормайдиган томонга қараб кетиши ҳам

мумкин. Биринчи ҳолда хаёл ҳеч қандай зарар келтирмайди; у ҳатто меҳнатқаш кишига мадад бўла олади, унинг ғайратини кучайтира олади... Бу хил хаёллар ишчи кучини бузмайди ва пшдан чиқариб қўймайди асло. Ҳатто тамомил ақсинча. Агар кишида бу хил хаёл қилиш қобилияти ҳеч бўлмай, баъзи-баъзида хаёли югуриб олдинга ўтиб кета олмаса ва қўли остида эндигона ижод этилаётган ишнинг бутун манзарасини ўз хаёлида тўла ва тўқис тасаввур қилолмаса, у ҳолда одамнинг санъат, фан ва тирикчилик соҳасида ғоят катта ва азоб ишларни бошламоққа ва охирига етказмоққа ҳаракат қилишга нима мажбур этганини мен асло тушуна олмайман...» «Афсуски, ана шу хил хаёллар бизнинг ҳаракатимизда жуда оз»¹.

Россияда капитализмнинг тараққий этиш жараёни устида фикр юритиб «ишнинг кўзини билладиган мужиклар» тишини пайдо бўлаётганини кўрсатишда, «революционерлар бўлмасин», «революция бўлмасин»,— деган шнор воситаси билан гўё революцияни ҳимоя қилаётган меньшевикларни масхара қилишда, кадетларни, яъни 1905 йил октябрда ташкил топган либерал-монархистик буржуа партиясини «Жаноби Головлелар» романидаги Нудушка Головлелга таққослаб шармандасини чиқаришда улуг санъаткор, жамоатчи, революцион-демократ, ажойиб сатирик Салтиков-Шчедрин ёрдамга келади. Шчедриннинг баъзи образлари, таъбирлари Лениннинг доимо қўллайдиган ибораларига айланиб кетадилар.

Классиклар яратган ажойиб образлар доҳийга ғоявий кураш қуроли вазифасини ўтаганини Салтиков-Шчедрин асарлари мисолида такрор-такрор кўриш мумкин. Либерал народниклар раҳнамоси Микхайловскийни фош қилишда уни Шчедриннинг «Қуритилган балнқ» («Вяленая вобла») эртагидаги қоқига айланган балнққа ўхшатади. Ўхшатиш шу қадар кучли таъсир қиладики, обрўси тў-

¹ «Ленин маданият ва санъат тўғрисида». 67—68-бетлар.

килган сиёсий рақиблар «Отечественные записки» журнаlining 1834 йил февраль сонida босилган бу эртаки бошқа асарлар билан бирга ман қиладилар. Бундан Владимир Ильич хабардор эди. Шу-шу бўлди-ю «Қури-тилган балиқ» ибораси рақибларнинг баданига ханжар-дек қадаладиган бўлди»¹.

Владимир Ильич 1898 йилнинг бошларида Шушенское қишлоғидан онасига ёзган бир мактубида И. С. Тургенев асарларининг бузилмасдан, қисқартилмасдан чоп қилинган тўла нашри сотилаётган бўлса, олишни сўрайди. Шу йилнинг охирида йўллаган бошқа мактубида эса, немис тилини эгаллашга жиддий киришганини айтиб, Тургеневнинг немис тилига таржима қилинган китобларидан юборишни илтимос қилади.

91-84-59 Тургенев санъаткор сифатида Лениннинг эстетик заво-га яхши жавоб берган. Бонч-Бруевич: Ильич Женева-яшаган йилларда Тургенев асарларидан кўп мисол-лар келтирар, айрим шахсларни унинг китобларидаги персонажлар билан муқояса қилиб турарди,— дейди. Доҳий Тургенев яратган образларни чуқур ва атрофлича таҳлил қилиб берар экан, ёзувчининг айрим асарларини мукамал таҳлил қилиш истаги борлигини ҳам билдир-ганини айтадилар.

Чернишевскийнинг социалистик гоялар билан сугорилган бадиий тафаккур олами, Салтиков-Шчедриннинг тифдор сатираси, Тургеневнинг сеҳркор қалами билан чизилган рус ҳаётининг ҳаққоний манзаралари Влади-мир Ильич қалбни тўлқинлантирганда, Н. А. Некрасов-нинг алам ва қасос лираси кўнглидан мустаҳкам жой олмаслиги мумкин эмас эди. Дарҳақиқат, унинг таъсир-чан юраги ёшлик чоқларидаёқ, Некрасов шеъриятига ром бўлиб қолган эди. Синглиси билан Некрасов шеър-ларини ким кўп ва тез ёдлаш учун мусобақа ўйнаган вақтлари ҳам бўлган.

¹ А. С. Ерохин. Шушенский, М., 1971, стр. 185-190.

Симбирск шаҳрида эканларидаёқ Илья Николаевич ўз фарзандларига улуг рус революцион-демократ шоири Н. А. Некрасовнинг жуда чиройли қилиб нашр этилган бир жилдлик шеърлар тўпламини совға қилади. Фарзандлари уни қўлма-қўл ўтказиб ўқишарди. Шундан бери рус халқи сингари жафокаш Некрасовнинг сози Ленин билан доимо бирга бўлди. Ленин қаерга борса, Некрасов унга ҳамроҳ бўлиб кетарди. У мақолалари ва китобларида Некрасовнинг ҳикматли сўзлари, оригинал образлари ва ибораларидан тез-тез фойдаланар, айтмоқчи бўлган фикрларининг эмоционал таъсирини оширарди.

Владимир Ильич рус ва жаҳон адабиёти намояндлари асарларидан кўчирмалар келтирганда уларга гоёт нозик дид билан ёндашгани, олинган парча ёки образ қайси ниятни бўрттириб беришга керак эканини олдиндан мўлжаллаб қўяжаги яққол кўриниб туради. 1895 йили Фридрих Энгельснинг вафотига ёзган некролог-мақоласида Энгельснинг вафоти башарият учун жуда оғир йўқотиш бўлганини ифодалаш мақсадида Некрасовнинг «Добролюбов хотираси» шеъридаги:

Мусаффо бу юрак тинди уришдан,
Нақадар зўр ақл чироғи сўнди,—

мисраларини эпиграф қилиб олади.

А. С. Ерохин шу мақола тарихи билан алоқадор бир фактни келтиради. «Меҳнатни озод қилиш» группасининг таҳрири остида Женевда чиқадиган «Работник» журналининг 1895 йилдаги 1—2- сони Россияда тарқалиши биланоқ полициянинг қўлга тушади. Ленин мақоласи худди шу сонда эди. Айни замонда автор ҳам Петербург қамоқхонасига ҳибсга олинган эди. Чор амалдорлари Ленинни ҳам, Энгельсни ҳам, Некрасовни ҳам ашаддий душман ҳисоблар эдилар.¹

¹ Шушенский арсенал, стр. 157—158.

Владимир Ильич кичиклигида Некрасов шеърларини соддалиги, ҳаётийлиги ва ўзи гувоҳи бўлган сермашақ-қат турмуш лавҳаларини ростгўйлик билан тасвирлагани учун севган бўлса, кейинчалик шоир ижодида ёрқин ифодаланган ижтимоий ғояларни, революцион руҳни, халқ билан ҳамдардликни ниҳоятда қадрлайдиган бўлади. 1913 йили Надежда Константиновна билан Краков шаҳрида яшаб туриб, Мария Александровнага йўллаган хатларида рус тилидаги бадий адабиётга жуда муҳтож бўлаётганларини, Ильич эса қўлидаги Некрасов китобини аллақачон ёд қилиб юборганлигини айтиб, тезроқ бадий асарлар юборишни, агар Пушкин ва Успенский бўлса, жон деб ўқияжакларини маълум қилдилар.

Ленин кечқурунлари фалсафий китобларни, жумладан, Гегель, Кант ва француз материалистлари асарларини ўқишга одатланган бўлиб, чарчаган соатларида ҳузур қилиб Пушкин, Некрасов, Лермонтов шеърларига берилиб кетарди. 1836 йили Пушкин томонидан таъсис этилган, 1847 йилдан бошлаб Некрасов ва Панаев нашрлиқ қила бошлаган «Современник» («Замондош») номли адабий ва ижтимоий-сиёсий журнал шуҳрат қозонган даврда Некрасов ўз маслакдошлари орасидаги энг истеъдодли, шоирлардан саналарди. Бинобарин, Ленин унга алоҳида муҳаббат билан қаради.

М. М. Эссеннинг хотираларида айтилишича, Владимир Ильич ҳордиқ чиқариш учун айланиб юрган дамларида, ёки кечки чой ичиш пайтларида адабиёт ҳақида суҳбатлашишни яхши кўрган. Кўпинча суҳбат мавзуи Салтиков-Шчедрин, Некрасов, Чернышевский, айрим вақтларда Пушкин, Лермонтов ва бошқа ёзувчилар ижоди бўларди. «Бир куни,—деб ҳикоя қилади М. М. Эссен,—Ильич мендан: «Некрасовнинг «Рус аёллари» поэмасини ёд биласизми?»—деб сўраб қолди.—Ҳа, биламан-у, ҳеч қачон овоз чиқариб ўқий олмайман, кўзимдан ёш келиб, нафасим бўғилиб қолади,—дедим.

Ильичининг завқи келиб: «Санъаткорнинг кучи маъна шунда, қаттиқ ҳаяжонга солишида»¹,— деди.

Китобхонларимиз, Владимир Ильич ўзининг қатор мақола ва рисоаларида Некрасов шеърларидан мисоллар келтирганини яхши билдилар. Уларнинг ҳар бири маълум конкрет шаронтдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг образли қилиб ифодалаб беришга хизмат қилганлар ва гоёвий кураш қуроли вазифасини бажарганлар. Некрасов хотирасига чуқур ҳурмат сақлаган доҳий, 1903 йили шоир вафотининг 25 йиллигини қайд қилиш лозимлигини эсдан чиқармайдн. Лондондан А. Н. Петросовга ёзган хатида «Искра»га шоирни эслаб бирор хотира ёки мақола ёзиб беришини илтимос қилади. Гарчи шундай бир мақола ёзилмаган бўлса-да, Н. А. Некрасовнинг вафотига 25 йил тўлишига атаб, Г. В. Плеханов ёзган докладни «Искра» алоҳида рисола сифатида нашр этиш йўли билан Ленин истакларини амалга оширади.

Владимир Ильич революция энг қизғин даврга кирган 1917—1918 йилларда ҳам актуал сиёсий мавзуларда ёзган мақолаларида Некрасовни тилга олади. 1917 йилнинг кузида буржуазиянинг Миллюков, Заславский, Дон сингари бемаъни қаламкашлари томонидан Ленинга, большевиклар партиясига ноҳақ ҳужум кучайиб кетди. Владимир Ильич уларга қарши, партияни ҳимоя қилиб ёзган «Сиёсий дўқ-пўписа» номли мақоласида партияни улуғлаб, у «давримизнинг ақл-идроки, шарафи ва виждони», деб атади. Некрасовнинг «Хушбахт эрур мулойим шоир»... шеърдаги:

Он слышит звуки одобренья

Не в сладком лепете хвалы

А в диких криках, озлобленья...—

мисраларини келтириб, большевик, умуман олганда, бу машҳур ҳикматли сўзларни ўзига татбиқ қилиши мум-

¹ «В. И. Ленин о литературе и искусстве», М., 1957, стр. 574.

кин эди,— дейди. Ленинча топагоиллик билан ўз ўрнида ишлатилган шоирнинг фикри жанговар мазмун касб этиб, янгича жаранглай бошлаган.

Доҳийнинг бадний асарлардан фойдаланишдаги ўзига хос услубида тез-тез учраб турадиган хусусиятлардан яна бири келтириладиган мисоллардаги айрим сўзларни янги, конкрет шароитга мослаб бошқача қилиб ишлатишдир. Октябрь революциясининг ғоят тараддудли кунларида ёзилган «Большевиклар давлат ҳокимиятини ушлаб қола оладиларми?» мақоласида доқорида биз кўриб ўтган мисраларни қуйидагича кўчиради:

Мы слышим звуки одобренья
Не в сладком рокоте хвалы
А в диких криках, озлобленья!¹

«Он» ўрнига «Мы» олмошини, «лепет» ўрнига «рокот» сўзини келтириш, кўп нуқта ўрнига ундов белгисини қўйиш Некрасов шеърини кучайтирган, янги революцион маъно бахш этган.

Владимир Ильич кўпинча истироҳат соатларида ҳамроҳлари билан суҳбатда шоирларнинг асарларидан ёд ўқир, уларни суҳбат мавзусига боғларди. 1914 йили Брюсселда эканида сиёсий эмигрант И. Попов ватанининг аҳволидан шикоят қилиб: чет элликлар билан гаплашганда Россиянинг қолоқлигини, унинг дардларини эътироф қилиш нақадар алам қилади кишига,— деганида, Ильич унга жавобан: «Сиз ҳозир қандайдир кутилмаган гапни айтдингиз. Буни жуда яхши гапирдингиз. Эҳтимол, эсингиздадир, Некрасовнинг: «кимки беқайғу ва бегазаб яшар экан, у ўз ватанини севмайди» дегани. Доҳий у мисраларни ёддан ўқийди. Владимир Ильич Канри оролига Горький ҳузурига меҳмон бўлиб келгандаги тундаги сайри: айтмайсизми. Икки улуг инсон осмонга

¹ Шуненский арсенал, стр. 159. (Шеърлардаги ўзгаришларни равшанроқ кўрсатиш учун оригинал варианты берилди.)

қараб, юлдузлар оламини кузатар эканлар, Ленин беихтиёр: «Юлдуз билан сўзлашур юлдуз» — дейди. Бу гўзал манзарани Лермонтов гоят ажиб ҳис этганини айтади.

Жаҳон адабиётининг илғор намояндаларини ҳурмат қилган ва уларнинг асарларини севиб ўқиган Ленин рус поэзияси ва прозаси қаторида Анри Барбюснинг «Ўт», Жек Лондоннинг «Ҳаётга муҳаббат», Гергарднинг «Онам ҳузурида» каби асарларини, шунингдек Виктор Гюгонинг 1848 йил революциясига бағишланган шеърларини жуда ёқтирарди, Сибирда экан вақтида Эмиль Золя, Гёте, Гейне китоблари унинг ҳамроҳи бўлган. Чет эл классикларининг руҳан тетик реалистик асарларини Ильич умрининг охиригача ўқишдан, тинглашдан чарчамади.

Надежда Константиновна яна шундай хотирлайди:

— Ильич вафот этмасдан икки кун бурун кечқурун мен унга Жек Лондоннинг «Ҳаётга муҳаббат» номи ҳикоясини ўқиб бердим — бу китоб Ильичнинг хонасидаги стол устида ҳозир ҳам ётибди. Гоят таъсирли бир асар. Қор босиб ётган, одам оёғи етмаган чўлда очдан ўлишга яқинлашган касал, дастгир бир киши пристанга қараб аранг юриб бормоқда; мадордан кета бошлайди, юришга дармони қолмайди; ерда судралиб бормоқда; у билан ёнма-ён, у ҳам очдан ўлаётган бир бўри судралиб бормоқда; булар олишмоқдалар, киши енгади, — у рамақижон, эси кирар-чиқар, аммо кўзлаган жойинга етиб боради. Бу ҳикоя Ильичга жуда ҳам ёқди. Эртасига у Жек Лондоннинг ҳикоясини давом эттиришни илтимос қилди...¹

Владимир Ильич рус халқи билан азалдан қондош-қариндош сифатида ёнма-ён келган украин халқи маданияти ва адабиётини ҳам яхши биларди. Унинг асарларида Иван Франко, Тарас Шевченко номлари учраб туради. Краков шаҳрида яшаган йилларида Шевченко

¹ И. К. Крупская. Ильич бадний адабиётдан нималарни ёқтирар эди. «Ленин маданият ва санъат тўғрисида», 563-бет.

томларини такрор-такрор ўқир, шоир асарлари ёзув столдан нари кетмасди. 1914 йилда Надежда Константиновна билан Шевченко хотирасига бағишланган кечада қатнашадилар. Октябрь революциясидан аввалги вақтларда украин тилини ўрганишга киришган Ленин Котляревскийнинг «Энеида»сини, М. Коцюбинский асарларини ўқиган. 1921 йили украин камбағалларининг делегацияси билан учрашганда украин тилини севажагини, Шевченко ва Франко китобларини бемалол ўқияжагини айтади.

Буюк рус ёзувчиси Л. Н. Толстой Лениннинг маънавий ҳаётида нақадар чуқур из қолдиргани тўғрисида, доҳийнинг бу гениал сўз санъаткори ижодида ва дунёқарашига бағишланган ҳайратомуз туркум мақолалари тўғрисида совет адабиётшунослиги бой материалга эга. Уларда Ленин Л. Н. Толстой тафаккуридаги зиддиятларни зўр маҳорат билан очиб бергани ҳам, ёзувчининг бадний қудратини юксак баҳолагани ҳам батафсил таҳлил қилиб берилган. Бу ҳақда мавжуд фикрларга яна нимадир, бутунлай янги нарсга қўшишдан ожиз эканимизга иқрор бўлишдан бошқа чора қолмайди. Фақат шуни айтиш керакки, у мақолалар партиявий адабий танқиднинг чўққисидир. Уларда шафқатсиз адолатли танқид билан ёзувчининг буюклигидан фахрланиш ҳисси қўшилиб кетган. Сезгирлик билан, узоқни кўзлаб ёзилган бу туркум марксча-ленинча адабиётшуносликнинг барҳаёт намунаси бўлиб қолади.

«Бутун инсониятнинг бадний тараққиётида олға томон қўйилган бир қадам» бўлган Толстой ижодини ҳар қандай сохталаштиришдан ҳимоя қилишда, асрлар ва наслларга буюк ибрат мактаби сифатида марксистик нуқтан назардан таҳлил қилиб беришда Ленин ҳеч бир меъёр билан ўлчаб бўлмайдиган улкан вазифани бажарди. У Толстой ҳақида бетутуруқ либерал-буржуа публицистларига қақшатқич зарба берган мақолалар эълон қилиш билан қаноатланмай, Европа мамлакатлари бўй-

лаб юриб докладлар қилди. 1911 йили январь ойида Париждан онасига ёзган мактубида: «Кеча бу ерда Толстой ҳақида доклад қилдим. Эҳтимол бу доклад билан бутун Швейцарияни айланиб чиқарман»¹,— деган эди. У қаерда бўлмасин Толстой даҳоси олдида ҳайратланмай туролмасди.

М. Горькийнинг «В. И. Ленин» очеркида келтирилган Толстой устидаги суҳбат доҳий томонидан ёзувчига берилган энг юксак баҳо деса бўлади. Зотан бу баҳо то шу суҳбатга қадар айтилган фикрларга якун ясагандай туюлади:

— Қандай улуг зот-а? Қандай буюк киши! Мана бунинг отахон санъаткор деса бўлади! Биласизми, яна нимасини қизиқ? Мана шу графга қадар адабиётда бирорта ҳам мужик тасвир қилинган эмас эди... Европада унинг билан бир қаторга кимни қўйиш мумкин? Ҳеч кимни.

Гарчи Ленин ва Толстой бир-бирлари билан бевосита учрашмаган бўлсалар ҳам, бир асар ҳар икки улуг инсон қўлидан ўтиб, уларнинг гойибона алоқасига воситачилик қилган. Воқеа бундай юз берган: 1905 йил революциясига қадар Ленин Берлиндаги ишчилар клуби саҳнасида Г. Гауптманнинг «Тўқувчилар» пьесасини кўради. Пьеса 1896 йили Петербургдаги нолегал типографияда босилган эди. «Тўқувчилар»ни Ильичнинг онаси Анна Ильинична Ульянова-Елизарова таржима қилгач, Ленин кўриб чиқиб маъқуллайди ва таҳрир қилади. Бонч-Бруевич эса, доҳий таҳриридан ўтган бу ягона бадий асарни ўз қўли билан Л. Н. Толстойга беради. Шунда Толстой яхши таржима ва жуда усталлик билан қилинган адабий таҳрирни кўриб ҳайратда қолади. «Лев Николаевич,— деб хотирлайди Бонч-Бруевич,— ўшанда мени алоҳида огоҳлантириб, эҳтиёт бўлишимни, полиция қўлига тушиб қолмаслигимни сўради».²

¹ Сб. «Ленин и книга», М., 1964, стр. 173.

² Сб. «Ленин всегда с нами», М., 1967, стр. 23—24.

Рус классик насрининг моҳир зарғари, энг нозик санъаткорлардан бўлган А. П. Чеховнинг новеллалари, повестлари, драматургияси Ленин севиб ўқийдиган асарлардан бўлган. Самара шаҳрида эканида «Олтинчи палата»ни ўқиб, унинг қалби ларзага келади. Асар унинг руҳига қандай таъсир қилганини опасига айтган қуйдаги сўзларидан англаш мумкин:

«Кеча кечқурун мен бу ҳикояни ўқиб тугатганимда, ниҳоятда ҳаяжонланиб кетдим, уй ичида туролмадим, ўрнимдан туриб, ташқарига чиқиб кетдим. Ўзимни ҳам худди олтинчи палатада қамаб қўйилгандек ҳис этдим».¹

Шу вақтдан бошлаб Ленин Чеховни қўлидан қўймайдиган бўлди. Владимир Ильич муҳожирликда юрган йилларда ҳам Чехов ижодини кузатиб туради. 1901 йил февралда Мария Александровнага Мюнхендан ёзган хатида: «Театрга бориб турасизларми? Чеховнинг «Уч опа-сингил» деган янги пьесаси қанақа пьеса? Уни кўрдиларингизми ва фикрларингиз қалай? Мен газеталарда босилиб чиққан мулоҳазаларни ўқидим...»²— дейди. 1916 йили Цюрихдан келган бир хатда эса, Чеховнинг мактубларини юборишларини сўрайди. Ниҳоят Октябрдан сўнгги дастлабки йилларда театрға бориб, «Ваня тоға»ни томоша қилади.

Энг революцион синф сифатида тарих саҳнасига чиққан истиқболли порлоқ рус пролетариатли Владимир Ильич сиймосида ўзининг ижтимоий-сиёсий камолотини, жаҳонда биринчи янги типдаги давлатни идора қила олиш салоҳиятини намоиш қилган бўлса, Максим Горький сиймосида ўзининг бадний камолотини намоиш қилди. Шунинг учун ҳам бу икки гигант даҳонинг олий мақсад томон бирга, фикрдош бўлиб қадам ташлаш

¹ А. М. Ульянова-Елизарова. «Ильич ҳақида хотиралардан», «Ленин маданият ва санъат тўғрисида», 551-бет.

² «Ленин маданият ва санъат тўғрисида», 415-бет.

пролетариат синфининг ғалабасини таъминлашда ҳал қилувчи омил бўлди. В. Г. Белинский таъбиридан фойдаланиб айтганда, Ленин фалсафий тушунчалар, статистик рақамлар билан қуролланган ҳолда ўз ўқувчилари ва тингловчиларнинг онгига таъсир этиб, ишчилар синфининг, меҳнаткаш деҳқонларнинг аҳволи ёмонлигини исботлади ва оммани революцияга чақирди. М. Горький воқеликнинг жонли ва реал манзараларини, ижтимоий муносабатларни тасвирлашда бадиий образлар билан қуролланган ҳолда ўз ўқувчиларининг фантазиясига таъсир этиб, ишчилар синфининг, меҳнаткаш деҳқонларнинг аҳволи ғоят аянчли эканини кўрсатди. Спёсий онг ва бадиий тафаккур бирлашиб, бир томондан мантиқий далил, иккинчи томондан образлар ва манзаралар ёрдамида озодликни фақат кескин курашларда қўлга киритиш мумкин, деган эътиқод халқ зеҳнига сингдирилди.

Горький билан Ленин ўртасидаги дўстлик инсоний дўстликнинг жуда кам учрайдиган энг самимий, энг жозибадор кўринишидир. Ильич Горькийнинг олжаноб шахс бўлгани учун қадрлаганидек, ёзувчи сифатида севар эди. «Горький ҳаммадан кўра ишчилар тўғрисида, шаҳар камбағалларни ҳақида, «тубанлик» тўғрисида, Ильични қизиқтирган табақалар хусусида кўп ёзар эди, ҳаётни ҳақиқий тусда, жуда конкрет тасвирлар эди, ҳаётга зулмдан, эксплуатациядан, пасткашликдан, фикрий қашшоқликдан нафратланувчи кишига хос назар билан — революционерга хос назар билан қарар эди. Шунинг учун ҳам Горький ёзган асарлар Ильичга қадрли ва тушунарли эди» (Н. К. Крупская). М. Горькийнинг соҳрли қалами катта қудратга эга эканини тезда пайқаб олган Ленин 1908 йилдаёқ «Ўртоқ Горький ўзининг буюк асарлари билан ўзини Россиядаги ва бутун дунёдаги ишчилар ҳаракати билан жуда мустаҳкам боғлаш»лигини фахрланиш ҳисси билан ёзди.

Горький баъзан махистлар ва отзовистларнинг таъси-

рида янглишган чоқларда унинг хатоларини Ленин беғараз, оқ кўнгиллик билан кўрсатар, уни чидам билан тўғри йўлга солиб юборарди.

Владимир Ильич Горький шахсиятида сеҳргар сўз санъаткорини, партияга, революцион пролетариат ҳаракатига жуда керак ижодкорни кўрар эди. Шунинг учун Алексей Максимович атрофини ўраб олган худо изловчилар гуруҳидан уни қутқариб олишни энг муҳим масала деб ҳисобларди. Маълумки, улугъ ёзувчи Каприда яшаган йилларда Богдановнинг марксизмни дин билан қўшиш ҳақидаги реакцион фалсафасига қизиқиш қолади. Богдановнинг қарашича, гўё худо ижтимоий ҳиссиётларни уйғотувчи ва ташкил қилувчи ғоялар комплексидан иборат. Кўриниб турибдики, бу идеалистик нуқтаи назар ғояларнинг келиб чиқиши материяга боғлиқ эканини бўяб кўрсатади. Ижтимоий ҳиссиётни, зулмга қарши, озодлик учун кураш ташаббусини бўғадиган, синфий туйғуларни ўтмаслаштирадиган худо ҳақидаги ғояларни ташвиқ қила бошлаган Горькийни ҳушёрликка чақириш учун Ленин икки марта Каприга келади.

Гарчи Алексей Максимовичнинг дунёқарашида партия манфаатларига зид фикрлар пайдо бўлган эса-да, Владимир Ильичга ҳамон дўст, меҳрибон эди. Бу айниқса, Ильични кутиб олишда унга кўрсатган ғамхўрлиги ва самимиятида равшан сезилади. «Блезус» меҳмонхонасидаги деразаси денгизга қараган энг яхши хоналардан бирини Ленинга ажратадилар. Горький азиз дўстни келадиган кунни ҳамма нарса — хона ҳам, тушлик овқат ҳам, ҳаво ва гуллар ҳам ҳар қачонгидан афзалроқ бўлишини истайди.

Мана, кутиб олиш, кўришиш ҳаяжонлари тинди. Дўстлар ўртасидаги қизғин мунозаралар гоҳ меҳмонхонадаги узоқ тунларда, гоҳ Италия бўйлаб саёҳатларда, гоҳ денгизда давом этди. Биз уларни дам Неаполда, дам Везувий вулқонини олдида, дам Помпей фожиясига бағишланган музейда кўрамыз. Ҳеч қаерда мунозара тўхтамайди.

Тик қоя олдиға келиб, Владимир Ильич тош устида дам олишни таклиф қилади. Узоқ вақт сукут ичида ўтирадиганлар. Хаёлан улар Россияда. Ленин рус революцияси истиқболини ўйлайди, янги режалар тузади. Горький эса, яратилажак янги китобнинг образларини чўтлаб кўради, Ватанин қўмсайди...

Доҳийнинг ҳаракатлари ўз ижобий самараларини берди. Гешнал санъаткорини хато йўлдан қайтариб олди. Партия, пролетариат диктатураси одамларга ҳеч қандай дин, ҳеч қандай шоҳ беролмаган жисмоний ва маънавий озодликни беражагига қаноат ҳосил қилдира олди. Владимир Ильич: «Шубҳа йўқки, Горький — гоёят катта бадиий истеъдод эгаси, у бутун дунёдаги пролетар ҳаракатига жуда кўп фойда келтирди ва бундан кейин ҳам келтиради», — деб башорат қилган эди. Шундай бўлиб қолди.

Камдан-кам учрайдиган, сийрак истеъдодни, секин-аста яллиғланиб турадиганлар қаторида ялт этиб порлаб кетиб, узоқ-узоқларга нур сочиб турадиган истеъдодни эҳтиёт қилишнинг, унинг камол топишига чин кўнгилдан ёрдам беришнинг олий намунаси Владимир Ильичнинг Горькийга кўрсатган ғамхўрлиги, меҳрибончилигидир.

М. Горькийнинг саломатлиги ночор бўлгани туфайли Ленин уни даволаш масалалари билан тинмай шуғулланарди. Бот-бот Алексей Максимовичнинг аҳволини сўраб турганидек, албатта энг яхши докторларда даволанишни, докторлар белгиланган тартибга риоя қилишни, кечаларни иштамасликни маслаҳат берарди. 1918—1919 йиларда Пинтерда бўғиқ муҳит вужудга келиб, шаҳар «энг қаттис жойлардан бири бўлиб қолган» эди. Революциядан норози буржуа зиёлилари Совет ҳукуматиға қарши турли хил иғволар билан шуғулланар, ҳамма нарсани бузиб кўрсатишға уринардилар. Улар билан бирга бўлиш, суҳбатлашиш Горькийнинг руҳига ёмон таъсир қилган эди. Шунда Ленин: «Сиз

жойингизни алмаштиришингиз керак», деган масла-хатни берди.

1919 йил 31 июлда адибга йўллаган машҳур мак-тубида, жумладап, қуйидагиларни ўқиймиз: «Питернинг аҳолиси ҳаммадан кўп машаққат чекди, ишчилари ўзларининг энг яхши кучларини ҳаммадан кўра ортиқ-роқ берди, огир очарчилик ҳукм суряпти, ҳарбий хавф ҳам катта. Сизнинг асабларингиз очиқдан-очиқ бардош бера олмаяпти...

...Сиз «Жуда ҳам хилма-хил табақалардаги киши-ларни кўряпман»— деб ёзибсиз. Кўриш бошқа-ю, бу-тун ҳаётда улар билан яқин бўлиш бошқа... Сизнинг касбингиз ўнлаб газабланган буржуа интеллигентла-рини «қабул қилишга» мажбур этипти...

... Совет республикасидан нолиётган ва қутуриб, оғиз кўпиртираётган буржуа интеллигентларининг про-центигина эмас, балки, ишчи ва деҳқонларга самимий ёрдам бераётган буржуа интеллигентларининг процен-ти ой сайин ўсмоқда. Питерда буни «кўриш» мумкин эмас... Агар кузатиладиган бўлса, пастдан кузатиш ке-рак, пастдан янги ҳаёт қуриш ишини кўриш мумкин, провинциядаги ишчилар посёлкасида ёки қишлоқда кузатиш керак».

Владимир Ильич Горькийни диққинафас Питердан чиқиб кетиб, жойини ўзгартишга, кўнглини ёзишга, ҳа-ётга яқинлашишга чақиради. Уни руҳан бардам, ис-тиқболга комил ишонч билан бораётганлар орасига олиб киришга интилади. Саёҳатга чиқишга ундайди.

Н. К. Крупская «Красная Звезда» номли ташвиқот парохотида юриб, олган ғоят кўнглили таассуротлари-ни Ильичга ёзиб юборганида, бундан руҳланган Ильич шундай жавоб қайтарди: «Мен «Красная Звезда»дан Горькийга ҳам каюта бериш мумкин бўлмасмикан, деб телеграф орқали сўрадим. У эртага бу ерга келади, мен уни Питердан олиб чиқишни жуда ҳам истар эдим, Питерда у жуда ҳам диққат бўлиб кетди. Сен ва бош-

қа ўртоқлар Горький билан юришга жону дилларингиз билан тайёрсиз, деб ўйлайман. У жуда ҳам мулойим йигит»¹.

Ленин бу билан қаноатланмайди. 1919 йили 8 июлда Нижний Новгород пароходчилигига телеграмма юбориб, «Красная Звезда» Қозонда Горькийни кутиб тура олиш-олмаслигини сўрайди. Афсуски, 10 июль кунин Горький билан учрашганда, адиб саёҳатга боролмаслигини қатъий айтади.

Горькийга бўлган муҳаббатни Ленин сўнгги нафасигача қалбида сақлади. Ҳаётдан сапоқли дақиқалар қолганда ҳам Горькийни тилдан қўймаганини, «Менинг университетларим» ни энг охириги марта ўқитиб эшитганини хотирлаган ҳар бир совет гражданининг кўнгли жунбушга келмаслиги мумкин эмас.

Лениндан жудо бўлиш Горький вужудини чидаб бўлмас алам билан ларзага келтирган мусибат бўлди. У оҳ уриб: «Қандай ақл машъали сўнди-я, қандай юрак уришдан тўхтади-я!»— деб нидо қилди...

Машҳур совет шоири Демьян Бедний масаллари, революцион пафос билан сугорилган жанговар шеърлари Ильичга ёқарди. Унинг социалистик тузум душманларини шафқатсиз фош қилувчи асарларини ҳузур қилиб ўқиган вақтлари кўп бўлган. Ленин маданият, матбуот соҳасида ишлаётган ўртоқларга шоирни «Известия», «Правда» атрофига жалб қилиш лозимлигини айтар, агар бирор идорада ишлашни истамаса, уни бетинч қилманг, у ўз қалами билан Совет ҳокимиятига, партияга улкан хизмат қилади, Демьян Бедний — ёзувчи, шоир, унинг ижодий камолотига ҳалақит бериш керак эмас, дер эди.

1913 йили май ойида «Правда» редакциясига ёзган хатида шоирнинг баъзи нуқсонлари атрофида бошланган гапларга чек қўйишни маслаҳат бериб: «Демьян

¹ «Ленин маданият ва санъат тўғрисида, 565—566-бетлар.

Беднийга келганда, мен ҳамон уни ёқлайман. Дўстлар, кишининг заиф томонларига осила берманг! Сийрак учрайдиган талант. Уни систематик равишда ва эҳтиёткорлик билан қўллаб-қувватлаш керак. Агар сиз талантли ходимни ўз томонингизга тортмасангиз, унга кўмаклашмасангиз, гуноҳ сизнинг устингизга тушади»¹,— деб ёзади.

Максим Горькийнинг хотирлашича, Ленин Демьян Бедний асарларининг агитация иши учун аҳамиятли эканини алоҳида таъкидлаб кўрсатар эди. Шу билан бирга шоирнинг айрим ҳолларда рўй бераётган воқеаларга нисбатан кечикиб майдонга чиқишини, китобхоналар кетидан юришини айтиб, «Ваҳоланки, олдинда юриши керак»,— деб уқтирарди.

Владимир Ильич Демьян Бедний билан яқиндан таниш ва дўстона муносабатда эди. Улар учрашиб туришар, ораларида адабий мавзуларда фикр олишувлар бўлиб турарди. Владимир Бонч-Бруевичнинг гувоҳлик беришига кўра, доҳий кунлардан бир куни Демьян Бедний қўлида сақланаётган (йигитларнинг умрини хазон қиладиган) солдатликка олинмиш муносабати билан тўқилган қўшиқлар тўпламини ўқиб чиқади. Тўпلامдан олган таассуротларини шундай баён қилади:

— Мен уни диққат билан ўқиб чиқдим. Аракчеев — Николай замонини, одамни ҳалокатга олиб борувчи лаънати эски ҳарбийчиликни, офир интизомни, аъло даражада характерловчи гоят бой материал, Лев Толстойнинг «Николай Палкин» асари, Некрасовнинг «Солдат онаси Орина» шеъри беихтиёр ёдга тушади. Бизнинг классикларимиз, шубҳасиз бу манбадан, халқ ижодидан илҳомланиб келганлар... Яшириниб ётган номаълум қўшиқлар, йиғи маросимлари, эртақлар, сатираларни қидириб топиш керак, улар бордир. Улардан

¹ «Ленин маданият ва санъат тўғрисида», 464-бет.

биз кўп янги, эҳтимол жуда қимматли, нарсалар топармиз.

Владимир Ильич қайтариб берган тўплампи Демьян Бедний билан бирга варақлаб, қатор бетларда доҳий қўйган белгиларни кўрадилар. У жойларда деҳқонларнинг ички кечинмалари, қайғу-ҳасратлари, кўз ёши аралаш баён қилинган фикрлар акс этган бўлиб, мисралар орасида зулмга қарши ғазаб оҳанглари подшоҳлик-помешчиклик юкини ўз елкасидан нргитиб ташлаш иштиёқи равшан сезилиб турарди. Уларни кузатиб чиққан Демьян Бедний ҳаяжонини яширолмай:

— Мана, фольклорни қандай ўрганиш керак! Фольклор асарларидаги вариантларнинг турли-туманлиги, такрор, ургу каби моҳияти бир хил бўлмаган масалалар орасида ивирсиб юрмасдан сиёсий-ижтимоий нуқтаи назар билан қараб, халқнинг золимларга, эзувчиларга қарши олиб борган ички — маънавий курашини очиб бериш лозим,— дейди. Тўпламдаги «ҳар бир солдатликка жўнатилш вақтида йиғи овози бутун Русь тупроғини қоплаб кетарди» сингари жумлалар Ленини жуда тўлқинлантириб юборгани учун тагига чизиб қўйган эди. Бу ҳам шоир учун бир мактаб вазифасини бажаради, ўйлашга ундайди.

Зотан Ленин, ёзиб олинган жуда кўп материаллар орасидан энг муҳимларини, ижтимоий қиммати зўрларини моҳирлик билан ажратиб кўрсатган эди. Халқ оғзаки ижодини ўрганишнинг ленинча усули чуқур ижтимоий-сиёсий анализ, демократик, социалистик оҳангларни очиб бериш, синфий зиддиятларнинг ғоявий-сиёсий асосларини текшириш, халқда мавжуд бадий маҳорат кучини кўрсатиб бера олишдан иборат эди. Бу усул совет фольклористикасининг ягона методологияси бўлиб қолди.

Владимир Ильич шундай ўткир ва нозик адабий дидга эга эдики, қайси бир ёзувчи асарини ўқимасин, унинг кучли ва заиф томонларини тезда пайқаб олар

ва бир адабиёт назариётчиси, бир нафосат қадрловчиси сифатида жуда моҳирона баҳо берарди. Лекин у ҳеч қачон ўзини адабиётни яхши биладиган киши, деб ҳисоблаган эмас. Маълумки, Маяковскийнинг 1922 йил март ойида «Известия» газетасида босилган «Мажлис-бозлар» шеъри Ленинга ёқиб қолади. Сиёсий ва маъмурий нуқтаи назардан кўпдан бери бундай ҳузур қилмаганини айтгач, бадиий жиҳатдан қараганда «бу соҳадан беҳабар эканлигимни батамом эътироф этаман»,— деб ёзади.

1918 йили пролеткультчилар адабий меросга, театрларга ҳужум қилаётганларида А. В. Луначарский Ленин билан маслаҳатлашиб, бу тўғрида партиянинг тўғри йўлини ишлаб чиқади, ўзининг асосий тезисларини Ленинга гапириб бериб, маъқуллаштириб олгач, «шу гапларни Сизнинг номингиздан айтсам майлими» деганда, Владимир Ильич:

— Нега ахир? Мен ўзимни санъат соҳасида мутахассис, деб ҳисобламайман. Сиз Халқ Комиссари бўлганингиз учун ўзингизда етарли обрў бўлиши керак,— дейди.

Владимир Ильич ўзининг дастлабки йирик асарлариданоқ адабий меросни эҳтиёт қилиб авлоддан-авлодга етказиш, уни доимо ўрганиш, ундан ибрат олиш тўғрисида сўзлаб келди. Адабий ва маданий меросга муносабат масаласи Совет ҳокимиятининг биринчи кунларидан бошлаб ғоят актуал бўлиб қолди. Пролеткульт типидagi турли хил ташкилотлар адабий меросни ҳаддан ташқари қоралаб, «соф» пролетар маданияти яратмоқчи бўлиб юрган бир вақтда доҳий қатъият билан: «... Капитализм фақат озчилик учун маданият беради. Биз эса социализмни ана шу маданият асосида қуришимиз керак. Бизда бошқа материал йўқ. Биз бўлмағур гаплар билан машғул бўлиб, парникларда етиштириладиган одамлардан эмас, балки капитализм кечаги кундан бугунга мерос қилиб қолдирган материалдан

дарҳол, шу онда социализм қурмоқни истаймиз... галаба — тўла ва қатъий галаба бўлиши учун яна капитализмда нимаики қимматли нарса бўлса, шунинг ҳаммасини, бутун илм ва маданиятни ўз қўлимизга олишимиз керак»¹, — деб ёзди.

«Ёшлар союзининг вазифалари» тўғрисида қилган докладида юқоридаги фикрни яна ривожлантириб, пролетар маданияти қандай яратилажагини тушунтириб берди: «Пролетариат маданияти аллақандай номаълум жойдан келиб чиққан нарса эмас, пролетар маданияти бобида ўзларини мутахассис деб атовчи кишилар ўйлаб чиқарган нарса эмас. Бундай деб ўйлаш бутунлай беҳуда. Пролетар маданияти инсониятнинг капиталистик жамият, помешчиклар жамияти, чиновниклар жамияти зулми остида яратган билим запасларини қонуний равишда тараққий эттиришдан иборат бўлмоғи лозим...»²

Ёш Совет ҳокимияти ўзининг дастлабки кунларидан бошлаб маданият соҳасида ленинча сиёсатга амал қилди. 1919 йил 30 июлда Халқ Комиссарлар Совети социализмнинг улуғ арбоблари, машҳур революционерлар, атоқли олимлар, санъат ва адабиётнинг энг йирик намояндаларига ҳайкал қўйиш ҳақида қарор қабул қилади. Ёзувчилар рўйхатида биз Лев Толстой, Достоевский, Лермонтов, Пушкин, Гоголь, Радищев, Белинский, Огарев, Чернышевский, Михайловский, Добролюбов, Писарев, Глеб Успенский, Салтиков-Шчедрин, Некрасов, Шевченко, Тютчев, Никитин, Новиков, Кольцев номларини учратамиз. Шу қарорда махсус модда билан рўйхатга буюк чет эл ёзувчиларидан ҳам, жумладан, Гейне киритилиши лозим, — деб кўрсатилган.

Халқ Комиссарлар Советининг 1920 йил 6 апрелдаги декрети билан Москвадаги «Лев Толстой уйи» давлат мулки деб эълон қилинади ва уни тасарруф қилиш Халқ

¹ «Ленин маданият ва санъат тўғрисида», 270 ва 274-бетлар.

² Ўша асар, 315-бет.

Маориф Комиссарлигига топширилади. Ҷша йили 17 сентябрда эса Саратовдаги Чернишевский музейи давлат ихтиёрига олиниб, уни яхши сақлаш, жиҳозлаш учун бир миллион сўм ажратилади. Қабул қилинган қарорлар қандай бажарилаётганини Лениннинг ўзи назорат қилиб боради.

Марҳум ёзувчилар хотирасини ҳайкаллар қўйиш, асарларини нашр этиш, уларга музейлар очиш йўли билан абадийлаштириш қаторида ҳаёт ёзувчиларга ўта меҳрибонлик Владимир Ильичнинг ажойиб фазилати эди. Биз мақоламизнинг бундан аввалги саҳифаларида Горькийга, Демьян Беднийга, Серафимовичга ва бошқа ёзувчиларга кўрсатилган гамхўрликлар тўғрисида гапирган эдик.

Яна шу нарса таҳсинга сазоворки, Ильич энг мушкул ташқи ва ички шароитда ёш Совет давлатини бошқаришдек мураккаб ишлар билан банд бўлишга қарамай, соғлиқни сақлаш Халқ Комиссари Семашкога хат ёзиб, Горький ва Короленкони чет элга даволанишга юбориш кераклигини айтишга вақт топади. Демьян Бедний ва унинг рафиқаси бетоб бўлиб қолишганда яна Ленин ўз секретарига шоирнинг уйига доктор юбориб, вазифа бажарилгач, телефонда айтиб қўйишни таъкидлашга вақт топади.

Серафимовичнинг ўғли 1920 йили граждaнлар уруши фронтида ҳалок бўлганда ёзувчига махсус хат ёзиб, кўнглини сўрашга, шунингдек «... Сизнинг асарларингиз ва синглим айтган гаплар менда Сизга нисбатан зўр муҳаббат тугдирди ва мен Сизга, Сизнинг ишингиз ишчиларга ва бизнинг ҳаммамизга қайси даражада кераклигини ва огир кайфиятни енгиш ҳамда ўзингизни қайтадан ишга киришишга мажбур қилишингиз учун ҳозирги вақтда Сизга бирдамлик зарурлигини айтгим келади»,— дейишга вақт топади.

Башарият яратган даҳоларнинг энг буюги, энг доноси Лениннинг инсонпарварлиги, муруввати қуёш бўлиб

барча дўстлари, сафдошлари ва ҳамма заҳматкашлар кўнглини ёритиб турарди. У халқни, маданият ва адабиёт аҳллариини қанчалик ҳурмат қилиб, ардоқлаган бўлса, улар ҳам Ильичга нисбатан самимий эҳтиром билан қарадилар. М. Горький доҳийнинг хотирасини абадийлаштиришга бағишланган «В. И. Ленин» номли очеркида уни ўзининг «талабчан» устози, меҳрибон «дўсти» сифатида таърифлади. Маяковский ижодининг гултожи бўлган «Владимир Ильич Ленин» поэмасида ер юзидаги ҳамма инсонларнинг энг инсонийси бўлган улўфзотни «ҳамма тириклардан тирик ҳар қачон» деб ҳайқирди.

Санъат ва адабиётга ленинча муносабат, Ленин аъёналарининг давоми КПСС Марказий Комитетининг совет ёзувчиларига, кўп миллатли совет адабиётига кўрсатиб келаётган доимий ғамхўрлигида ўз ифодасини топишмоқда. Халқ орасидан етишиб чиқаётган истеъдодларни меҳр билан парвариш қилиш, уларнинг бадий маҳоратни эгаллашларига ёрдам бериш, қаҳрамонона ишлари билан коммунизмнинг муҳташам биносини қураётган ажойиб замондошларимизни куйлашга руҳлантириш — Ленин аъёналарини давом эттириш демакдир. Катта ва кичик авлодга мансуб ёзувчилар ижодига партия, Ватан ва халқ манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашиб, ғоявий-бадий жиҳатдан талабга жавоб беролмайдиган асарларни юз-хотирсиз, дўстона танқид қилиш, адабиётнинг савиясини тобора кўтариш устида ўйлаш Ленин аъёналарини давом эттириш демакдир. Қитобхонларни маънавий-руҳий юксакликка кўтарадиган, кишилар қалбига бир умрлик куч-ғайрат солиб, қандай яшаш кераклиги ҳақида сабоқ берадиган, олға бошлайдиган ижобий қаҳрамонлар яратиш, шеърятда гражданлик оҳанглариини кучайтириш Ленин орзуларининг рўёбга чиқиши демакдир.

1970—1972 йиллар

Доно танқидчи, ғамхўр мураббий

(«Мажолисун-нафоис» ни қайта варақлаганда)

Алишер Навоийнинг муборақ номини тилга олиш биланоқ кўз ўнгимизда унинг ажиб бир назокат билан асога суяниб турган, фазл ва камол тўла қомати пайдо бўлади. Кўринишда ихчамгина бу қомат ўрта асрдаги ўзоқ ва Яқин Шарқнинг ҳамма дабдабали подшоҳлари, амирлари, сайидларндан бир неча бор юқори кўтарилиб, «қуёш жуссаси билан оламини ёпти». Унда инсон ақлини ҳайратда қолдирадиган кўп қиррали ўткир қобилият, ориқ даражада ўзини кўрсатган зеҳний қувват, мўъжизакор шеърӣ таъб, битмас-туганмас ғайрат, барча ғамгин кишилар дардини юмшатиш учун тепиб турган улкан қалб мужассам эди.

Шоирнинг азиз боши не-не хаёллар, не-не орзулар билан банд бўлмади! Аммо шуниси таҳсинга сазоворки, у фақат эзгулик ҳақида ўйлади ва эзгулик яратишдан чарчамади. Ҳар ншга моҳир бу атоқли зотнинг сифатларини узоқ таърифлаш мумкин. Лекин у ҳаммадан аввал бадий ва илмӣ ижод билан банд бўлди.

Навоийнинг эпик шоир сифатида «Ҳамса»ни, лирик шоир сифатида теран фикр ҳамда юксак санъат жавоҳирларига тўла бўлган «Ҳазойинул-маоний» ва «Девони Фоний»ни, адабиёт назариячиси ўлароқ «Мезонул-авзон»ни, тилшунос ўлароқ «Муҳокаматул-луғатийн»ни, тарихчи бўлиб эса «Тарихи мулуки Ажам»ни, шулар сингари яна хилма-хил шеърӣ ёки насрий дурдоналарни

«заррабин ақлларга нақдина» (Хондамир) деб туҳфа қилди.

Номлари санаб ўтилган ва ҳали санаб етилмаган асарларда муаллиф: муҳаббат ва нафрат, садоқат ва беқарорлик, мардлик ва хиёнат, меҳрибонлик ва шафқатсизлик, тўғрилиқ ва эгрилик, адолат ва зулм ҳақида баҳс очади. Деярли ҳамма асарларида (уларнинг ҳамми жанридан қатъи назар) снтакорни адолатга, фосиқни ҳаёга, жоҳилни нлмга, ёлғончини ҳақгўйликка, танбални меҳнатга ундайди. У нима тўғрида гапирмасин, дунёдаги ҳамма мавжудотларнинг энг шарафлиси, энг мўътабари — инсонни улуглайди. Инсоннинг ақл-идроки, ташаббускорлиги, қийинчиликлар олдидаги қатъияти, ҳаётга бўлган ишончи ва иродасини мадҳ этади. Инсоннинг ибрат бўларли фаоллиги, ижодкорлиги, ҳаёл уфқининг бепоёнлиги, жўш урган ғайрати тимсолида дунёнинг ёшлигини куйлайди.

Навий фавқулодда доно шоир эди. Ўзидан аввалги ва ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни жуда яхши билар, ватандошлари тўғрисида, турли ижтимоий табақаларнинг турмуши хусусида ўз мустақил фикри, муайян қарашларига эга бўлиб, ҳаммасини назарий асослай оларди. Ҳамасраларига ва кейинги наслларга жуда кўп нарсаларни айтиш қудратига эга бўлганлигидан уларни гоҳ шеърини, гоҳ насрий тил билан айтди. Нимаики айтган бўлса, эл жон қулоғи билан тинглади; ақли билан қабул қилиб, қалби билан ҳис этди.

Замондошларигагина эмас, кўпроқ келажак авлодларга етказилиши кўзда тутилган қимматли гаплар шоирнинг яна бир ажойиб китоби — «Мажолисун-нафос» да айтилган. Ғиёсиддин Ҳумомиддин ўғли — Хондамирнинг фасиҳ тили билан айтганда: «Олий ҳазрат (Навий — М. Ю.) наср фанини ўзлаштиришда тараққийнинг энг юқори поғонасига ва авжнинг энг юксак даражасига кўтарилган эди... Олий ҳазратнинг насрий асарларидан бири — туркий тилда ёзилган «Мажолисун-нафос»дир.

Бу азиз китоб ҳазрати хоқон Шухрух Мирзо подшоҳлиги давридан бошлаб, шу замонга қадар ер юзини равшан вужудлари билан беазаган ва беабаб турган олим ва шоирлардан кўпларининг баъзи сифатларидан ва аҳволларидан баён қилади»¹.

«Мажолисун-нафоис» эътибор билан варақлаб чиқилар экан, ундаги саккиз бадний мажлисининг ҳар бирида ўқувчи кўз ўнгига турли-туман қисматлар, хилма-хил характерлар ва чегараланмаган имкониятга эга бўлган истеъдодлар олами пайдо бўлади. Даврнинг фазлу ҳунар эгаларига бемурувватлиги, «доим афсунсозу ғаддор» экани жуда кўп мисоллар билан исботланади. Гарчи асарда шоирлар, шеър ҳаваскорлари ва илм-фан намояндаларидан 459 кишининг ижоди ҳақида мулоҳаза юритилса-да, ундаги бош қаҳрамон — муаллифнинг ўзи ва бош масала — шеър ушунининг тақдиридир.

Навоий шеър ва шоирнинг жамиятда, ҳаётда тутган ўрни масаласига кўп аҳамият беради. «Хамса»га кирган дostonларнинг деярли ҳаммасида бадний сўзнинг таъсирчанликда бебаҳо мўъжиза ўлароқ одамларни ҳаяжонга солиши, гўзаллик ҳиссини тарбиялашдаги таърифдан ташқари хизматлари ва насрда ҳам, назмда ҳам мазмун асосий вазифани ўташи такрор-такрор уқтирилади. «Маҳбубул-қулуб»нинг «Назм гулистонининг хуш нағма қушлари зикрида» номли бобида яна шоир ва шеър хусусида баҳс очилиб, ҳар жиҳатдан етилган шоирларнинг сўзи шарафли ҳамда услуби гўзал бўлгани туфайли «оламда завқу ҳол (тасаввур) аҳли булар латоифи била масрурдурлар ва булар маорифи била ҳузур қилурлар», — дейилади. Бундан ташқари муаллифнинг «Муҳокаматул-луғатайн», «Насойимул-муҳаббат», «Хамсатул-мутаҳаййирин» каби мумтоз асарларида ҳам шеърнинг зикри салмоқли ўрин эгаллайди. Шунга қарамай,

¹ Хондамир. «Макоримул-ахлоқ», Т., 1967 йил, 57—58-бетлар.

«Назм илмининг комиллари» тўғрисида Навоий айтишни истаган фикрлар ҳали баён қилиб улгурилмаган эди. Бинобарин Муҳаммад Авфийнинг «Лубобул-албоб»и, Давлатшоҳнинг «Тазкиратуш-шуаро»си қабилидаги тазкира яратиш зарур бўлиб қолди ва «Мажолисун-нафоис» тасниф этилди.

«Мажолисун-нафоис» кўп жиҳатдан тазкиранависликда янги ҳодиса эди. Муаллиф унинг кириш қисмида олдиға қўйган мақсади ҳамда вазифаларини шундай изоҳлайди: «... Бу хўжаста замон ва фархунда даврон шуаро ва хуштаъблариким... шеърнинг кўпроқ услубида, батахсис ғазал таврида барчадан дилосороқ ва нишот афзороқдур, таркиби салосат ва латофатни бурунғиларға еткурадулар ва маъни назокат ва ғаробатни улча шарти бор, бажо келтурадурлар, отлари ул жамоа зумрасида бўлмоқдин маҳрум (салафлар тазкирасида тилға олинмаган — М.Ю.) ва сўзлари ул тартиб ва қоидада номаълум учун шикаста хотирға ва синуқ кўнгулға андоқ келдиким, бир неча варақ битилгай ва бу аср шуароси била бу давр зурафоси отин анда сабт этилгай, то бу ниёзмандлар ҳам бурунги шуаро ақобири зайлида мазкур бўлғайлар фақир эшптибман, аммо хизматларига етмайман ва унча хизматларига етибман, аммо ҳоло бу фано дорул ғуруридн бақо доруссуруриға интиқол қилибдурлар ва улча ҳоло бу фаррух замонда намояндадурлар, жамъ қилилғай ва ҳар қайсисининг натойнжи таъбидин бирор нима нишона йўсуллуқ ёзилғай»¹.

Навоий кўпчилик асарларида қиссахон, ҳикоячи сифатида майдонга чиқади. Агар биз муаллифнинг «Хазойинул-маоний»га ёзган дебочаларидаги, дostonларидаги табаррук маслакдошларига бағишланган рисолаларидаги таржиман ҳолиға доир айрим маълумотларни ҳисобга олмасак, унинг кўп қиррали шахсияти, энг ях-

¹ Алишер Навоий. Асарлар, ўн беш томлик. Ўн иккинчи том, «Мажолисун-нафоис», 1966 йил, 6-бет. («Мажолисун-нафоис»дан келтириладиган парчалар шу нашрдан олинди.)

ши хислатларга бой маънавий қиёфаси ҳеч қерда «Мажолисун-нафоис»даги сингари ҳар томонлама мукамал гавдаланмайди, деса хато бўлмайди. Бу ерда шоир ўзини кўрсатиш билан шугулланмайди. Салафлари, кекса замондошлари, тенгдошлари ва «яхши табълик йигитлар» ижодини баҳолаш жараёнида адабиётшунос, танқидчи, маслаҳатгўй, меҳрибон устоз, шоирларга моддий ва маънавий ҳимоячи, нозик дидли санъаткор, адабиёт майдонининг покизалиги йўлида жонбозлик кўрсатган назм аҳлининг етакчиси, чароғбони сифатида бутун салобати ила кўринади. Шу қадар катта ташкилий ижодий ишларни олиб борадики, адабий ҳаётни уюштиришдаги ҳозирги тушунчага қиёсан айтганда унинг якка ўзи бутун бир ёзувчилар союзининг, бутун бир илмий-тадқиқот институтининг вазифасини адо этади.

Навоий даҳосининг жозиба кучи юзлаб шоирлар, олимларни Ҳиротга тортади. Табризлик мавлоно Зиё, ширвонлик мавлоно Масъуд, бухоролик мавлоно Қавсарий, нишопурлик Мир Абдуллоҳ, ироқлик Хўжа Масъуд Қумий, машҳадлик Мир Ҳусайн, таршизлик мавлоно Тўтний, сабзаворлик Дарвеш Мансур, соғарлик мавлоно Соғарий, бадахшонлик мавлоно Абу Тоҳир, ҳисорлик мавлоно Биҳиштий ва бошқа неча ўнлаб шеърият аҳллари Навоийни деб Ҳиротга келадилар, Навоий суҳбати-га мушарраф бўладилар. Давлатшоҳ Самарқандий таъбири билан айтганда, Ҳирот Навоий туфайли фазилатлар ва фозиллар маконига айланди. Хондамирнинг тасдиқлашига кўра, мақтовли Ҳирот шаҳри Навоийнинг муборак қадами қўйилгандан (1469 йилдан) кейин «атоқли олимларнинг йиғилган жойи ва ҳурматли фозилларнинг маркази» бўлиб қолди. Шоирлар ва олимлар ҳар вақт Навоийнинг олий мажлисидан жой топар, «соф табиатининг яширин саҳифаларидан кўп фойдаланишарди... унинг муборак ва файзли палосида ўтириб, жавоҳир сўзларини тинглардилар, манфаатланардилар».

Бирор сабаб билан Навоий ҳузурига келолмаган қалам соҳиблари, хат воситаси билан бўлса-да, алоқа қилиб, фикрлашиб турганлар. Шундайлардан бири XIV асрнинг тараққийпарвар халқ ҳаракати иштирокчилари — сарбадорлардан бўлган шоир Мир Шохийдир. Навоий унинг шеърлари ва ғазалларини мақтагандан кейин хабар беради: «фақир агарчи ани кўрмади, аммо анинг била фақирни(нг) орасида эълон ва ирсол воқеъ бўлди...» («Мажолис», 27-бет).

Навоийнинг шеър ва шоир хусусидаги фикрлари фақат истеъдод эгаларининг ижодини ғоявий-бадий жиҳатдан характерлаш билан чегараланмайди, ани замонда уларнинг маншӣ ҳаёти, психологияси, ҳулқ-атворига оид муҳим масалаларни ҳам ўз ичига олади. Навоий гўё шоирга қарата: шундай яшашнинг керакки, ҳаётнинг шеърингдек юксак ҳиссий-маънавий оламга лойиқ бўлсин: шундай ёзиниғ керакки, асарнинг ҳамма мавжудотларнинг беэвази — инсон шарафига лойиқ бўлсин, акс ҳолда сен чертган сознинг садолари гализ эшитилмас, — дейди. Ҳар бир санъаткор тўғрисида сўзлаганда шу фикрга амал қилмас ва уларнинг қиёфасини шунга қараб баҳолайди. Билимдон, зеҳни ўткир, ҳуш ахлоқ, камтар кишиларни алоҳида самимият билан таърифлайди.

Шоирлик исми инсонлик жисмига ярашадиганлар жумласидан бир нечасига Навоий кўзи билан қарайлик. Мана, «Мавлоно Бадахший — фозил киши эрмиш, Улуғбек Мирзо замонида Самарқандда шуаро ани ҳушгўйлиқга мусаллам тутубдурлар ва Мирзонинг дағи кўп илтифоти бор эрмиш». Ёки: «Мавлоно Абдулзаҳҳоб — донишманд ва зуфунун¹ киши эрди... Иншо фанида² беназир эрди. Машҳаднинг шуаро ва зурафоси³ шогирд

¹ *Зуфунун* — кўп илмларни, ҳунарларни эгаллаган.

² *Иншо фани* — насрий асар.

³ *Зурафо* — нозик фаҳмилар.

ердилар. Ул зурафодин бири «мақбули муставий»¹ санъатида «мулоде дорам»² алфозин топиб қозиға арз қилибдур. Ул оз тааммул³ била «барояд ёраб»⁴ алфози била жавоб берибдурким, бу иши таърифдан ташқаридур». Навоий Абдулваҳҳобни унинг билимдонлиги, ҳунармандлиги ва замондошлари орасидаги шуҳрати учун ҳурмат қилса, ҳайрон қолдирадиган ўткир зеҳни, ҳозир-жавоблигидан ниҳоятда завқланади.

Ўз даврининг соҳиб камол фарзандларидан яна бири Мир Имод Машҳадийдир. «Донишманд ва хуш муҳовара»⁵ ва хушхулқ ва хуштабъ киши эди. Машҳад шуаросининг хизматиға йиғилур эрдилар. Ва ҳар не деса, итоат қилур эрдилар». Ҳофиз Ёрий — «хушсуҳбат ва ширин калом», Кавсарий — «Қабулнотлик, хушсуҳбат, ширингўй ва фасиҳ забон ва донишманд», Мирзобек — «инсоният ва хуш ахлоқликда Хуросон ва Самарқанд мулкида ягона», Ҳофиз Шарбагий — «одамиваш, мутавозеъ ва муаддаб кишидур ва хушхонликда фариди замондур, Мавлоно Ҳожи Муҳаммад — «ахлоқда малакийдур, башар суврати била келган ва атворда фариштадур, инсон ҳайъагида»⁶ зуҳур қилгон⁷. Табъ софи ва тафаккури барча диққатларға вофий»⁸. Қисқаси, Навоий бу тоифа шоирларға, яъни соғлом қалбли, пок зеҳнли, шахсий ҳаётини ва ижоди намуна қилиб кўрсатишға арзийдиган кишиларға зўр эътиқод, чуқур самимият билан ёндашади. Улардан нақл қилганда гўё ўзи руҳан яйраб кетгандек бўлади. Ақл ва заковат дунёси ана шундай покиза одамларға эга бўлганидан фохрланади.

¹ *Мақбули муставий* — араб графикасида чапдан ўнгга, ўнгдан чапга бир хилда ўқиладиган сўзларни ёзиш санъати.

² *Мулоде дорам* — тилагим бор.

³ *Тааммул* — ўйлаш, фикрлаш.

⁴ *Барояд ёраб* — худо хоҳласа, эришасиз.

⁵ *Хуш муҳовара* — яхши суҳбатдош.

⁶ *Ҳайъат* — шакл, сурат.

⁷ *Зуҳур қилмоқ* — кўринмоқ, пайдо бўлмоқ.

⁸ *Вофий* — тўлиқ, тугал.

Ахир одам боласи нақадар қобил! Унинг истеъдод уфқи нақадар кенг! Навоий санаб ўтган шоирларнинг деярли ҳар бири ғазалгўйлик, қасидагўйлик ва маснавий нависликдан ташқари яна аллақанча ҳунарларни, касбларни биладилар. Соҳиб Балхий ва Хожа Юсуф Бурҳон — бастакор; Фазлий ва Шарбатий — наққош; Султон Али, Шайхзода пурий ва Шер Али — машҳур хаттотлар; Устод Қулмуҳаммад — ажойиб созанда; «Ўд, ғижжак ва қўбузни асрида онча киши чола олмас»; Хожа Абдуллоҳ Садр — тарихчи; Кавкабий — мунажжим; Абдуқаҳҳор — кимёгар; Қадимий — иёгорачи; Саид Али Ҳошимий — синоҳий ва бошқалар Навоийнинг таҳсини офаринига сазовор бўладилар.

Афсуски, феодал истибдоди ва ўзбошимча ҳокимларнинг қонун билан чекламаган инжиқликлари, дин пешволарининг бемаъни хатти-ҳаракатлари кўплаб истеъдодлар бошига офат келтирар: жафокор замон уларнинг бошини силамасди. Жамият «Покиза рўзгор» кишиларнинг камолига эмас, заволига сабаб бўларди. Агар шундай бўлмаса машҳур шоир, бир қанча муҳим асарлар муаллифи Ҳусайн Хоразмий «Шоҳрух Мирзо замонида бир ғазал учун такфир¹ қилиниб Хоразмдан Хирийга» келтирилармиди? Яхши ҳамки, у ўзининг донишманд ва истилоҳ биладиган киши бўлгани туфайли гуноҳсиз эканини исбот қилади ва зулмдан қутулиб, яна юртига жўнайди. Лекин Шоҳ Бадахшон, Мир Саид, Мир Ҳусайн, Али Жалойир каби шеърят намояндаларининг тақдири ғоят ачинарли, фожиали бўлди. Ўткир қобилият эгаси, туркий тилда туюқлар ёзган Мир Саид Қобулӣ (Навоийнинг тоғаси) Абу Саид Мирзо қўлида ҳалок бўлган бўлса, Шоҳ Бадахшон барча бадахшонликлар қаторида авлодлари билан бирга ҳамма мавқеидан, мол-мулкдан жудо қилиниб, Абу Саид томонидан ўлдирилади.

¹ Такфир — кофир деб ҳукм қилиш.

«Фақир шева, фонийваш¹ ва бетакаллуф ва хуштабъ йингит» Мир Ҳусайн Али Жалойир эса ўз фазилатлари орқасида элга танилиб, давлат маҳкамасида муҳр босувчи ва парвоначи сифатида ишлайди. Бироқ, унинг ҳам бехатар иш фаолияти узоққа чўзилмайди. Навоий тили билан айтганда «Фалакнинг, андинким фазл ахлиға ҳасадн бор, бир тақсир² била они даргоҳи фалак иштибоҳидин³ йироқ солибдур, анинг худ бу қайғудин кундуз қарори ва кеча уйқуси йўқтур» («Мажолис», 148-бет).

Замонасининг ҳар жиҳатдан етук, руҳий дунёси бой шоирларидан бири Мирзабекнинг қуйидаги бир ғазалининг матлаи Навоийга ёқади:

Кўзунг, не бало, қаро бўлубтур-
Ким, жонга қаро бало бўлубтур.

Навоий Мирзабекни ҳақиқий маънодаги санъаткор сифатида мақтайди. Унинг шеърлари одатда зулқофиятайн (жуфт қофияли) ва тарди акс (биринчи мисрадаги иккинчи сўз иккинчи мисрада тескари ҳолатда) бўлиб келажигини, тили ниҳоятда ёқимли эканини сўзлаб, Мирзабекнинг шахсий турмуши оғир бўлиб, машаққат билан ўтгани учун ҳеч фароғат кўрмай вафот қилганига ич-ичидан ачиниб: «хайф ва юз хайф ва дариг ва юз минг даригким, ҳаёт чашмасидин сероб бўлмади ва умри нахл⁴ мевасидан бар⁵ емади»,— дейди.

Алишер Навоий «аср шуароси била давр зурафоси» бошига келаетган кулфат ва машаққатларни енгиллатиш, шунингдек, улар зеҳнини янада раvon этиш ниятида ҳамма моддий ва маънавий имкониятларини ишга со-

¹ *Фонийваш* — ўзини паст, йўқ даражада тутувчи.

² *Тақсир* — нуқсон, камчилик.

³ *Даргоҳи фалак иштибоҳ* — фалакни шубҳага соладиган даргоҳ, сарой.

⁴ *Нахл* — дарахт, ниҳол.

⁵ *Бар* — мева.

либ, мураббийлик қилади. Катталарга донишманд маслаҳатчи, кичикларга устоз бўладн. XV асринг иккинчи ярмидаги Самарқанд ва Ҳирот адабий ҳаракатида иштирок этганлар орасида Навоий кўрсатган йўл-йўриқлардан баҳраманд бўлмаганлар жуда кам эканига шубҳа қилиш ўринсизга ўхшайди.

Шеърӣй мажлислардан бирида шоир Абдусамад Бадахший янги ёзган асарини ўқийди. Муаллиф йўл қўйган жузъий нуқсонни дарров пайқаган Навоий, кейинчалик ёзади: «Бир байтида тажнис¹ хаёл қилиб қофиясини ғалат қилиб эрди. Фақир ани воқиф² қилғач, филҳол мутанаббих³ бўлди ва изҳори миннатдорлиғ ҳам қилди ва бу иш анинг била фақир орасида ошноликқа сабаб бўлди». Ёки, нисбатан ёш шоир Юсуф Бадий билан қилган суҳбатлари ва берган маслаҳатларини олайлик. Юсуф ҳали маълум ижодий тажрибага эга бўлмагани туфайли бир оз хомроқ газаллар ҳам яратган. Навоий эса донмо унинг ижодини кузатиб бориб, ислоҳ қилиб, тузатиб турган. Юсуф ҳар кимга ҳам қулоқ сола бермаган, бинобарин Навоий: «Фақирдан ўзга киши анинг шеърида сўз айта олмас эрди»,— дейди. Мавлоно Замоний ҳам буюк мураббийга ихлосманд киши бўлиб, унинг маслаҳатига қулоқ солади. «Вафой» тахаллусли яшигина шоир ҳаёт бўла туриб, ўзига шу тахаллусни қўйиб юрганндан таажжубланган Навоий:— «Вафой» дейиш ўрнига, Баднуззамон хизматида бўлганинг учун «Замоний» тахаллусини олгин,— деганда бу маслаҳатни қабул қилади.

Жуда кўп шоирларни Навоий ўз маблағига қурдирган мадрасага жойлайди ва энг яқин кишилари сингари ҳамма вақт уларга меҳрибонлик қилади. Бир қанча номларни санаган чоқда «фақирнинг мадрасасида сабоқ ўқур эрди» каби қайдлар учраб туради. Мавлоно Шар-

¹ *Тажнис* — ҳамжинс, шаклдош.

² *Воқиф* — хабардор.

³ *Мутанаббих* — огоҳланган, хушёр қилинган.

батий, Мир Ҳайдар, Мир Иброҳим сингари шоирлар ҳақида сўзлаганда улар ўзига ғоят яқин бўлганларини, Навоий қўлида тарбия топганларини «яқин қариндошдан кўра фарзанд деса бўлгудай, «фақир ани (Мир Иброҳимни — М. Ю.) ўғулчадай асрабман» таъбирларини қўллайди.

Истеъдод эгаларига нисбатан қалби қарам ва саховат денгизи бўлган Навоий, Хожа Ҳасан Хизршоҳ Машҳадда ғариб ва хаста ҳолда ётганда гамхўрлик қилиб, унинг шифо топишига сабаб бўлади. Фақирлик билан кун кечирган, Навоий саховатидан четда қолмаган мавлоно Қабулий вафоти олидидан яқинларига васият қилиб, девонининг Алишерга топширилишини ва улуг зотнинг ўзи бош бўлиб дафн эттиришини истаяжагини айтади. Қабулийнинг илтимоси қандай бажарилганини Навоийнинг ўзидан эшитайлик: «Фақир анинг васиятин бажо келтуруб, тадфинидин¹ сўнгра девонини очтуқ. Эrsa бу мақтаъи² келдиким:

Агар қабули ту ёбам Қабулиям, вар на
Бар ҳар ду кавн чу ман ноқабул натвон ёфт».

(Агар сенга маъқул бўлсам Қабулийман, йўқ эса икки дунёда мендек номақбул топилмас — «Мажолис», 51—52-бетлар).

Бошқа бир замондоши — Муҳаммад Неъматободий билимдон шоирлар мажлисларида иштирок этиб юриб, оз фурсатда яхшигина назмгўй бўлиб етишади ва муаммо жанрида қобилият кўрсатади. Аммо бот қазо қилиб, ёзган асарларини тўплай олмайди. Уларни Навоий жам қилдиради. Мирзобекнинг эса, чала қолган ғазалларини тугатиб, «ани ёдгорлик девонида» битади ва ҳоказо.

¹ Тадфин — дафн қилиш, кўмиш.

² Мақтаъи — ғазалнинг сўнгги байти.

Навоийнинг шеъриятга кириб келаётган янги авлод хусусидаги фикрлари ҳам ҳамон ўз қимматини йўқотмаган, у бизга ибратлидир. Адабий ҳаракатнинг ёш талантилар ҳисобиغا ривожланиши устозни ниҳоятда қувонтиради. Шунинг учун ёш шоирлар тўғрисида мамнуният билан гапиради ва уларнинг камол топишига алоҳида эътибор беради. Хуштабъ йигитларнинг муваффақиятларида секинса, ҳафсаласизликларидан қайгуради. Саид Абдуллатиф «Ўн тўрт ё ўн беш ёшда бўлғай, муаммони андоқ, айтур ва очарки, маҳалли таажжубдур¹. Маълум эмаским, ул ёшда ҳаргиз бу фанда андоқ бор экан бўлғай²». Мавлоно Зорий «эмди пайдо бўлгон хуштабълардандур». Мавлоно Миракий «кичик ёшлик, хомтабъроқ йигитдур».

Навоий ғайрат қилиб ишлаётган, ўсаётган шоирларни турли усуллар билан руҳлантиради. Агар умидли ёшларга завоёл етса, юраги эзилиб афсусланади. Шоир Тўтий феъл-атвориға бағишланган қуйидаги сатрлар фикримизнинг далилидир:

«Яхши шакллик ва яхши хулқлик йигит эрди. Қасидада Котибийға татаббуъ қилур эрди. Ҳазаллари яхшидур. У йигитликда фавт бўлди. Улча қобилияти бор эрдиким, агар ҳаёт топса, хўб назмлар андин қолғай эрди...» («Мажолис», 37- бет.)

«Мажолисун-нафоис»нинг деярли ҳамма мажлисла-рида муаллифнинг диққат марказида турган масалалар-

¹ Маҳалли таажжубдур — ажабланиш, ҳайрон бўлиш ўринлидир.

² Маълумки, Алишер Навоийнинг ўзи муаммо санъатининг қоида-қонунларини яхши ишлаб берган моҳир устодлардан эди. Бу тўғрида Хондамир ёзади: «Олий табиатли Амир асарларидан бири «Рисолаи муфрадот»дирки, муаммо фани ҳақида форсий тилда ёзганлар ва бу фаннинг тузилиши ва тартибларида гоёта фойдали ихтиролар қилганлар... Хидоят эгаси Амирнинг файёли фикрлари воситаси билан муаммонинг нозиклик ва гўзаллиги бу мамлакатда шундай мартабаларга эришдики, уни қалам билан баён қилиш сира мумкин эмас...» («Мақоримул-ахлоқ», 51—52-бетлар).

дан бири: адабнѳг — халқнинг маънавий-бадий камолотини акс эттиришга даъват этилган соҳа экани ва у жиддий меҳнатни талаб қилишидир. Бинобарин, қобилияти бўла туриб, гайрат қилмайдиган, ялқовлик қилиб палапартниш ёзадиган, умрини зое кетказадиганларни Навоий ёқтирмайди. Ўзи лоқайд, танбал одамларнинг ўзидан, ота-онасининг ёмон тарбияси туфайли етилмай қолганларнинг ота-онасидан гина қилади, аттанг, дейди. Мана, мавлоно Нодирий, «Яхши табъи бор... аммо лаванддур. Муддате фақир билан мусоҳиб эрди. Ўзин лавандлиғидин забт қила олмади. Яна ўз ишини (нг) кейинига борди...» («Мажолис», 98- бет.)

Шоир Жамолiddин — толиби илм. «Агар лавандлиғи бўлмаса эрди дошнаманд ҳам бўлур эрди». Кавсий ҳам қобил киши, аммо ялқов, Шоҳ Қули Уйғурнинг «кичикликда табъи тахсилга мулойим эрди. Ота-онасининг суюклиғи жиҳатидан омий қолди. Кўп қобилияти зоеъ бўлди». Навоий, қўлидан ёзиш келадиган беҳафсала кишилардан ранжиганда «имкон бордурким табъига кўп иш буюрса, пухталиғ пайдо бўлғай» жумласини бир неча бор такрорлайди.

Улуғ мураббий дурустгина шоир Осафийни ишга солиш учун анча уринди. Осафийда истеъдод бору, аммо кўп вақтини бекор ўтказди. Хотираси ҳам яхши, бироқ «не табъин ишга буюрар, не ҳофизасин».

Биз юқорида айтганимиздек, Навоий гўё шоирга қарата: «Шундай яшашинг керакки, ҳаётинг шеъриятдек юксак ҳиссий — маънавий оламга мувофиқ бўлсин; шундай ёзишинг керакки, асаринг ҳамма мавжудотларнинг беэвази—инсон шарафига лойиқ бўлсин, акс ҳолда сен яратган сознинг садолари ғализ эшитилади» деган фикрини таъкидлаётгандек туюлади. Адабиёт намояндаларининг бой ички дунёсини, юксак ахлоқий, қиёфасини қадрлаган Навоий шоирлар орасидаги бадхулқ, ичкиликхўр, фирром шахсларни қаттиқ қоралайди. Уларга покиза одамлар ўртасидаги иллатлар сифатида қарайди.

Хожа Абу Исҳоқнинг «бадғўй ва мутакаббир»лиги, Вали Қаландарнинг беҳаёлиги ҳамда «сухандонлар орасида бадшеърликка машҳур» экани, Соҳиб Балхийнинг шеър фанида маҳоратн бўлишига қарамай, «тамаъгир бўлганидан фозил эл қошида иззат кам»лиги, енгилтак, тентак табиат шоир Риёзий (учинчи мажлис)нинг бир вақт «шогирдлари билан тоғ гаштига бориб, тош юмалатиб, бир фақирга тегиб» ўлдиргани, Хуррабийнинг «бадмижозлиқлари»¹ жиҳатидан Хуросонда туropolмай Ироққа бориш»га мажбур бўлгани, «кам бизоат» — нўноқ шоир Анисий «элнинг шеърини ўзига боғлаб» олиши ёки мавлоио Наргиснинг «Қайдаким жузвий рангин»² сўз ё маъний нозук кўрса тасарруф³ қилурға одат» этиб, адабий ўғрилиқ йўлига кирганликлари Навоийни гоят ранжитди.

Адабиёт аҳлларининг ёмон сифатлари устида гап бора-бар экан, шунн алоҳида таъкидлаш керакдирки, Навоийни ғазаблантирган яна бир иллат—ичкилик (чоғир) ва унга берилиш эди. Шоир, қобил кишиларнинг тубанликка тушиши, адабиётнинг эса кўп асарларни қўлдан бой бериши ичкилик туфайлидир, деган хулосани чиқаради.

Ўрни келганда бу масалага аниқлик киритиш истайдими.

Бизга ҳамнафас замондошларимиз орасида: «Навоий ўзининг барча лирик асарларида ва дostonларида майини — ичкиликни тараннум этади, шеърятни майсиз тасаввур қилолмайди. Демак, шоир ва май бир-бири билан узвий алоқадаги тушунчадир», қабилидаги сўзлар қўлоққа чалиниб туради. Шу нуқтаи назар тарафдорлари Навоийнинг:

Соқиб, нетгай мени ул нафъ қилсанг мастким,
Ақлу хушимдин нишон, балким асар ҳам бўлмаса,—

¹ Бадмижоз — ёмон табиатли.

² Жузвий рангин — айрим чиройли парча.

³ Тасарруф қилмоқ — ўзиники қилиб олиш, ихтиёрига олиш.

ёки:

Зоҳид, санга ҳуру манга жонона керак.
Жаннат санга бўлсин, манга майхона керак,

ва ёки:

Эй Навоий, бода бирла ҳуррам эт кўнглунг уйин,
На учунким бода келган уйга қайғу келмади,—

сингари ва яна шуларга ўхшаш бошқа мисраларини келтириб, ўз даъволарини исботламоқчи бўладилар. Ҳақиқатда шундайми? Навоий май (бода) ташвиқотчисими?

Биринчидан, шоир асарларидаги май—ичкиликхўрлик, кайф тимсоли эмас, балки поэтик образ, романтик кўтаринкилик рамзи ва реакцион сўфиларнинг тарки дунёчилик фалсафасига қарши дунёвийликни тарғиб қилиш воситаларидан бири эди. Иккинчидан, бу саволларга «Мажолисун-нафоис» саҳифаларида салбий жавоб берилган. Ичкилик шоир қиёфасини нақадар кўнгилсиз ачинарли аҳволга туширажаги қуйидаги парчаларда ишонарли қилиб кўрсатилган.

Мавлоно Сайфий танилган шоирлардан бўлиб, масал жанрида яхши асарлар яратади. Муаммога доир махсус рисола ҳам ёзади. «Мавлоно хушёрликда баса одам-ваш, ҳаё ва одоблиғ йигитдур. Аммо сарҳушликда ўзга моҳият бўлур эрди, балки расво нима бўлур эрди» («Мажолис», 72-бет); Садр Котиб танбал, шеър ёдламайдиган одам эди. Бунинг устига «чоғир ани андоқ мағлуб қилиб эрдиким, ихтиёри ҳеч ишда йўқ эрди» («Мажолис», 53-бет); Паҳлавон Ҳусайн «бағоят ичкучи», Сайид Имод «чоғир олуфтаси» эдилар. Ҳофизии Саъдга «Ҳирий шаҳрининг лаванд, ичкучи йигитлари» суҳбатдош бўлишлари натижасида нотўғри йўлга кириб кетиб, келишмаган, ярамас қилиқлар чиқаради ва ичадиган бўлиб қолади. Мир Қосим Анвар ўз хизматидаги Ҳофизии Саъднинг ахлоқсизлигидан ғазабланади ҳамда ҳужрасини бузиб,

тупроғини кўчага чиқариб ташлашга буюради («Мажолис», 10-бет).

Навойнинг ичкиликка салбий муносабати бошқа асарларида, жумладан, «Муншаот»да ҳам равшан кўриниб туради. Ичкилик орқасида ҳар бири бир телба ит ҳолига тушиб қолган шоҳлар ва шахзодаларга қилган танбеҳлари Астрободдан Ҳусайн Бойқарога ёзган машҳур мактубидаги: «умид улдурким, ҳақ таоло чоғирдан куллий тавфиқ бергай», «Мажлис қуруб чоғир ичарга кўп ҳирс кўрсатилмаса» каби мурожаатлар, ичкиликбозлик чин инсон учун фазилат эмас, деган фикр билан мантикий алоқададир.

«Мажолисун-нафоис»ни диққат билан кўздан кечирар эканмиз, психологияси, характери, феъл-атвори бир-бирига асло ўхшамайдиган шоирларга дуч келамиз. Навоий уларнинг ижодинигина ўрганиб қолмайди, айни замонда жуда ихчам ва ифодали жумлаларда ҳар қайсисига таъриф беради, образини чизади, етакчи хусусиятини очиб беради. Мавлоно Бурундуқ, мавлоно Жунуний, Сайид Қозимий, Хожи Нужумийларнинг ҳажвчи шоирлар эканидан, «табъи ҳазилга мойил» бўлиб, кулгилли шеърлар ёзганларидан, халойиқ, уларнинг ҳажвини севиб, ёдлаб юрганларидан хабардор бўламиз.

Мана, яна бир неча характерлар: Хусравий — мақтанчоқ. Шеърини фикр олиш учун олиб келиб, ўқишдан олдин шундай мақтайдики, оқибатда танқидий фикр айтиш йўли бекилади. Мир Муртоз — ўжар, тутган ерини кесадиган, кожабахс: «... анинг билла ҳар ким масала баҳс қилса эрди, мулзам бўлмагунча қутулмас эрди», яъни: суҳбатдошларини баҳслашувда қўпол равишда хижолат қилмагунча, ранжитмагунча кўнгли тинчимайди. Хожа Абу Саид — ўз шеърини ҳаяжонланиб, йиғламосираб ўқийди. Дарвеш Деҳакий — доимо девонини белига боғлаб олиб юради ва ўқиш керак бўлганда белидан олиб, салобат билан хониш қилади. Мир Ёдгорбек — го-ятда саҳий, қўли очиқ. Соғарий — бахил, ёлғончи. Вай-

сий — жуда содда, гўл одам. Вайсийнинг ўта соддалигидан ҳайратланган Навоий дейди: «Фақир, балки кўпроқ ёронлар таажжуб қилурлар эрдиким, оё, ул бу навъ содалиги била назм нечук айтур эркан» («Мажолис», 37-бет).

Мақоламининг аввалроғида зикр қилганимиздек, Навоий ҳеч қаерда ўзини ажратиб кўрсатмайди, ҳаммага маълум олижаноблигини, «Алишер ҳазратлари» эканини пеш қилмайди. Ўз камтарлиги билан замондошларига сабоқ беради. Мавлоно Бурҳониддин Навоийнинг муҳрдор бўлиши муносабати билан тарих ёзиб келади. Унда шоир — муҳрдор чиройли таърифланган эди. Шунда Навоий ноқулай вазиятда қолади ва «Фақирнинг таърифики, нафсул амрда воқеъдур... битилмади»¹ — дейди. Эл орасида кенг шуҳрат таратган Амир Шайхим Сухайлий ижодига тўхталиб, унинг фазилатларини тавсиф қилганда қаламини тийгани учун узр айтади: «Авалдин — охиригача фақир била илтифот ва иттиҳоди² кўп учун мундин ортуқ таърифин қилилса, ўзумни таъриф қилгондек бўлурдин қўрқув ихтисор қилилди»³ («Мажолис», 72- бет). Ажабо, Навоий ўз шахсини улуглаётгани, кўз-кўз қилаётгани йўқ; қариндош-уруғини ҳам мақтаётгани йўқ. Устозлик қилган, ҳамсуҳбат бўлган, ҳақиқатда ҳам мақтаса арзийдиган билимдон шоирларни тилга олаётиру, уларнинг мажлисларида иштирок этгани сабабли, мақтов яна ўзимга йўналтирилмасин, деб андиша қилади. Бу, ибрат бўладиган камтарликнинг олий мактабидирки, ана шу мактабнинг устози олдида бош эгиб, таъзим қилгинг келади!

Варақлаётганимиз тазкиранинг еттинчи мажлиси муаллиф томонидан «Салотини изом»⁴ ва «авлоди вожибул эҳтиромлар»⁵ деб сифатлаган Темур, темурий подшоҳ-

¹ *Нафсул амрда* — ҳақиқатда.

² *Иттиҳод* — дўстлашув, бирга бўлиш.

³ *Ихтисор қилмоқ* — қисқартмоқ.

⁴ *Салотини изом* — улуг султонлар.

⁵ *Вожибул эҳтиром* — ҳурматлаш лозим бўлган.

лар ва шаҳзодаларга бағишланган. Улар аслида шоир эмаслар ва мунтазам равишда шеър ёзиш билан шуғулланмаганлар. Темур, Шоҳрух, Улуғбек ва бошқа мирзолар «агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек, бир байт ўқугони минг яхши байт айтқонча бор» («Мажолис», 168-бет).

Ўзларининг давлат ишларидан бўш вақтларида «гоҳи назмга майл» қиладиганлардан Улуғбек, Бойсунғур мирзо, Султон Аҳмад мирзо, Султон Бадиуззамон мирзо, шоҳ Ғариб мирзо ва бошқаларнинг шеърларидан асарда намуналар келтирилади.

Аввалги мажлисларда ҳар бир шоирнинг хулқ-атвориға конкрет характеристика берган Навоий, шаҳзодаларнинг бадийи ижодга бўлган муносабатини таърифлаганда ҳам уларга индивидуал ёндашади. Шоҳрух мирзо тўғрисида гапирганда: «назмға машғуллиқ қилмас эрди»,— деса, Халил Султонни «машҳурдурким, ўзи шеър айтур эрди», тарзида таърифлайди. Ёки, Бобир мирзо: «табъидағи назмға мулоийм эрди»,— Шоҳ Ғариб мирзо эса «назм ва насрда назрни маъдум¹ ва мутахаййила² ... Девон ҳам жамъ қилибдур»... дейди.

Улар шахсий инсоний фазилатлари, нуқсонлари билан ҳам бир-бирига ўхшамайдилар. Бойсунғур Мирзо «хуштабъ ва сахий ва айёш³ ва ҳунарпарвар... Хаттот ва наққош ва созанда ва гўяндадин мунча беназир кишиким, анинг тарбиятидан ороға кирди». Бадиуззамон: «ҳусни сурат ва ҳусни сийрат била ораста ва жамоли зоҳирий ва камоли ботиний била пироста». Аммо «базм асбобидин ичмак ва бағишламоқда бемонанд». Хўш, Абдуллатиф мирзочи? «Савдойи мизож ва васвасаи табъ. Мундин ўзга дағи ғариб бадфеъллиқларп бор эрдиким, зикридин

• ¹ *Назири маъдум* — беназир.

² *Мутахаййила* — чуқур ҳаёл этини кучи.

³ *Айёш* — маншатпараст.

беҳижоблик¹ лозим келур. Утар дунё маслаҳати учун донишманд ва подшоҳ отасини ўлтурди...» («Мажолис», 172- бет). Гарчи шеърӣ қобилияти бўлса-да «зиж битган ва расад боғлаган» донишманд отага тиг кўтарган оқпадарни шоир қоралайди. Катта салтанат ҳавосида қилинган машъум жиноят, охири Абдуллатифнинг ўзидан қасос олади. Навоӣ таъбири билан айтганда «Ҳар ойинаким, салтанат Шируяға вафо қилғонча анга қилди».

«Мажолисун-нафоис»нинг муаллифи фақат шеърӣ иқтидори борларнигина эмас, бадий завқи баланд, ҳозиржавоб, шароитга мослаб бошқаларнинг ғазалларидан байтлар ўқий оладиган кишиларни ҳам адабиёт аҳллари жумласига киритади. Бу айниқса Темур ва Шохруҳга берилган характеристикаларда аниқ кўринади. Туркий тилда ёзганлар хусусида «алфози турконадур», «туркча назмлар ҳам айтур эрди», «бу туркча матлаъ ҳам анингдур» каби ғайиқ сўзлар айтилади.

Ниҳоят, китобини якунловчи саккизинчи мажлис Ҳусайн Бойқаро ижодиға бағишланган. Навоӣ тили билан айтганда: «Мажолисун-нафоис»нинг етти мажлисини «табъ аҳли ғавғоси ва назм ҳайли алолоси била ўткарилди. Саккизинчи мажлис Султон соҳибқирон мажлисиндурки, ани андоқки, ҳақидур баён қилмоқ...» Ҳажми жиҳатидан анчагина катта бўлган бу мажлисда Навоӣ давр ва шароит тақозоси билан Бойқаро ғазалларидан кўнлаб мисоллар келтириб, «хўб воқеъ булубтур», «басе ғарибдур», «бағоят хўб адо топибдур» тарзида баҳолайди. Мажлис хотимасида Ҳусайн Бойқаронинг назик дидли шоир эканини исботлашга хизмат қиладиган айрим ривоятлар ҳам келтирилган...

«Мажолисун-нафоис» улуг файласуф шоир, донишманд танқидчи, шеърӣят аҳлининг меҳрибон мураббийси Алишер Навоӣнинг нуруний сиймосини ғоятда ёрқин кўрсатадиган қимматбаҳо хазинадир. Унинг адабиёти-

¹ Беҳижоблик — уятсизлик (батафсил сўзлаш уятсизликдир).

миз тарихидаги аҳамияти муаллифга замондош бўлган кекса ва ёш авлодга мансуб юзлаб шоирлар билан бизни таништиришдагина эмас; муаллиф халқ манфаатларига хизмат қиладиган, чуқур ғоявий ва юксак бадиий ўзбек адабиётининг равнақи учун қандай жонбозлик кўрсатганини намойиш қилишда, шунингдек ўзбек прозасини ривожлантиришдагина эмас; шу билан бирга Навоийнинг киши ақлини шоширадиган даражада кенг билим доирасини, таърифга сиғмайдиган жозибадор, ёқимли образини ва соддалиги, камтарлиги орқали эришган буюклигини кўрсатишда ҳамдир.

Геннал сўз санъаткори, буюк мутафаккир, йирик давлат арбоби Алишер Навоийнинг вафот қилганига 1974 йили роса 473 йил бўлди. Шу давр ичида Мовароуннаҳрда, Ўрта Осиёда қанча-қанча султонлар, хонлар ва амирлар ҳукмронлик қилиб ўтдилар. Улар қўлларига қилич ушлаб, давлат ва тахт даъвосида ҳарбий юришлар қилдилар. Жабр-зулм азоби бегуноҳ меҳнаткаш омманинг қаҳру ғазабини уйғотди. Навоий эса, қўлига қалам ушлаб аламдийда элларнинг кўнгилни овлади, келажакка умид уруғларини сочиб, одамларнинг дилини юмшатди. Ҳукмдорлар бир халқнинг, бир сулоланинг, бир ўлканинг кишиларини ўзаро душман қилиб, қирғинлар уюштирганда, Навоий турли диний эътиқодга эга бўлган турли миллатларга мансуб халқлар ўртасидаги самимий дўстликни зўр илҳом билан қуйлади.

Оташнафас шоир қарийб беш аср давомида ўз поэзиясининг бепоён майдонида янги-янги авлодларни кутиб оларкан, меҳру шафқатдан, адолатдан, дўстликдан сабоқ бериб келди. Ҳар қайси асрда маърифат ва адолат учун курашнинг олдинги сафларида туриб, икки-юзламалик ва жаҳолатни, лоқайдлик ва такаббурликни, низоғарлик ва ёлғончиликни фош қилди, олижаноб инсон шахсини жўшқин мисраларда тасвирлади. Шоир бошқа асарларида ўз меҳнати билан ҳалол яшайдиган одамларни мадҳ этган бўлса, «Мажолис»да зеҳни ўткир, ақл-

идрокли, шеърӣй қобилияти билан кишиларга маънавий озғиқ берувчи фозиллар ҳақида чуқур гуманистик фикрлар айтди.

Навоӣй замондошларига жуда керак, ҳеч ким айтолмаган, аммо халққа ғоят зарур катта фикрларни айтган қудратли санъаткор эди. У кейинги асрлар, авлодлар учун ҳам азиз ва мўътабар бўлиб қолди. Навоӣйнинг буюклиги шунда эдики, у ўз даврини кенг кўламда, тўла инфодалаб берди. Қаҳрамонлари образида аҳамиятини асло йўқотмайдиган чинакам инсоний, умумбашарий хислатларни акс эттирди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳеч қайси давр бизнинг социалистик давримиз каби улуг шоирнинг қадрига етмаган ва халқ оmmasига шунчалик яқинлаштирмаган эди. Илғор маданий меросга ленинча муносабат туфайли Навоӣй ҳар бир уйга кириб келди. Унинг нуруний сиймоси билан бирга бизнинг зеҳнимизга ва қалбимизга битмас-туганмас руҳий бойлик ва ҳаяжон абадий ҳамроҳ бўлиб қолди. Одатда бадий адабиёт орқали халқ ўзини танийди, тарихий аҳволини, жамиятда тутган ўрнини тушуниб олади. Ўзбек халқи ҳам Навоӣй асарларида ўзини таниди ва қадимдан бери, ўз кучи, талантига комил ишонч билан қараб келганини англади. Бугун биз деймизки, эй қалам аҳлининг забардаст устоди, зангин маслаҳатлари «заиф илкларга асодек қувват» бўлган суҳанвор! Ворнсларингиз кўнгли сизнинг жонпарвар нафасингиздан тозадур, руҳбахш каломингиздан бахтиёр замонамиз кишилари қалбидаги сизга бўлган таҳсин ва офаринлари беандозадир!

1968 йил.

Саргашталилда ўтган ҳаёт саҳифалари

Ўтмишнинг кўпгина талантили ва прогрессив сўз санъаткорлари эксплуататор синфларнинг таъқиби ва ҳар қандай таҳдидларга қарамай, ўз шахсий тақдирларини халқ тақдири билан, ватан тақдири билан боғлашга уринганлар. Умрининг охиригача ватан тупроғини тарк этмай, ўз халқига қўлидан келганича хизмат қила олган ҳар бир санъаткор ўзини бахтли ҳисоблаган. Шунинг учун ҳам ватандан узоқда ғурбатда яшаган шоир Фурқат умрининг охиригача бахтсизлигидан шикоят қилиб, чуқур алам билан:

Мана шўрида булбул, бўстониждан адашганман...

Ва ё бир мурғи ваҳший ошиёнимдин адашганман,—

деб оҳу фигон чекди. «Ғуссау ранжу анолардин» боши чиқмаган, қалби «ватаннинг иштиёқи» билан тепиб турган шоир эртаю кеч «ошнолардин», «хешу ақраблардин» зориқиб хабар кутди. Она тупроқдан олинган ҳар бир хабар эса шоирнинг кўзларига зиё, кўнглига шодлик бахш этар эди. У тирикликда ўз орзусига етолмагач, бегона тупроққа бош қўйганидан сўнг ҳам: «Олиб ёдиға сўрмас кимса, Зокиржон — Фурқатин» деб ўйлади. Чунки у ўзининг катта бадний маҳорат билан ёзилган лирик шеърлари, ҳар бири жўшқин маърифат булоқларидек юракдан қайнаб чиққан ва рус фани, санъати, ҳарбий қудрати ҳамда техникасини улуғловчи асарлари ватан-

дошларининг сеvimли асарларидан бўлиб қолишини тасаввур қила олмаган эди.

Аждодларимиз яратган, тараққиётга бошловчи барча маънавий бойликларни муносиб равишда қадрлайдиган жавоҳирпарвар социалистик давримиз Фурқатнинг ижодий фаолиятига юксак баҳо берди. Ҳаёт эканида: агар йўлимни тўсиб турган сирли тўсиқлардан қутуладиган бўлсам, аҳбобларим олдига, диёримга албатта қайтаман,— деган шоир Улуғ Октябрдан сўнг ҳақиқатан ҳам, жисман бўлмаса-да, маънавий жиҳатдан ўз диёрига қайтиб келди. Унинг овози замондошлари ва маслакдошлари бўлган Муқимий ва Завқий, Комил ва Авазларнинг овози билан бирга жаранглай бошлади. Бир вақтлар «Неча йилдурки, даҳр ошуб замонимдин адашганман» деб оқ урган шоирга унинг ҳозирги китобхонлари: «Йўқ, бугун сен ўз Ватанингда, ёру биродарларингнинг орасидасан; аммо бу Ватан сенинг хаёлигнга ҳам келмаган озод, бахтиёр ва нозу неъматларга мўл Ватандир: бу қудратли ва бепоён Ватаннинг «ҳазон айёми» бўлмаганидек, кечаги чўллари бугун халқ иродаси билан «гул гашт этарга бир чаман» бўлган. Бунда кишиларнинг муддаоси тинчлик ва осойишталик, ширин вафо ва дўстлик, кўзлагани порлоқ истиқбол. Сенинг энг яхши орзуларинг рўёбга чиққан бу ўлкада биз билан бирга бўлишинг биз учун ҳам, сен учун ҳам катта бахтдир»,— дейдилар.

Зотан шоир учун бундан ҳам улканроқ ифтихор бўлиши мумкинми?

I

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг ҳаёти ва адабий фаолиятини ўрганишда бир-биридан принципнал фарқ қиладиган икки асосий даврни кўрсатиш тўғри бўлади. Улардан биринчиси 1890 йиллардан бошлаб то Октябргача бўлган даврни ўз ичига олса, иккинчиси совет давридир.

Фурқат асарларининг нашр этилиши ва ўрганилишининг биринчи даври ҳақида гапиришлар экан, гапни жуда кўп қўлёзма ва тош босма баёзлар қаторида «Туркистон вилоятининг газети»дан бошлаш лозим. Чунки XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошидаги Туркистоннинг маданий ҳаётида катта ижобий роль ўйнаган бу газетанинг Фурқат асарларини оммалаштиришдаги, ўқувчиларни шоирнинг таржимаи ҳоли билан таништиришдаги хизматлари ҳам оз эмас.

Фурқат бу газета билан Тошкентга келмасдан олдин оқ таниш бўлса-да, унда ўз асарлари билан иштирок этиши, шубҳасиз Тошкентга келгандан сўнг бошланади. Мавжуд фактлар шундан далолат берадики, шоир 1890 йилнинг биринчи чорақларигача «Туркистон вилоятининг газети»да ўз асарлари билан иштирок этувчи муаллифлардан бири сифатида ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган. Шунинг учун газета редакцияси шоирнинг дастлабки асарларини босиш олдиндан унинг ўз шахсияти ҳақида баъзи маълумотлар бериб, Фурқатнинг ким эканидан газетхонларни хабардор қилади.

Масалан, газетанинг 1890 йил 17 апрелдаги 15-сонида «Зокиржон Фурқатнинг шеърлари» сарлавҳаси остида шоирнинг ҳозирда «Гимназия» номи билан юритилаётган шеъри босилади ва охирига: «Шеър муаллифи камина Зокиржон Фурқат» деб имзо қўйилади. Лекин газетанинг бундан олдинги сониди, яъни 11 апрелдаги 14-сониди «Письмо одного кокандца, учащегося в высшей мусульманской школе» сарлавҳали мақола берилиб, унда «Гимназия» шеърининг умумий мазмуни рус тилида баён қилинади. Мақола шундай бошланади: «1890 йили 23 мартда мен камина — қўқонлик Зокиржон Фурқат ва Ҳожин Зухур Тошканд эрлар гимназияси маъмурияти ижозати билан бу гимназияни томоша қилдик. Ичкарига киргач, гимназия бошлиғи билан сўрашдик. У бизга алоҳида илтифот билдириб, бинони кўрсатишга бошлади ва ҳаммадан аввал физика кабинетининг асбобларини кўр-

сатди... Кабинетдан чиққач, синфларни кўздан кечирдик. Дастлаб 4-синфда юнон тилини ўрганаётган болаларни кўрдик»¹.

Ана шундан кейин Фурқат шеърлари газетада мунтазам равишда босилиб туради. 1890 йил май ойида «Зокиржон Фурқатнинг шеърлари» номи билан ҳозирда «Илм ҳосияти», «Телеграф баёнотида» сарлавҳалари билан берилаётган шеъри, июль ойида «Тошканд шаҳрининг гимназиясида бўлгон акт мажлиси хусусида» (бу шеър Фурқат танланган асарлари II томига киритилган) «Тошканд шаҳрида бўлгон нағма базми хусусида» шеърлари ва сентябрь ҳам октябрь ойларидаги уч сониди «Тошканд шаҳридаги виставка хусусида» шеъри, ноябрь ва декабрь ойларида «ушбу 1890 йилда 5 октябрда Тошканд шаҳридаги театр иморатида бўлгон ўюн хусусида» (ҳозирда «Суворов ҳақида» деб юритилаётан) поэмаси босилади.

Шоир ўз асарлари билан ўқувчиларга бир даража маълум бўлгандан кейин, газета редакцияси уни халққа кенгроқ таништириш мақсадида 1891 йилнинг январидан бошлаб ўн тўрт сонда «Ўқондлик шоир Зокиржон Фурқатий аҳволоти. Ўзи ёзғони» номи билан Фурқатнинг таржимаи ҳолини батафсил эълон қилади. Фурқат билан «Туркистон вилоятининг газети» ўртасида юзага келган

¹ Фурқатнинг «Мухаммас, Муҳаммад Худоёрхон тилидан» номли шеърига берилган кириш сўзи ҳам аввал шоирни китобхонлар билан таништириб, кейин унинг асарларидан намуна келтиришнинг характерли мисоли бўла олади. Фурқат Худоёрхоннинг ўлимидан сўнг ёзган бу киноявий муҳаммасни 1890 йил 3 июнда Н. Остроумовга тақдим этган. Остроумов уни рус тилига таржима қилдириб, «Записки Восточного отделения императорского русского географического общества»нинг VIII томида эълон қилдирган. Сўнг алоҳида брошюра бўлиб ҳам чиққан. Қаранг: Н. Остроумов, «Третья песня о Худайрхане», С — Петербург — 1893 г.

Ўз вақтида бу муҳаммасга менинг эътиборимни жалб қилгани учун СамДУ доценти ўртоқ Ж. Ҳамдамовга миннатдорчилик билдираман.

яқин алоқа кейинчалик ҳам узилмади. Шоир чет эллардан унга хат ёзиб туради. Майдонда бор фактлар бу алоқа 1905 йилдан кейин узилган, деган хулосани чиқаришга асос бўлади.

«Туркистон вилоятининг газети»ни варақлаш шунинг кўрсатадики, Фурқатнинг лирик шеърлари — муҳаббат ва табиатни куйловчи ғазаллари, мухаммаслари бу газетада деярли босилмаган. Унда фақатгина рус ҳаёти, фани, техникасини тасвирлаган ва маърифатни, тараққиётни улугловчи маснавийларигагина кенг ўрин берилган. Шоирнинг ғазаллари, мухаммаслари асосан турли хил қўлёзма ва тошбосма баёзларда етиб келган. Ўзбекистон Фанлар академияси қoшпидaги Шарқшунослик институтида сақланаётган 7521, 7512, 1821, 5736 инвентарь рақамли қўлёзма баёзлар, яқинда Қўқонда топилган янги қўлёзма баёз ва «Девони Муқимий маа ҳажвиёт» (1899 йил) «Армуғони Хислат» (1912 йил), «Баёзи янги» (1910 йил), «Баёзи Хазинаий» (1911 йил), «Баёзи Маҳдний» (1915 йил) каби бир қанча литографик баёзлар шулар жумласидандир.

Революцияга қадар бўлган даврда Фурқат ижодининг илмий нуқтаи назардан тўғри характерлайдиган бирор асар юзага келмади. Баёз тартиб берган ва тазкира ёзган адабиёт ҳаваскорлари кўпинча шоирнинг асл қиёфасини кўрсатадиган, илгор дунёқарашлари ифодаланган шеърларини четлаб ўтиб, унинг учун типик бўлмаган кайфиятларни акс эттирувчи «Ҳажнома», Ҳажви хотин», «Ё раб»га ўхшаган фавқулodда шеърларни такрор-такрор нашр қилиб, шоирга нисбатан ўқувчиларда бутунлай нотўғри тасаввур ҳосил қилишга уринганлар.

Фурқатнинг ҳаёт ва ижодини у яшаган конкрет тарихий давр билан, меҳнаткаш халқ оммаси ва мамлакат тақдири билан боғли ҳолда, илмий марксистик асосда текшириш, шубҳасиз, бизнинг давримизда бошланди. Бу давр аввалгисидан тадқиқотчилик кўлами жиҳатидан ҳам, бажарилаётган ишларнинг юқори илмий босқичда

туриши жиҳатидан ҳам бутунлай янги фурқатшуносликни юзага келтирди.

Классик адабиётнинг илғор традицияларини давом эттираётган ўзбек совет адабиёти Навоий, Турдий, Гулханий, Муқимий каби сўз санъаткорлари билан бирга Фурқатни ҳам ўз бадиий хазинасига киритди. Фурқат Ўрта ва Олий мактаблар программасидан шарафли ўрни олди. Фурқатшунослик соҳасида қилинган ишлар ўрта ва олий мактабларнинг дарслик, хрестоматияларига киритилган материаллар ва у материалларнинг талқини билангина чегараланиб қолмади, балки шоирнинг жозибador сиймосини равшан кўришга ёрдам берадиган асарларига бағишланган махсус монография ва илмий мақолалар ҳисобига ҳам бойинди.

Бу ўринда таниқли адабиётшунос Холид Расулнинг Фурқат ижодини чуқур ўрганиш йўлида олиб борган самарали ишларини алоҳида қайд қилиш лозим.

Улуғ Ватан урушигача бўлган йилларда китобхонларнинг Фурқат ҳаёти ва ижодини кенгроқ ўрганишга бўлган эҳтиёжини қондирадиган бирор асар йўқ эди. Шундай бир шароитда Холид Расул тўплаб тартибга солган «Фурқат шеърлари»¹ китобчаси нашр этилди. Фурқатнинг даври, таржимаи ҳоли ва адабий фаолиятини қисқача характерлашга бағишланган кичик сўзбоши билан чиққан ва шоирнинг ғазаллари, мухаммаслари, маърифатни тарғиб қилувчи маснавийлари ҳамда чет элдан ёзган баъзи шеърини мактубларини ўз ичига олган бу китобча ўша даврда ҳақиқатан ҳам катта ижобий ҳодиса эди.

Х. Расул Фурқатнинг кўпчиликка маълум бўлмай келаётган анчагина янги асарларини излаб топди. Бу

¹ «Фурқат шеърлари», Нафис адабиёт давлат нашриёти. Тошкент, 1940 йил, 84-бет. Бу тўпламдан бир оз олдинроқ Х. Расул шоир Ғ. Ғулом билан бирга Фурқатнинг бир қанча шеърларини айрим изоҳлар билан «Гулистон» журнаlining 1939 йил 4-сонида эълон қилган эди.

изланишларнинг самараси ўлароқ яна икки китобча майдонга келди. Улардан бири 1951 йилнинг бошида мактаб сериясида чиққан «Фурқат. Шеърлар»¹ бўлса, иккинчиси «Ўзбек адабиёти классиклари кутубхонаси» сериясида 1951 йилнинг охирида чиққан «Фурқат. Танланган асарлар»² эди.

Х. Расулнинг эътиборга лойиқ иши унинг «Зокиржон Фурқат ижоди»³ номли монографик характердаги китобидир. Бу китоб ўз ичига анчагина янги материалларни олганлиги билан ҳам, шоирнинг ҳаёт йўли ва адабий меросини чуқурроқ текшириш соҳасида қўйилган дастлабки жиддий қадам бўлиши билан ҳам фурқатшуносликка қўшилган сезиларли ҳисса деса бўлади. Унинг кўпгина ижобий томонлари қаторида айрим нуқсонлари ҳам борки, биз бу ҳақда кейинроқ тўхтаймиз.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё ерларининг Россия составига қўшилиши, Туркистонга икки хил Россиянинг: колонизаторлардан иборат бўлган чор Россиясидан ташқари илғор революцион кучлардан иборат бўлган прогрессив Россиянинг кириб келиши маҳаллий халқлар ҳаётида объектив ижобий роль ўйнади. Рус халқи, рус техникаси ва маданияти билан юзма-юз учрашув халқнинг етук фарзандларидаги дунёқарашни кенгайтиришга, ижтимоий онининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатди. Рус маданияти билан танишув шундай етук кишилардан бири бўлган Фурқат онгида ҳам жиддий бурилиш ясади ва уни маърифатнинг чарчамас куйчиси, рус фани, техникасининг оташин жарчиси сифатида ўз замондошларидан бир даража юқори кўтарди.

Шоирнинг айниқса ўша даврда гоят катта аҳамиятга

¹ Ф у р қ а т. Шеърлар. ЎзССР давлат нашриёти, 1951 йил (Катта ва ўрта ёшдаги болалар учун), 52-бет.

² Ф у р қ а т. Танланган асарлар. ЎзССР Фанлар академияси нашриёти, Тошкент, 1951 йил, 156-бет.

³ Х о л и д Р а с у л. Зокиржон Фурқат ижоди. ЎзССР Фанлар академияси нашриёти, Тошкент, 1954 йил, 136-бет.

эга бўлган ижтимоий-фалсафий ва эстетик қарашлари кўн жиҳатдан ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Бас, шундай экан, Фурқатнинг адабий ва ижтимоий фаолиятидаги бу соҳани яхши ўрганмай туриб, шоир сиймосини тўла тасаввур қилиш мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам профессор Иброҳим Мўминов Фурқатнинг ижтимоий-фалсафий қарашларини ўрганиш устида қатор тадқиқот ишлари яратиб, фурқатшуносликни янада бойитди. Унинг: «Шоир Фурқат рус маданияти ҳақида»¹ мақоласи ва бошқа бир қанча мақолалари бу соҳадаги ишларни тобора чуқурлашиб бораётганини кўрсатди.

Шоирнинг бир вақтлар «Туркистон вилоятининг газети»да босилган, аммо яқин йилларга қадар кенг жамоатчиликка маълум бўлмай келган маснавийлари ва публицистик мақолаларини ўз изохлари (комментариялари) билан матбуотимиз саҳифаларида эълон қилишда академик-шоир Ғ. Ғуломнинг хизматлари ҳам таҳсинга лойиқдир². Булардан ташқари Фурқат ҳақидаги танқидий-назарий адабиётлар рўйхатига яна филология фанлари доктори Ғулом Каримовнинг, шоир ва олим Шайхзоданинг текширишлари³ ҳам диққатга сазовордир.

Фурқат ҳақидаги библиографиянинг мукамаллигини даъво қилмайдиган бу обзор кўрсатиб турганидек, адабиётшуносларимиз, файласуфларимиз Фурқат ижоди билан йилдан-йилга кўпроқ ва чуқурроқ шуғулланмоқ-

¹ Ибрагим Мўминов. Поэт Фуркат о русской культуре. «Звезда Востока», 1946 г., № 4—5, стр. 153—158.

² Ғафур Ғулом. Шоир айблайди (Фурқатнинг Ҳиндистондан ёзган хатлари). «Шарқ юлдузи», 1949, № 11; Ғафур Ғулом. Фурқат рус аскарларининг қудрати тўғрисида. «Шарқ юлдузи», 1950, № 2.

³ Ғулом Каримов. XIX асрнинг II ярмидаги ўзбек адабиётида реализмнинг шаклланишига доир. В. И. Ленин номидаги Урта Осиё Давлат университетининг илмий асарлари, янги серия, XVII чиқиши, филология фанлари, 7 китоб САГУ нашриёти, Тошкент, 1955 й. 5—24-бетлар. Яна: Ғулом Каримов. Тинчлик, дўстлик ва маърифат куйиси. «Ўзбекистон маданияти», 1957 йил, 3 июль, № 53.

далар. Бироқ юқорида айтилганлардан Фурқатнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш иши тугалланади, энди бу тўғрида айтадиган гап қолмади,— деган хулоса келиб чиқмайди.

II

Ўз халқи маданиятининг тарихида, адабиётида ва прогрессив қарашларининг ривожланишида салмоқли роль ўйнаган ҳар бир санъаткорнинг босиб ўтган ҳаёт йўли синчиклаб ўрганилмоғи ва тарихий ҳақиқатга мос келадиган илмий биографияси яратилмоғи керак. Зотан бу зарурий масала ҳал қилинмай туриб, ҳар бир санъаткорнинг ижоди ҳақида сўзлаш қийин бўлиб қолади. Агар адабиётшунослигимизда ҳозирда мавжуд бўлган Фурқат биографиясига шу нуқтаи назардан ёндошсак, фактларга асосланган, ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмайдиган ҳақиқий илмий биография яратилган, дейиш қийин. Унинг биографиясига онд мулоҳазаларда баҳслашувга сабаб бўладиган ўринлар топилади.

Ҳозиргача Фурқатнинг асосий биографларидан саналиб келган шоир ва олим Холид Расул (бундан аввал ҳам қайд қилганимиздек) Фурқат фаолиятига онд анчагина материал тўплаб, уни тўла изоҳлашга ҳаракат қилгани ҳолда, шоир биографиясидаги ҳамма босқичларни ҳам изчиллик билан баён қилди, дейиш тўғри бўлмайди. Бу айниқса шоирнинг ҳижратда ўтказган йилларини тасвирлаганда яққол сезилиб қолади.

Мавжуд нуқсонлар нимадан иборат эканини кўрсатиш учун гапни шоирнинг Тошкентга келишидан бошлайлик.

Маълумки Фурқат унинг ўз сўзи билан айтганда 1889 йил Марғилонда, «Чой ва дигар ашъёлар савдосига» дўкон очади. Айни вақтда у мадрасада ўқишни ҳам, «Туркистон вилоятининг газети»ни мутолаа қилишни ҳам, ижодий ишларни ҳам тарк этмайди. Орадан кўп

ўтмай, «дўкон истиқоматидин дилгир бўлиб», уни йиғиштиради. Ниҳоят «сафар иродасини кўнгулға мусамман» қилиб, Марғилондан чиқиб Қўқонга, ундан Хўжандга ўтади. Хўжандда бир оз тургач, сафарни яна давом эттириш мақсадида 1889 йил май ойида Тошкентга келади.

«Туркистон вилоятининг газети» орқалиёқ рус халқи ва урф-одати билан қисман таниш бўлган Фурқат Тошкентда уларни ўз кўзи билан кўрмоқчи, барча ибратли нарсаларни ўрганмоқчи бўлади. У Тошкентга келишининг сабабини изоҳлар экан, ёзади: «... Қўқонда ва Марғилонда экан вақтимда Русия расмларини мутлақо билмас эдим. Тошканд шаҳрига келиб, бир неча вақт туриб, Русия халқининг одамлари билан ошно бўлиб, аларнинг кўп расмларини кўрдим ва кўрмаганимни сўрдим... Русия расмлари аксари бизнинг расмларимизга яқин эмасдир. Шул сабабдин мен ўз мусулмон халқимизга билдирмак учун газетага ёзаманки, биз халққа Русия халқи билан бир ерда турмоқ ҳақ таоло иродаси билан бўлди. Онинг учун аларнинг расмларини яхши билмак бизларга зарурдир. Чунки орамизда савдо ва бошқа тааллуқ робиталар кўпдир. Ўз нафъимиз учун Русия халқи умрига мулоҳаза қилсак керак»¹.

Тошкентда ўтказилган йиллар шоир кўз ўнгида янги олам яратди. У хонликлар зулми остида эзилиб, маърифат ва тараққиётдан маҳрум этилган ўз халқининг аҳволини рус халқи ва унинг тараққиёти билан қиёс қилиб кўриб, бирдан-бир тўғри йўл рус халқидан ўрганиш, деган хулосага келди. Доимо янгиланган интилувчи, хилма-хил ўлкаларни ва халқларни яхшироқ билиш учун жаҳонгашталиikka тайёр турган шоир чет эл сафарига отланиб, 1891 йил 14 майда Самарқандга келади. Фурқат Самарқандда дўсти Мирза Бухорий уйида меҳмон

¹ «Туркистон вилоятининг газети», 1891 йил 12 июнь, 23-сон. Бу парча ўртоқ Х. Расул томонидан жуда қисқартиб кўчирилган.

бўлади. У билан бирга шаҳарнинг тарихий ёдгорликларини томоша қилади ва бу тўғрида шоир:

«Самарқанд шаҳрида қадимдан қолғон эски иморатлар ва катта тепалар кўп экан. Андин шаҳар халқи кўп эски асбобларни топиб, ҳурматли Мирза Бухорийга сотар эканлар. Ул киши ҳам қадрига етиб, баҳойи тамом сотиб олур эканлар... Алқисса ўшандоқ эски нимарсаларни кўрмоққа рағбатим зиёда бўлғои сабабидин ҳурматли Мирза Бухорий марҳамат қилиб, икки йилдан бери йиғилғон, ердин чиққан эски ҳар хил асбоб, зарб урулғон олтун ва танга ва қаро пул, сафол асбобларни кўрсатдилар... Кўрдимким, нечанд дона қаро пул, тахминан, 8 мисқол келадур, 3000 йилдан зиёда бўлғон экан ва яна бир пора нуқра асбобким, устида тоғларни ва одамларни ва ҳайвонларни суратлари бордир»...— деб ёзади. Ниҳоятда «дилкушо ва хушҳаво» Самарқанд тарихий обидаларни билан ҳам шоирнинг завқини келтиради. Фурқат Самарқандда олимлар, шоирлар ва ҳофизлар билан танишади¹.

¹ Самарқандда халқ ўртасида Фурқатнинг бу ерга келгани, маданият арбоблари билан учрашгани тўғрисида айрим нақллар сайланиб келмоқда. Улардан бирида айтилишича, шоир Самарқандга келганда машҳур: «Самарқанд сайқали рўйи заминаст» мисраинга: «Бидонки, жанныти ризвон ҳаминаст», деган мисраини қўшган эмиш.

Шундай нақллардан бирида Фурқатнинг машҳур ҳофиз ва дугорчи Ҳожи Абдулазиз билан учрашгани, музика кечалари ташкил қилганликлари тўғрисида гапирилади. Ҳатто у икки машҳур киши бирга чет эл сафарига чиқиб кетган, дейдилар. Бироқ бу оғзаки зақлларни тарихий ҳақиқат деб қабул қилишга ҳозирча ишонарли манбалар йўқ. Шунга қарамай, музикашунос ўрт. Тўраҳон Мирзаев ўзининг «Атоқли санъаткор» номли Ҳожи Абдулазизга аталган мақоласида («Шарқ юлдузи», 1958, № 2, 125—126-бетлар) «Абдулазиз 1871 йилда шоир Фурқат билан узоқ сафарга отланди»,— дейди. Келтирилган фикр ҳеч қандай асосга эга эмас. Чунки, биринчидан, Фурқат Самарқандга 1871 йилда эмас, 1891 йилда келган, иккинчидан Ҳожи Абдулазиз Арабистонга бир эмас икки марта борадиган дастлаб 1887—88 йилларда, кейин эса 1907—1908 йилларда Маҳмуд Аҳмадов. Ҳожи Абдулазиз, «Шарқ сурх», 1958, № 1, 116—122-

Шу 1891 йилнинг ўрталаридаёқ у Красноводск ва Бокуда бўлиб, Ботумига ўтган. Ботумидан пароходда Туркиянинг Қора денгиз атрофидаги шаҳарларига келади. Кейин Истамбулга жўнайди. Истамбулни томоша қилиб, олган таассуротлари ҳақида Тошкентдаги дўстларига хат ёзиш ҳаваси уйғонади. Шаҳарнинг «Миллат» богчасида ўтириб, «бодн сабога хитоб» қилиб аҳбобларига катта шеърий хат ёзади («Туркистон вилоятининг газети», 1892 йил, 15).

Ватанга чуқур муҳаббат, ёру биродарларга меҳр ҳислари тасвирланган бу мактуб шундай бошланади:

Бу гулшанким, насими файзи рабдур,
Гули хилму ҳаё бирла адабдур.
Зиҳи боғики Миллат боғи дерлар,
Хўтан мушки — қаро тупроғи дерлар.
Ичим қон ўлди даврон ғуссасинин,
Бу даврон ичра ҳижрон ғуссасинин.
Келибман бир димоғим чоғ этай деб,
Қўнгулни дарду ғамдин соғ этай деб.
Кўрибон ғунчадек мардумни хуррам,
Дилим чок айлади савсан каби ғам.
Алар чун айлагач сайру сафолар,
Эсимга тушди ёру ошнолар...

Истамбулда узоқ турмай Булғорияга, Юнонистонга, ниҳоят, Эгей, Ўртаер денгизлари орқали Ливаннинг Байрут шаҳрига, ундан Мисрнинг айрим шаҳарларига ўтади. Охири Жадда портидан Маккага жўнайди¹. Шоир келиб

бетлар). Қўринадики, ўрт. Т. Мирзаев Фурқатнинг Самарқандга келган йилини, на Ҳожин Абдулазизнинг сафарга чиққан йилларини нотўғри кўрсатади. Гарчи Фурқат билан Ҳофизнинг Самарқандда учрашганлари эҳтимолга яқин бўлса-да, бирга сафарга чиққанларини тасдиқлаб бўлмайди.

¹ Фурқатнинг узоқ сафар йўли қайси мамлакатлар, шаҳарлардан ўтганини шоир Мақсуд Шайхзода батафсил кўрсатган. Қаранг. «Фурқат ва Муқимий» (мақолалар тўплами), Тошкент, 1958, 25—27-бетлар.

кўрган ҳар бир шаҳар унинг тасаввурини гоят кенгайтиради, янги-янги ҳис-туйғулар ҳосил қилади. Томоша қилинган ҳар бир шаҳарнинг ўзида ёзилган шеърларда Фурқат ўша шаҳарларга, уларнинг кишилари ҳаётига муносабатни равшан ифодалайди. Унинг шеърларини ўқир эканмиз, ҳамма ўлкаларнинг меҳнаткаш халқига чуқур инсонпарварлик ҳисси, ҳурмат ҳисси билан ёндошган ва зулмни, адолатсизликни қоралайдиган прогрессив маданият арбобининг ёқимли сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади.

Масалан, Юнонистон ўз гўзаллиги, монументаллиги билан ҳайрат ва таажжубга сабаб бўлар экан, шоир ана шу фурсатнинг ўзидаёқ унинг таърифига қалам суради:

Эшитгил, саргузаштиким сафарда,
Кўриб хавфу хатарлар баҳру барда.
Кўрубон беадад шаҳру диёри,
Гузорим тушди Юнон мулки сори.
Ажаб бир шаҳр экан дилжўи дилкаш,
Мусаффо кўчаси чун сийми бегаш.
Иморатлар асоси санги мармар
Тиллакори ҳамма ойна манзар...

Шеърнинг давомнда автор Юнонистонда танишган кишилари, уларнинг саргузашти тўғрисида батафсил гапиради. Аммо шуни айтиш лозимки, ҳали адабиётшунослигимиз Фурқатнинг Булғориядаги, Мисрдаги, Ямадаги сафарига оид, у ерлардан олган таассуротлари ва ёзган асарларига оид батафсил бир фикр айтгани йўқ.

Ўртоқ Х. Расул Фурқатнинг саёҳат маршрутини, саёҳат йилларини кўрсатишда айрим нуқсонларга йўл қўйган. У кандидатлик иши асосида ёзилган китобида «Фурқат 1892 йилнинг баҳорида Арабистонга ўтиб, Макка, Жадда шаҳарларида бир оз вақт турди. Ислоҳ тақводорларининг саждагоҳи, шарият пешволарининг мақтанган ерлари Макка, Мадина Фурқатга ҳеч нарса

бермагандан кейин, у Ўрта Осиё билан қадимдан муносабатда бўлиб келган Ҳиндистонга — Хусрав Деҳлавий, Мирза Абдулқодир Бедил яшаб ижод этган мамлакатга сафар қилди. 1892 йилнинг кузида Деҳли, Бомбай шаҳарларига борди»¹ деса, шу ишнинг бошқа бир жойида: «Фурқат Ҳиндистонда 3 йил яшайди ва бу чоғларда Фарғонадан Ҳиндистонга бориб туриб қолган бир кишидан наботот илмини ўрганади. Кишиларнинг айтишича, Сабо деган шаҳарда ҳам бир йилча умр кечиради»,— деб ёзади².

Мавжуд фактларга кўра Фурқат Арабистондан тўғридан-тўғри Ҳиндистонга ва ундан Ҳўтанга ўтмайди, балки Жадда шаҳридан (Арабистондан) Бомбайга боради. Ундан Ҳиндистоннинг бошқа шаҳарларига ўтиб, яна Бомбайга келади, сўнг Қашмирга, Қашмирдан Қашқарга ўтади. Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, Фурқат, Х. Расул айтганидек, Ҳиндистонда 3 йилга яқин эмас — 3—4 ойгина бўлади, холос³. Фикримизни асослаш учун шоирнинг ўзидан эшитайлик: «Қамина Зокиржон Фурқат тарафидин кўп-кўп салом ва паёмлар етиб маълумингиз ўлсунким, ман муҳаррам ойида Жаддадин ҳаракат айлаб... Бомбайга келиб, ул вақтда... бир мактуб ёзиб эрдим. Ондин кейин Ҳиндистон музофотларига чиқиб, муддати 3—4 ой саёҳат айладим. Яна Бомбайга келиб бир ойдан кейин, рамазони шариф аввалида, Қашмир вилоятига азимат айладим. Онда 5—10 кун томоша қилиб, яна саломатдин хат берурман. Ондин Чин ҳудудида бормоқ хаёл қилурман...»⁴

Фурқатнинг Ҳиндистонда 3 йилдан ортиқ (Сабо

¹ Холид Расул. Зокиржон Фурқат ижоди. ЎзССР Фанлар академияси нашриёти, Тошкент, 1954 йил, 102 ва 106-бетлар.

² Ўша жойда.

³ Адабиётшунос С. Мирвалиев Фурқат Ҳиндистонда 3—4 ой эмас, балки 7 ойга яқин яшаган, дейди. Қаранг: «Зокиржон Фурқат» (Мақолалар тўплами), Тошкент, 1959 йил, 55-бет.

⁴ «Туркистон вилоятининг газети», 1893 йил, 20-сон

шаҳрида ҳам бир йилча туради, деган гаини ҳам ҳисобга олган ҳолда) турганига ишонтиришга уриниш ҳеч қандай заминга эга эмаслигини яна шоирнинг ўзи исбот қилади. 1894 йилда Ёркентдан ёзган хатида дейди: «...Муддати бир йил Ёрканд шаҳрида турадурман. Бу шаҳарнинг об-ҳавоси ва мардумлари яхшилигинин кетмакни ихтиёр қилмадим...»¹

Демак, шоир 1893 йилдаёқ Ёркентга келади. Агар у Деҳли, Бомбай, Сабо шаҳарларида 4 йилга яқин турган бўлса, Ёркентга 1893 йилда эмас 1897 йилда келган бўлар эди. Қисқаси, Фурқатнинг Тошкентдан чиқиб кетиб, кўп ўлкаларни айланиб охири Ёркентга келгунча ўтказган икки йилдан ортиқроқ сафар муддати Х. Расул томонидан 6—7 йилга чўзиб юборилган.

Адабиётшунослигимиз олдида Фурқат биографиясининг Ёркентдаги даврини ва у ердаги адабий фаолияти ўз характери эътибори билан бошқа даврлардаги фаолиятдан нима билан фарқ қилажагини, шунингдек шоир нима учун ватанига қайтиб кела олмаганини тўғри ҳал қилиш каби зарур масалалар турибди. Буниинг учун: шоир сафарга ўз ихтиёри билан чиқдими ёки уни сафарга отланишга мажбур қилган бошқа бир сабаб бўлганми?— деган саволни ечиш керак бўлади. Бор далилларининг баъзилари шоир ихтиёрни сафар қилмай чор чиновниклари таъқибидан қочишга мажбур бўлган, деган хулосани чиқаришга асос бўлса, баъзилари чор чиновникларининг рухсатисиз кетиши мумкин эмас эди,— деб ўйлашга мажбур қилади. Бу тўғрида шоир Ғафур Ғулом шундай ёзади:

«Фурқат ўз халқини севган, рус маданиятига бутун қалби билан берилган шоирдир. У рус маданиятини, яъни жаҳон маданиятини ўзинга ва ўз халқига сингдириш учун гайрат қилган катта ватанпарварларимиздан биридир...

¹ «Туркистон вилоятининг газети», 1894 йил, 7 сентябрь, 26-сон.

Бу прогрессив шахсни албатта Сайдазимбой ҳам, Шарифхўжа қози ҳам, генерал Афрелов ҳам, фон-Кауфман ҳам қабул қилмас эди. Фурқат Шарифхўжа қози тўғрисида:

Ҳангома талаб бўлсанг,
Маҳкамага йўрта кўр,
Тўрт эчкини бир лўли,
Афсун била ўйнатур,—

дейди. Сайдазимбой тўғрисида:

Сайдазимбойнинг лақаблари «сийгок»,
Ним сафид жогги тонгғугон энгёқ,— дейди.

Генерал Афрелов ва великий князь Романов тўғрисида айтган шеърларини бу ерга кўчирмаيمان.

Гиж-гижлатилган, ҳақорат этилган, беҳурмат қилинган, номи беадабга чиқариб қўйилган асабий ва ўжар шоир улардан кулади, уларга нафратлар ёғдиради.

Тарихдан шуниси аниқдирки Фурқат отилмоқлиги ёки қамалмоқлиги турган гап эди. Ўз мудҳиш тақдирини англаган шоир қочишга мажбур бўлди»¹.

Қелтирилган парчадаги мустаҳкам мантиққа эга бўлган муҳокамалар Фурқат ҳақиқатан ҳам қочиб кетган, деб ҳукм чиқаришга мажбур этади. Аммо шу вақтнинг ўзидаёқ, агар Тошкентдан жўнаб кетиш тўла маъноси билан «қочиш» бўлса, шоирнинг чет элдан юборган хатларини «Туркистон вилоятининг газети» мунтазам равишда босиб турармиди? Шу газетанинг редактори Н. Остроумов билан бўлган яқин муносабат иплари узилмасмиди?— деган савол туғилади. Дарҳақиқат, икки орада бошланган алоқа чет эл саёҳати йилларида ҳам

¹ Фафур Фулом. Унутилмас кишилар тўғрисида. «Қизил Ўзбекистон», 1948 йил, 9 июнь, № 114.

тўхтаб қолмади. Фурқат қайси шаҳарга бормасин, албатта у ердан Н. Остроумов номига хат ёзиб турди. Остроумов эса, ўз навбатида уларни газетада эълон қилиб борди. Шоир умрининг охиригача «Россия фуқаролиги учун берилган паспорти» билан яшайди. Донишманд Қашқардаги рус консулининг диққат марказида турди. Мисол учун юқорида келтирганимиз 1892 йил Ямандан, 1893 йил Қашмирдан, 1894 йил Ёрқентдан ёзилган ва газетада редакторнинг изохлари билан босилган хатларини эслатиш kifоядир.

Фурқатнинг хатларидан маълум бўлишича, у мутлақо чет элларда қолиб кетаман, деб ўйламаган. Ҳатто Қашқарга — Ёрқентга бориш олдида ҳам у ердан Тошкентга қайтажagini таъкидлайди.

Шоир 1893 йил 22 майда эълон қилинган хатида: «Бир-биримиз билан саломат кўришмоқни орзу қиладурман» — деса, ундан кейинроқ ёзган хатида: «Бу кунларда Қошғар вилоятига бормоқчи бўлдим ва онда бир неча фурсат туриб қолиб, ондин кейин, худо хоҳласа, Тошкент шаҳрига келтурман...»¹ дейди. Лекин орадан кўп ўтмай ҳозиргача маълум бўлмай қолаётган, кишини ғоятда таажжублантирадиган ўзгариш рўй беради. Фурқат 1894 йилдаги хатида, Ёрқентдан «Кетмакни ихтиёр қилмадим» деган ҳолда, гўё бу «сир»ни яна ўзи тушунтиргандек бўлиб, ёзади: «... Дигар булки, ҳурматли Қошғар консули бир кишининг менинг аҳволимни сўроғон экан... Агар муяссар бўлса, Қошғарга бориб, мулоқот бўлмоқни хоҳлайман!»².

Бизнингча, бу айтилганлар қаторига Ёрқентдан шоирнинг дўсти Тошболтуга ёзилган шеърини мактубдаги (ўртоқ Х. Расул томонидан «оилавий келишмовчиликлар» сифатида талқин этилган):

¹ «Туркистон вилоятининг газети», 1893 йил 13 ноябрь, № 45.

² «Туркистон вилоятининг газети», 1894 йил 7 сентябрь, № 26.

Борурмен гар қутулсам бу тилисим ҳайрат афзодин,
Етиб имдод ҳолимға жамий муддаолардин¹,—

сингари мисраларни қўшилса, шоирнинг йўлида жиддий ғов борлиги яққол сезилиб қолади. На унинг ёр-дўстлар олдида диёрнга қайтиш ҳақидаги эзгу хаёллари, на маслакдош биродарларнинг ватанга чақириб ёзган самимий мактублари бу ғовни ўртадан кўтариб ташлай олмайди.

Профессор И. Мўминов ҳақли равишда қайд этгандек², «Туркистон вилоятининг газети» ўзининг қарийб 15 йил давомида актив иштирок этиб келган автори Фурқатнинг Ёрқентдаги ҳаёти билан қизиқмай қўяди. Ижтимоий ҳаётда ҳеч қандай роли йўқ, мулкдорлар маддоҳи бўлган шоирларнинг ўлими ҳақида некрологлар бериб турадиган бу газетанинг Фурқат вафотини билмасликка уриб ўлкашнинг тагида ҳам катта сир борлиги аниқ.

Ўмрининг охириги йилларида бошига катта ҳижрон мусибати тушган, «ғуссау ранжу анолардан» қутулмаган, «Хўтан оҳуларидек онча саргардон» бўлган шоирнинг илмий биографиясини яратиш учун ана шу ҳамма чигал масалалар ҳал қилиниши керак.

III

Ўзбек классик адабиётининг сўнгги талантли вакиллари билан бўлган Фурқат, биринчидан, ўз даврининг ўғли сифатида ўша даврнинг барча кучли ва заиф томонларини ижодида акс эттирган бўлса, иккинчидан, у билан ҳамнафас бўлган замондошларнинг кўпидан илғорлаб

¹ Ф у р қ а т. Танланган асарлар. ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1951, 118-бет.

² И б р а г и м М ў м и н о в. Из истории общественно-философской мысли в Узбекистане конца XIX и начала XX вв., «Госиздат», ЎзССР, Ташкент, 1957 г., стр. 108—109.

кетиб, ўлмас, умумбашарий гояларни илгари сурди. Фурқатнинг ижод йўли қийин, зиддиятли йўлдир. У ҳозир биз танийдиган, умумхалқ ҳурмати ва муҳаббатига сазовор бўлган шахс даражасига кўтарилгунча узоқ тадрижий тақомилни бошидан кечиради. Унинг илгор ижтимоий, эстетик қарашлари ҳам бирданига шаклланмади, балки турли характердаги адашишлар, қарама-қаршилликлардан кейингина, етакчи тенденция ўлароқ қатъий галаба қилди. Фурқат дунёқарашидаги ва позициясидаги ана шу қарама-қаршилликларни ҳаққоний кўрсатиш ва у заиф томонларни енгиб ўтиб, юксакликка кўтарила олганини тўғри изоҳлаш шонини камситмайди, аксинча унинг қадру қимматини янада оширади.

Забардаст сўз санъаткорларининг ижодидаги кучсиз томонлар уларни ўз халқининг бадий даҳоси сифатида ерга ура олмаслигини В. И. Ленин гоят ишонарли ва ибратли қилиб кўрсатиб берган. В. И. Ленин, Л. Н. Толстой ижодини анализ қилар экан, ёзган эди: «Толстойнинг асарларида, қарашларида, таълимотида ва йўлидаги зиддиятлар ҳақиқатан ҳам мана мен деб турибди. Бир томондан, фақат рус ҳаётининг энг гўзал манзараларинингина эмас, ҳатто жаҳон адабиётининг биринчи даражадаги асарларини ҳам ярагган гениал санъаткор. Иккинчи томондан,— Исо тўғрисида дарвишлик қилувчи помещчик. Бир томондан, ижтимоий ёлгон ва сохтагарчиликка қарши ажойиб равишда кучли, эркин ва самимий порозилик билдириш,— иккинчи томондан «толстойчи»...

... Лекин Толстой дунёқарашидаги ва таълимотидаги зиддиятлар тасодифий эмас, балки XIX асрнинг сўнгги учинчи қисмида рус ҳаётидаги бир-биринга қарама-қарши шароитнинг ифодасидир»¹.

В. И. Лениннинг Ф. М. Достоевский ҳақидаги қарашлари ҳам алоҳида диққатга сазовордир. Ленин Инесса

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 15 т., ЎзССР Давлат нашриёти, Тошкент, 1952 йил, 209—210-бетлар.

Армандга ёзган бир хатида Достоевскийни «ҳаддан ташқари ёмон» (архискверный) деб атайди¹. Владимир Бонч-Бруевичнинг хотираларида айтилишча, Владимир Ильич Достоевскийни, унинг зарарли ижтимоий-фалсафий хулосалари учун «ҳаддан ташқари ёмон» дейиш билан бирга ўзига замондош жамиятнинг ночор, ярамас томонларини кўра билган ҳақиқий гениал ёзувчи деб баҳолаган².

Доҳийнинг методологик аҳамиятга эга бўлган бу фикрлари Фурқатдаги зиддиятларни қандай характерлаш кераклигини жуда яхши белгилаб беради.

Толстой дунёқараши ва ижодидаги зиддиятларда XIX асрнинг охирларида рус ҳаётида мавжуд бўлган қарама-қаршиликлар ўз ифодасини топганидек, Фурқатнинг дунёқараши ва поэзиясида ҳам XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошидаги ўзбек ҳаётида мана мен деб турган қарама-қаршиликлар акс этмай қолмади. Маълумки, феодал-клерикал поэзиянинг намоёндалари Туркистоннинг Россия составига қўшилишнинг реакцион ислом идеологияси нуқтаи назаридан тушунтиришга уриниб, рўй берган тарихий объектив воқеаларни «худо юборган жазо», «исломнинг оёқ ости бўлиши», «охир замон аломатлари», деб айюҳаннос кўтара бошладилар. Ҳазиний, Муҳйи, Маҳдий, Рожийлар бир овоздан такрорлаган «ё ҳаётанабий», «ё раб», «ҳажнома» типдаги пессимизм уруғларини сочувчи «шеърлар» баёзларни тўлдириб юборди. Ана шу муҳитда яшаётган, амалда прогрессив — демократик адабиётнинг илғор вакилларида бўлган Фурқат клерикал адабиёт таъсиридан бутунлай четда туролмади. Шунинг учун унинг асарлари орасида, гўё гулзорда ўсган чақиртиканақлар каби, Фур-

¹ В. И. Л е н и н. Асарлар, 35 т., ЎзССР Давлат нашриёти, Тошкент, 1953 йил, 156-бет.

² В. л. Б о н ч - Б р у е в и ч. Ленин о книгах и писателях (из воспоминаний), «Литературная газета», 21 апреля 1955 г., № 48.

қат учун характерли бўлмаган, ёт илоҳий мотивлар учраб қолади. Яна шу нарсага эътибор қилиш керакки, шоир ҳали рус халқи, фани, техникаси тўғрисида объектив маълумотларга эга бўлмай, реакцион руҳонийлар гапига ишониб юрган даврларида ҳатто руслардан четроқда бўлишга уринган. Мана, унинг ўзи нима дейди: «Менинг бир тоғам ул мавзуға (Янги Марғилонга — М. Ю.) бориб дўкондор бўлиб тургон эрди. Мени ўз ҳузурига талаб қилди. Мен Россия халқидин иҳтироз айлаб, бормоқни иҳтиёр қилмадим. Чунки ул вақтларда Россия халқидин бир одамни бозорда кўрсам, қочиб йироқдин ўтиб кетар эрдим...»¹. Маълумки, кейинчалик руслар қандай кишилар эканини тўғри англаб, уларга хайрихоҳлик билан қарайди ва улардаги ҳамма фойдали нарсаларни ўрганишга интилади.

Аммо Фурқатнинг Тошкентда ўтказган йиллари, яратган асарлари ва рус ҳаётинга бўлган муносабати тўғрисида гапирганда шоир Тошкентга келиши биланоқ бу ерда икки хил Россия борлигини билиб олиб, ўз позициясини шунга қараб белгилайди, деб ўйлаш ҳам тўғри эмас. Фурқат фон-Кауфман, Абрамов, Афрелов, Вревский, Остроумовлардан иборат колонизаторлар Россияси бошқа-ю, Суворов, Пушкин номлари билан характерланадиган илғор фан ва техника ўлкаси бўлган Россия бошқа эканини дастлабки вақтларда ажратиб ололмади.

У Тошкентга келиши билан атрофини Н. Остроумов бошлиқ «Туркистон вилоятининг газети» ходимлари ўраб оладилар. Унга алоҳида иззат-ҳурмат кўрсатадилар ва унинг обрўси, қаламидан пропаганда мақсадларида мумкин қадар кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Генерал-губернатор шоирни икки марта уйига меҳмонга чақиради, тез-тез учрашиб туради. Бир сўз билан айтганда, чор амалдорлари ўзларининг сиёсатларини халқ манфаатига «жавоб берадиган» сиёсат қилиб тасвирлаш-

¹ «Туркистон вилоятининг газети», 1891 йил, 15-сон.

га, унга шоирни ишонтиришга интиладилар. Шу пропаганданинг таъсири бўлса керак, Фурқат янги келган кезларида генерал-губернатор ҳақида:

Ўрусия шаҳининг хайрихоҳи —

Генерал — ул адолат дастгоҳи¹, —

деб ёзади. Тошкентга Россия молия министрининг келиши муносабати билан ёзилган маснавийсида² «элнинг касбу корини кўриш» учун келган «вазири молия соҳиби тасарруф» тўғрисида хайрихоҳлик билан сўзлайди ва министрининг «яхши ният билан» келганига ишонади. Бир оз кейинроқ ёзилган бир «Қасида»сида Ўрта Осиё ерлари рус давлати составига қўшилгандан кейин хонликлар давридаги вайронлик келтирувчи бемаъни феодал ур-йиқитларига хотима берилиб, халқ офатлардан қутулганини мамнуният билан ҳикоя қилади. Лекин чор самодержавиеси меҳнаткаш халқ манфаатига мутлақо жавоб беролмайдиган зулм уяси бўлган ҳокимият эканини тушуниб етмайди, подшо адолат ўрнатди, дейди³.

Биз бу фикрларни келтириш билан Фурқат онгли равишда подшони мақтади ва ҳимоя қилди, демоқчи эмасмиз. Лекин аynи замонда, унинг дунёқарашида чор ҳукумати ва генерал-губернаторнинг «адолатига» ишониш секин-аста йўқолиб, оқибатда уларни маҳаллий чиновниклар ва бойларга қўшиб фош этиш даражасигача бўлган фикрий ривожланиш юз берганини алоҳида таъ-

¹ Ф у р қ а т. «1889 йил 3 июнда Тошкент шаҳрининг гимназиясида бўлган акт мажлиси хусусида бир неча толибул илмлар билан кириб томоша қилгон жиҳатдан фақир Зокиржон Фурқат бирмунча сўз маснавий бирла адо қилдим», «Туркистон вилоятининг газети», 1890 йил 2 июль, № 26.

² Ф у р қ а т. Жаноб министр хусусида «Туркистон вилоятининг газети», 1890 йил 18 октябрь, 41-сон.

³ Ф у р қ а т. Қасида. «Туркистон вилоятининг газети», 1903 йил 9 июнь, № 22.

қид этмасликни ҳам истамаймиз. Фурқатнинг тарих олдидagi хизмати ҳам шундай адашишлардан кейин фақат талантli рус халқи яратган илғор маданият изидан бориш бирдан-бир тўғри йўл эканини пайқаб олишида, феодал қолоқлигидан шу йўлгина қутқаражagini, рус халқи билан дўстлик, ҳамкорликда яшаш истиқболга олиб боражagini онгли равишда тарғиб қилганидадир.

Шоир Туркистон ерларининг рус давлати составига қўшилиши фактини ҳам тўғри тушуна олмайди. Уни идеалистик равишда изоҳлаб: «биз халққа Русия халқи билан бир ерда турмоқ ҳақ таоло иродаси бирлан бўлди»,— дейди. Бироқ бу «ҳақ тасло иродаси»га Ҳазиний, Мискин, Рожий сингари мистик нуқтаи назардан ёндошмай «ўз нафъимиз учун Русия халқи умрига мулоҳаза қилсак керак»,— деб қарайди. Демак, асосий гап руслар билан бирга яшаш сабабларини идеалистик тушунтириш эмас, балки рўй берган фактнинг оқибатини тўғри англаб, рус халқига нисбатан хайрихоҳлик руҳини уйғотишдадир.

Фурқат дунёқарашидаги чекланганлик бизнингча яна рус фани ва техникаси янгиликларининг турмушдаги қимматини савдо-сотиқ, бозор муносабатлари билан бир томонлама баҳолашда кўринди. Шоир рус капиталистларининг, фабрикантларининг ролини идеаллаштиради. Тўғри, илгариги жуда қолоқ қустарчилик саноати ўрнида йирик завод-фабрикаларнинг майдонга келиши ва бу корхоналарда рус ва маҳаллий ишчиларнинг бирга ишлаши миллий озодлик гоёларининг ривожланишида, кейинчалик умумий душман — чоризмга қарши революцион курашларни авж олдириб юборишда жуда катта ижобий роль ўйнади. Аммо бу масаланинг бир томони.

Иккинчи томондан, капиталистик муносабатларнинг Ўзбекистонга кириб келиши, рус фабрикантлари ва савдо буржуазиясининг барча мавқеларни эгаллаши эксплуатациянинг ҳаддан ташқари кучайишига, судхўрликнинг

ўсинишга, аҳолининг эса кундан-кунга қашшоқланишига олиб келди. Бу аҳвол Муқимийнинг «Вексель», «Заводчи бой таърифида», «Чойфуруш» шеърларида зўр ҳаққоният билан кўрсатиб борилди. Муқимий рус ва маҳаллий савдогарларнинг, фабрикантларнинг йиртқич башараларини очиб ташлаб, бозордаги пул-товар муносабатларидаги мунофиқликларга нафрат билдирди.

Капиталистлик муносабатларга, бозорга ана шундай танқидий қараш Фурқатда аввал етишмади. У ўзининг «Телеграф баёнотида» шеърида телеграф давлатнинг ички ва ташқи ҳаётида катта аҳамиятга эга эканини сўзлагандан кейин, телеграфнинг ролини кўпроқ савдо-сотиқ ишларида кўради:

Масалким, Тошканддин олсалар мол
Билиш лозимки, Маскавда на минвол,
Юбориб ё бориб беҳбуд топса,
Бу савдосида яъни суд топса,
Бўлурлар телгром ила хабардор,
Билурлар нафъи ёинки зарар бор.¹

Чет эл шарқи бўйлаб саёҳат даврида ҳам унинг диққатини, албатта, аввало бозорлар, дўконлар ўзига тортади. Гўё шоир ҳар бир шаҳар халқининг турмуш даражасини бозорга қараб ўлчаётганга ўхшайди.

Бомбайдан ёзган хатида:

Ер юзида кўрмадим Бўмбай каби шаҳри азим,
Гарчи кездим Миср ила Истамбулу Булғорлар.
Расталардур беадад, ҳар растада минг-минг дўкон,
Олди-сотди хўб бажо, равнақдадур бозорлар²,—

¹ Ф у р қ а т. Танланган асарлар, ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1951 йил, 28-бет (бу шеър сўнгги вақтда «Илм хосияти» номи билан берилаётир).

² «Фурқат шеърлари», Нафис адабиёт Давлат нашриёти, Тошкент, 1940, 60-бет.

деса, Юнонистондан туриб:

Тамомий мунтазам сангин дўконлар,
Очиб таҳсинига тил осмонлар...
...Тамошолар қилиб бозор гоҳи,
Тафарруж айлабон кўҳсор гоҳи¹,—

деб ёзади. Орадан маълум вақт ўтгач, яна шу темага қайтиб, Туркистонда «тижорат ишлари бар авж» бўлиб кетганини, шу туфайли маъмурчилик бошланиб, «кўп кишилар манфаат олганини» айтиб давом қилади: «Қуисслар юртимизда неча ерда фабрикони этти»².

Савдо муносабатлари Туркистонда ҳам, чет элларда ҳам доимо шоирнинг диққат марказида туришининг сабаби, бизнингча, бу муҳит ва олди-сотди алоқалари ёшликдан унга таниш ва яқин соҳа ҳисобланганидан бўлса керак. Шунинг учун пул-товар муносабатларидаги мунофиқлик ва судхўрликни тезда пайқаб ололмайди.

Фурқатнинг дунёқарашидаги тарихий чегараланганликнинг сабабларини шу даврдаги яққол кўриниб турган зиддиятлардан излаш керак. Кечагина ўрта аср феодал хурофотини, ўтакетган қолоқликни кўрган шоир рус фани, техникаси янгиликларидан ғоят қаттиқ ҳаяжонга келган эди. Бу янгиликларни кўриб ақли шошган, кўзи қамашган шоир, шубҳасиз, рус чоризмининг Ўрта Осиёдаги сиёсати реакцион ва колонизаторлик характерига эга эканини пайқаб ололмаган эди... уларни ҳеч қандай танқидсиз қабул қилди³.

Фурқат тўғрисидаги адабиётларда биз яна бир ҳақиқатга тўғри келмаган, аммо системали равишда такрор-

¹ «Фурқат шеърлари», Нафис адабиёт Давлат нашриёти, Тошкент, 1940 йил, 63-бет.

² Туркистон вилоятининг газети», 1903 йил, 9 июнь, № 22.

³ Проф. З Р а д ж а б о в. Из истории общественно-политической мысли таджикского народа во второй половине XIX и начала XX вв. Таджикосиздат, Сталинабад, 1957 г., стр. 330—331 и 333.

ланадиган фикрга дуч келамиз: кўпчилик адабиётшунослар ва тарихчилар Фурқатни рус тилини мукаммал билган киши сифатида характерлайдилар. Бундай фикр Ўзбекистон ва Тожикистонда чиққан китоблардагина ўтказилиб қолмай, Иттифоқ миқёсидаги асарларда ҳам такрорланиб туради.

Масалан, 1947 йилда Л. И. Климович: «Фурқат рус тилини тўла эгаллаган ва оригиналда Пушкин, Лермонтов асарларини ўқиган биринчи ўзбек шоирларидандир», деб ёзса¹, 1954 йилга келиб, СССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси М. В. Нечкина таҳрири остида чиққан СССР тарихи китобида «Ўзбек шоири Фурқат рус тилини яхши эгаллаган ҳолда улуг рус шоирлари Пушкин, Некрасов, Лермонтов асарларидан илҳомланди. Ўзининг чор амалдорларига ва уларнинг ҳомийлиги остидаги Қўқон хони Худоёрхонга қарши қаратилган фош қилувчи демократик асарларида Фурқат Некрасовнинг революцион-сатирик асарларига эргашди»,— дейлади².

Худди шу гаплар юқорида номлари тилга олинган маҳаллий авторларнинг биз кўрсатиб ўтган китобларида ҳам айтилгани таажжубланарлидир.

Хўш, бу масала юзасидан ҳақиқатга яқинроқ хулоса чиқаришга шоирнинг ўзида бирор далил борми? Ҳа, бор. Фурқат ҳали чет эл сафарига кетмасдан, гимназияни Остроумов билан айланиб юрганларида Остроумов А. С. Пушкин ва унинг асарлари ҳақида гапириб беради. Пушкиннинг айрим асарлари мазмуни билан қисқача таништиради. Шу воқеани тасвирлаб, Фурқат ёзади:

Бу сўз гимназия ичра ўшал Пушкин китобидин
Ўқубон, Остроумов тўра бизга таржимон этди.³

¹ Хрестоматия по литературе народов СССР. Составил Л. И. Климович, Москва, 1947 г., стр. 442.

² История СССР, т. II, Госполитиздат, Москва, 1954 г., стр. 559.

³ «Туркистон вилоятининг газети», 1903 йил, 9 июль, № 22.

Келтирилган парча кўрсатиб турибдики, шоирнинг ўзи ўқиб тушунган эмас, балки унга таржима қилиб берганлар. Фурқатнинг Истамбулдан ёзган бир мактуби бу тўғридаги мулоҳазаларни янада ойдинлаштиради: «Вақтики, мен Тошканд шаҳрида эрконимда, агарчандики, Русия халқининг гимназия деган катта мадрасасига бориб-келиб юрсам ҳам Русия хатини ва лисонини парво қилиб яхши ўрганмадим. Русияли ошноларим мани Русия хаги ва лисонини батакмил билмоғимни хоҳлаб, таклиф қилур эрди ва ман масоҳал айлаб тараддуд қилмас эрдим. Кейин... Мен русия хати ва лисонини батакмил билмаганимга кўн афсуслар қилдим. Русия лисони мамлакатдаги илмдор ва тужжорларга нақадар лозим бўлса, сафар ва саёҳатга чиққон кишига юз онча лозим экон»¹. Демак, шоир рус тилини эгаллаб улгурмаган ва рус тилидаги асарларни бемалол ўқий олмаган. Унинг бу соҳадаги билими «конвертларга хат ёзиш, телеграм лозим бўлса ёзиб жўнатишдан» нарига ўтмасди. Аммо уни яхши билиш орзуси кундан-кунга ўсган. Зотан рус тилига бўлган қизиқиш XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида яшаб ижод этган прогрессив адабиёт аҳллари учун характерли кайфият эди. Фурқат рус фани ва техникаси билан қизиққан вақтида рус тилини ўрганишга ҳаракат қилади, у жонли тилда, кундалик муомалаларда тез-тез ишлатилиб турадиган рус сўзларини ўрганади, бироқ бу тилни Пушкин, Лермонтов, Некрасов асарларини оригиналдан таржима қила олиш даражасида билмасди, деган хулосани чиқаришга асос бўлади.

Айрим адабиётшунослар бу хулосага қўшилишни истамасликлари ва «айрим адабиётларда Фурқат Пушкин эртақларини, Кротов масалларини таржима қилган, деган гаплар бор-ку»,— дейишлари ҳам мумкин. Шундай фикрни тасдиқловчи бирор жиддий манба ҳозирча қўлимизда йўқ, фақат нақл ва тахминларгина бор. Агар Фур-

¹ «Туркистон вилоятининг газети», 1892 йил, 4 апрель, № 13.

қатга нисбат берилган таржималар ҳақиқатан ҳам Фурқат томонидан қилинган бўлса, шоир уларни оригиналдан эмас, балки мазмунини эшитиб олиб кейин таржима қилган дейиш тўғрироқ бўлади. Фурқатга рус тилини яхши билиш даражасини зўрма-зўраки ёпиштириш шарт эмас, бусиз ҳам у оташин маърифатпарвар ва халқлар бирдамлигининг толмас куйчиси сифатида улуғ шоир бўлиб қолаверади.

IV

Фурқатшунослик хусусида гапирганда шоирнинг турли-туман қўлёзма ва тошбосма манбаларда, шунингдек алоҳида шахслар қўлида тарқоқ ҳолда бизгача етиб келган адабий меросини қунт билан излаш, тўплаш ва илмий-танқидий текстини тайёрлаш каби энг муҳим соҳани ҳам тилга олмай ўтиш мумкин эмас. Афсуски, Фурқат асарларининг илмий жиҳатдан талабга жавоб берадиган қатъий нусхалари ҳанузгача аниқланмаган. Китобхоналарга тақдим қилинган тўпламлардаги шеърларда кучли анархия ҳукмрондир. У шеърларни биринчи манбаларга солиштириб кўриш, Фурқат баъзан таниб бўлмайдиган даражага олиб бориб қўйилганидан гувоҳлик беради. Шеърларни хато ўқиб, хато кўчиришда ҳам, шоирга алоқаси бўлмаган бегона асарларни унинг китобларига шошма-шошарлик билан киритиб юборишда ҳам¹, кўп мисраларни асоссиз тушириб қолдиришда ҳам, вазнларни бузишда ҳам тўпламларни тузувчининг масъулиятсизлиги яққол кўзга ташланиб туради².

Бу хатолар аввало араб ёзувидаги шеърларни ҳозирги графикага кўчириш жараёнидаги эътиборсизликдан

¹ А. Ҳайитметов. Бегона сатрлар. «Қизил Ўзбекистон», 1958 йил, 26 апрель, № 98.

² Биз ўртоқ Ш. Ғуломовнинг «Фурқат асарларининг нашрига жиддий эътибор берилсин» («Қизил Ўзбекистон», 1957 йил, 18 сентябрь, № 222) мақоласидаги фикрларни тўла қувватлаган ҳолда яна бошқа бир қанча характерли мисоллар келтирамиз.

бўлса, ундан кейин вазни ҳисобга олмасликдан келиб чиққан. «Телеграф баёнотида» ва «Суворов» аруз вазнининг «Ҳазажи мусаддаси маҳзуф» баҳрида ёзилган бўлиб, қулоқ оҳанги — руқнлари: «Мафоилун, мафоилун, фаулун»дир. Бу руқнлардан дастлабки иккитаси сифат жиҳатидан бир хил бўлган 4 ҳижоли руқнлардир. Яъни: аввал бир қисқа, сўнг кетма-кет уч чўзиқ ҳижолардан ташкил топгандир. Охирги руқн эса аввал бир қисқа, сўнг кетма-кет икки чўзиқ ҳижолардан иборатдир. Ҳижоларнинг ана шу тартиби ва сифати шеърларнинг бошидан охиригача автор томонидан қатъий сақланади. Аммо ҳозирги графикага кўчирилган вақтда автор мисраларига киритилган ўзгаришлар вазнининг оҳангидаги раволикни бузиб, ўқувчини қоқилтирганидек, руқнларнинг сифати ҳам бузилади. Агар шоирнинг «Бу хат мазмунидан чун бўлди огоҳ» мисраи оҳангида ҳам, руқнлар сифатидаги бир хилликда ҳам ҳеч қандай эътирозга сабаб бўлмаса, ҳозирги графикадаги: «Бу мактуб мазмунидан бўлгоч огоҳ» мисраида сакталик пайдо бўлади. Иккинчи руқн бир қисқа ва уч чўзиқ ҳижоли бўлиш ўрнига, икки қисқа, икки чўзиқ ҳижоли бўлиб қолади.

Фурқат асарларининг 1959 йилгача бўлган нашрларида бир қанча маснавийлар ва ғазаллар жиддий хатолар, ўринсиз қисқартиш ҳамда «таҳрир»лар билан чиқар эди. У хатолар ушбу сатрлар автор томонидан ўз вақтида кўрсатиб ўтилган. Ўртоқ Х. Расул 1959 йили чоп этган икки томлик «Танланган асарлар»да хатоларнинг кўпи тўзатилди.

Фурқат шеърларидаги мисралар, байтлар сони ҳам ҳар қайси тўпламда ҳар турли. Аслида 91 байтдан иборат бўлган «Суворов» — 80 байтга (икки томликда эса 86 байтга); 27 байтдан иборат «Гимназия» — 25 байтга (икки томликда эса 26 байтга) келтирилади. Аслида 46 байтли «Акт мажлиси хусусида» 38 байт; 53 байтли «Тошканд шаҳрида бўлгон нагма базми хусусида» 49 байт бўлиб қолади ва бошқалар.

«Баҳор айёмпада» деб бошланадиган ғазал 1940 йилда чиққан шеърлар тўпламида 8 байт, Академия нашридаги тўпلامда 7 байт ва мактаб сериясидаги тўпلامда 6 байт, нихоят, икки томликда 9 байтдир. Текстологик чигалликлар фақат Х. Расулдагина учрамай бошқа авторларда ҳам кўзга ташланади. Проф. З. Ражабов ўзининг биз эслатиб ўтган китобида «Суворов» поэмасидаги қатор мисраларни жуда қўпол равишда бузиб кўчирган. Натижада: «Суворовга бу иш манзур бўлмай»,—«Суворовга бу иш манфур бўлғай» (326-бет) қилиб, «Низоми тозадин масрур бўлмай»—«Низоми тозадин масрур бўлғай» қилиб (327-бет) «Юрар эрди бўлуб бир расми одам»—«Юрар эрди бўлиб бу расми одам» тарзида (327-бет) берилган. Бунга ўхшаш мисоллар сонини кўпайтириш мумкин. Аммо келтирилганларнинг ўзиёқ Фурқат адабий меросини тўғри ўрганиш ва шоирнинг ўз қаламига мансуб бўлган асарларни нашр этиш иши яхшиланиши керак эканига далил бўла олади, деб ўйлаймиз.

Классик поэзиямизнинг талантили вакили Фурқат ҳаётини ўрганиш ва асарларини тўплаш юзасидан анчагина ишлар қилинган бўлса-да, унинг поэтик маҳоратига доир энг муҳим масала ҳамон текширилмай қолаётир. Фурқат поэзиясининг гоаявий-тематик хусусиятини бадий формаси билан органик бирликда текширишга бағишланган махсус асар яратилмади.

Фурқат ижодини узоқ йиллар текширган ўр. Х. Расул ҳам асосий кучини шоирнинг ижтимоий қиёфасини, маърифатпарварлик фаолиятини очиб беришга сафарбар қилгани ҳолда, санъаткор сифатида ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрнини етарли кўрсатмаган. Ўртоқ Х. Расул ўз асарининг салмоқли қисмини бадий формани анализ қилишга бағишлаш ўрнига фақат 17 бет ажратган, холос. Аммо бу боб заифроқ ишланган. Х. Расул баён қилган «Унинг ижодида бадийликнинг асосий элементлари, яъни воқеликни образли акс эттириш — тасвирлашнинг ҳаётийлиги, типиклиги, бадий тафаккур

элементларидан иборатдир»¹, «Асар гоёвий жиҳатдан юксак бўлиши билан бирга, унда сўзларнинг ўз ўрнида ишлатилиши, жумла қурилиши нақадар яхши бўлса, у асар ўқувчига шу қадар тез ва ижобий таъсир қиладиган»². «Шоир бир нарсани шу нарса билан қаттиқ боғлаган бошқа бир нарса орқали ифода қилиб, метонимиялар яратади»³ — каби саёз мулоҳазалар Фурқатдек моҳир санъаткор шаънига ярашмайди. Агар Фурқат ҳар бир оддий саводхон киши учун зарурий шарт бўлган «сўзларнинг ўз ўрнида ишлатилиши, жойлаштирилишини» билмаса, шоир бўлармиди?! Сўз санъаткори учун сўзларни ўз ўрнида ишлатилиши, жойлаштирилишини бадий маҳорат даражасидаги хизмат, деб қараш соддаликдир.

Ўртоқ Х. Расул Фурқат поэзиясининг гоёвий-тематик томонини, яъни мазмунини унинг формасидан ажратиб изоҳлашга интилади. Бадий форма ўхшатиш, метонимия, метафора сингари алоҳида элементлардан иборат деб тушунади. Форма тушунчаси асарнинг гоёвий мазмуни, сюжети, композицияси, стили, бадий ифода воситалари билан, шунингдек типиклаштириш, индивидуаллаштириш, бадий тўқнма сингари бадий форма компонентлари билан диалектик алоқада бўлган ягона тушунча эканини эсдан чиқаради. Ана шу элементларнинг ҳар бири алоҳида олинганда мустақил аҳамиятга эга бўлолмаслигини ҳисобга олмайди. Шунинг учун форманинг алоҳида компонентларини олиб: «Фурқат шеърларида мураккаб метафора, ўхшатишлар ва муболағалар жуда кўп»⁴. «Фурқатнинг тубандаги мисраларида ҳам мураккаб контрастлар билан бирга метафора ва ўхшатишлар

¹ Холид Расул. «Зокиржон Фурқат ижоди», ЎзФА нашри, 1954, 84—85-бетлар.

² Холид Расул. «Зокиржон Фурқат ижоди», ЎзФА нашри, 1954, 85-бет.

³ Ўша жой, 89-бет.

⁴ Ўша жой, 88-бет.

жозибали қилиб ифодаланади»¹ тарзидаги фикрлар баён қилинади.

Маълумки, бадний форманинг анализи шоирнинг асарида қандай тасвирий воситалар борлигини санаб чиқиш, уларни таърифлашдан иборат бўлмай, балки шоир ўша воситалардан қандай фойдаланганини, уларга қандай поэтик вазифалар юкланганини ёрқин кўрсатиб беришдан иборатдир. Шоир асарда нима учун худди ана шу бадний ифода воситасига мурожаат қилганлигининг ички мантиқини аниқламай туриб, анализ қилинаётган асарнинг ўзига хос бадний формасини чуқур идрок этиш мумкин эмаслигини эсдан чиқариш ярамайди.

Лирик асарларнинг анализда интонация, ритм, қофия системаси, вазн каби бадний формага бевосита тааллуқли бўлган соҳаларни ҳам унутиб бўлмайди. Уртоқ Х. Расул айтгандек «аруз вазнидан усталик билан фойдаланади», «Ўз шеърларида қофияга катта эътибор беради» шаклидаги декларатив гапларнинг бадний анализга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Демак, адабиётшунослигимиз олдида Фурқатнинг поэтик маҳорати ҳозирги замон совет эстетикаси талабларига жавоб берадиган қилиб, юқори илмий-назарий савия билан очиб бериш вазифаси турибди. Бу вазифа традиция ва новаторликни, Фурқат лирик қаҳрамонининг ўз замондошлари лирик қаҳрамонидан фарқ қиладиган индивидуал хусусиятларини Фурқат бадний стилининг ўзига хослигини кўрсатишни ва бошқа шунга ўхшаш актуал масалаларни ўз ичига олади.

Устозлар традициясини юксак поэтик савияда давом эттириб, ўзбек классик поэзиясини янги тематика ва янги образлар билан бойитган новатор шоир Фурқат ижоди бадний маҳоратни ўрганиш ва анализ қилишнинг кенг майдонидир.

1960 йил.

¹ Х о л и д Р а с у л. «Зокиржон Фурқат ижоди», ЎзФА нашри, 1954, 89-бет.

Комил

(Шоир туғилганига 150 йил тўлиши олдидан)

XIX асрнинг биринчи чорагида дунёга келган ва ижодий фаолияти шу асрнинг иккинчи ярмида камол топган Комил Хоразмий муҳим тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлди. Ўрта Осиё тупроғида мавжуд бўлган мустабид ва тарқоқ феодал давлатлари (ўзаро тахт талашув урушларини мустасно қилганда) кўпдан бери ўз қобиғига ўралиб, цивилизация дунёсидан ажралган ҳолда ҳаёт кечира эди. Бироқ, бундан Ўрта Осиё учун Россия дарвозалари берк эди,— деган хулоса келиб чиқмайди. Агар маҳаллий феодал давлатлари ижтимоий, маданий алоқалар ўрнатишни ва мунтазам равишда муносабатда бўлишини истасалар, бу қийин эмас эди.

Рус тарихчиси С. В. Жуковскийнинг 1915 йили Петербургда нашр этилган «Сўнгги уч юз йил мобайнида Россиянинг Бухоро ва Хива билан муносабатлари» китобида айтилишича, Жайхун дарёси соҳилларидан Россияга VIII асрлардаёқ йўл очилган. Олтин Ўрда қулаб, Қозон билан Астрахань хонликлари руслар томонидан элингач, Хива ҳам Бухоро томонлардан Россияга элчилар келиб, дипломатик ва савдо алоқалари ўрнатишга интиладилар. Шу муносабат билан 1563—1564 йил орасида Хива ҳукмдори Ҳожи Муҳаммад Москвага, подшоҳ Иоангга совғалар юбориб, ундан фақат Қозон ва Астрахань билангина эмас, Россиянинг бошқа шаҳарлари билан савдо қилишга рухсат беришни сўрайди. 1616 йили Араб Муҳаммадхоннинг элчиси Хўжа Юсуф Москвага

ёрлиқ олиб келади. Хоразм элчилари Асфандиёр (1623—1636) ва Элбарсхонлар даврида ҳам Россияга бориб турдилар. Пётр I подшоҳлик қилган йилларда Хива хони Шоҳ Ниёзнинг элчиси яна ёрлиқ билан келиб, савдо ва дипломатик алоқаларни тиклашни илтимос қилади ва бошқалар.

XIX асрдан бошлаб Рус подшолари Хива, Бухорони, яқиндан ўрганишга қарор қилиб, Бекович-Черкасский, Муравьев, Никифоров, Дашилевский ва Игнатьев каби ҳарбий амалдорлар бошчилигида турли вақтларда экспедициялар уюштирдилар¹. Улар Хива хонлигининг ижтимоий тартиби, иқтисодий аҳволи ва ҳарбий салоҳиятини ўрганиш билан чегараландилар. Бу босқичда икки ўртадаги маданий алоқалар тўғрисида гапиришга ҳали вақт эрта эди.

Ўрта Осиёнинг Бухоро, Самарқанд, Хива, Фарғона, Шош сингари қадимдан маданий марказ ҳисобланган шаҳарлари башарият дунёсига илмнинг турли соҳаларини бойитишга хизмат қилган жуда кўп адабий ёдгорликлар бергани Европа мамлакатларида ҳам маълум эди. Бинобарин, XIX асрнинг ўрталарига келиб қўлёзма ёдгорликларини излаб топишга қизиқиш кучаяди. Ўрта Осиё ўлкалари ўз тарихий ҳаёти, тили, эътиқоди ва турмуш тарзи ўхшаш бўлган Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан жонли алоқада бўлиб келганликларини назарда тутиб, номи айрим каталогларда тилга олиниб келинган асарларни шу ердан топишга умид боғлайдилар. Масалан, инглиз шарқшуносп А. Бернс XIX асрнинг 30-йилларида сиёсий мақсадларда икки марта Бухорога келиб, қўлёзма излаган бўлса, венгер шарқшуноси Г. Вамберн «дарвеш Рашид» қиёфасига кириб, ўтган асрнинг

¹ Бу ҳақда муфассалроқ маълумот олинган учун қаранг: «Хронологическая справка по истории завоевания Средней Азии», г. Ташкент, 1900 год.

60- йилларида Ўрта Осиё бўйлаб қилган сафари вақтида қўлёзма қидиради.

Тез орада бу соҳадаги ташаббусни рус шарқшунослари ўз қўлларига оладилар. Машҳур рус ориенталисти Френ топилиши лозим бўлган 100 та қўлёзманинг хронологик рўйхатини тузади. Шу асосда қатор тадбирлар амалга оширилиб, кўпгина қимматли қўлёзмаларни йиғиб оладилар. «Оренбург линияси» деб номланган ҳаракатдаги экспедиция составида билимдон шарқшуносларнинг ишлаши маданий алоқаларнинг бошланиб кетишига сабаб бўлди. Бухоро, Хива, Тошкент атрофларидан Оренбург, Ирбит ярмаркаларига борадиган савдо карвонлари ўзларининг пахта, ипак, тери сингари молларидан ташқарн қўлёзмалар ҳам олиб бориб сотишга ўрганадилар¹.

Маданий алоқанинг бу шакли бир томонлама характерга эга бўлиб, рус турколог ва шарқшунослари Ўрта Осиё фанн ва адабиёти хусусида бой маълумотга эга бўлганлари ҳолда, Ўрта Осиё ҳали рус маданияти ҳақида дурустроқ маълумотга эга эмасди. Фақат Ўрта Осиё ерларининг Россияга қўшиб олинishi, Туркистонга руслар келиб, маҳаллий халқ билан юзма-юз учрашувдан кейинггина европача цивилизация тўғрисида тўла тасаввур пайдо бўлади. Маҳаллий зиёлиларнинг илғор қисми рус маданияти ва адабиётидан таъсирланиб, ундан ўзларига ижобий хулосалар чиқарадилар. Аҳмад Дониш, Муқимий, Фурқат, Қомил ана шулар жумласидандир.

Ўрин келганда айтиш жоиздирки, Аҳмад Дониш номлари тилга олинган илғор шахслар даврасида рус ҳаёти ва маданияти билан бошқалардан аввал танишган. У биринчи марта амир Насруллонинг Петербургга 1857 йили юборган элчилари қаторида котиб сифатида бориб,

¹ Хиванинг Россия шаҳарлари билан ташқи савдоси тўғрисида тўлароқ тасаввур ҳосил қилиш учун қаранг: «Наши соседи в Средней Азии», С. Петербург, 1873, часть I.

шаҳарнинг осори атиқалари, саройлари, равон кўчаларининг фонарлар билан чароғон бўлиб туришини кўриб, ғоят тўлқинланган эди. Давлат тартиби, фан-техниканинг ривожини, маданий даражанинг амирликка қиёс қилиб бўлмайдиган ҳолда юқори экани унинг онгида янги олам яратганди. Дониш кейин ҳам бир неча бор Петербургда бўлди, шаҳар мадҳига шеърлар бағишлади. Рус маданияти ва Россия Комилга ҳам ижобий таъсир кўрсатди.



XIX асрнинг иккинчи ярми Хивада давом этган адабий ҳаракатда шоир Комил ижоди алоҳида ўринни нishол қилади. Комил санъатнинг ҳамма соҳасида ўзининг истеъдодини намойиш қилган шахсдир. У ўз даврининг илғор шоирларидан бўлганидек, талантили композитор, уста хаттот (каллиграф) ва атоқли наққош ҳам эди.

Шоирнинг асл исми Ниёз Муҳаммад бўлиб, Комил унинг адабий тахаллусидир. Ниёз Муҳаммад Хива шаҳрида 1825 йилда мадраса ўқитувчиси Абдулла Охунд оналасида дунёга келади. Ёшликда уни эркалаб, Паҳлавон лақаби билан чақирганликлари учун номи кейинчалик Паҳлавон Ниёз Муҳаммад шаклида машҳур бўлиб кетади.

«Хоразм мусиқий тарихчиси»нинг муаллифлари бу ҳақда дейдилар: «Машҳур мусиқашунос Абдусаттор Маҳрамнинг туғинган синглиси Авазжонни Нурбойнинг чўнг ўғли Абдулла муфтига никоҳ қилиб берганлар. Абдулла муфтининг мазкур Авазжон хотинидан бир ўғил дунёга келиб, Паҳлавон деб от қўйганлар...» Паҳлавон Ниёз Муҳаммаднинг оиладаги тарбиясидан бошлаб, то мадрасани битирган йилларигача бўлган таржиман ҳолига оид аниқ фактлар ҳозирча қўлимизда йўқ. Бироқ, шоир ҳақида маълумот берувчи ёзма ва оғзаки манбаларга қараганда, Комил маълум вақтлар ибтидоий мак-

табда, кейини мадрасада ўқиб билим олган. Отасининг вафотидан сўнг оилани моддий жиҳатдан таъминлаб туриш учун бобоси — савдогар Хўжамаҳрамга хизматга кирган, маълум вақт ишлагандан сўнг, яна мадрасадаги ўқишини давом эттирган.

Илм таҳсил қилган йиллари Комил ўз устида қунт билан ишлаб, араб, форс-тожик тилларини яхши эгаллайди. Бу нарса шоирга ўзбек адабиёти билан бирга форс-тожик адабиётини ҳам яхши ўрганишга имкон беради. Ўзига замондош бўлган шоирларнинг суҳбатларида, турли адабий мажлисларда иштирок этиб, дастлабки машқий газалларини яратишга киришади.

Комил ҳусни хат (каллиграфия) ва музика соҳасида ўзини жуда эрта таъитиб улгургани учун уни саройга хизматга таклиф қиладилар. У, дастлаб Саид Муҳаммадхон саройида, кейин, Муҳаммад Раҳим II саройида ишлайди. Муҳаммад Раҳим II замонида, олдин оддий хаттот сифатида, сўнг иш бошқарувчи — мирзабоши лавозимида ишлайди.

Замонасининг машҳур хаттотларидан бўлган Комил фақат бир ўзи бу иш билан шуғулланмай, атрофига кўп кишиларни тўплаб, уларга ҳусни хатдан таълим беради. Унинг раҳбарлигида 50 га яқин хаттоғлар (хиваликларнинг таъбирича «девонлар») етишиб чиқади. Комилнинг тарбияси билан ҳусни хат санъатини эгаллаган кишилар орасида Устод Муҳаммад Паноҳ, Худойберган Мухркан девон, Муҳаммад Шариф Тарро девон, Матёқуб Харрот девон (бу киши машҳур ўзбек совет композитори ва музиканти Матюсуф Харратовнинг отаси бўлган), Муҳаммад Расул ва бошқа кўпгина кишиларни кўрсатиш мумкин.

Хивада етишган бу каллиграфлар ёш бўғинга ҳусни хатдан таълим бериш билан бирга ўзбек классик шоирларининг асарларини, шунингдек, Навоий асарларини ва ўз замондошларининг шеърий тўпламларини кўчириш билан шуғулланганлар.

XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган шоирларнинг деярли ҳаммасида Навоийнинг кучли таъсири яққол сезилиб туради. Буни аниқ тасаввур қилиш учун шу даврда яшаган шоирлардан Роқим, Саид Музаффархўжа Киромий, айниқса Мунис, Огаҳий ва Комил ижодига мурожаат қилиш kifоядир.

Комил яшаб ижод этган даврнинг адабий ҳаётида унга замондош бўлган Огаҳий, Рожий, Комёб, Баёний, Феруз, Табибий ва бошқа кўпгина шоирлар иштирок этадилар. Уларнинг ҳар бири салмоқли девон тартиб бергани ва XIX аср ўзбек поэзиясининг ривожига сезиларли таъсир кўрсатгани адабиёт аҳлларига маълум. Илгари қўлёзма ҳолида мавжуд бўлган девонлар 1870 йилнинг бошларида, литография ташкил қилиниши муносабати билан тош босма шаклида нашр этила бошлайди.

Академик А. Н. Самойловичнинг айтишига кўра, сарой ажратган бюджет асосида ишлайдиган бу литография маҳсулотлари сотишга чиқарилмаган. Давлат арбоблари, шоирлар ўртасида тарқатилган, сарой кутубхонасида сақланган. Девонлар ва айрим мажмуаларнинг нусхалари XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида Петербургдаги Императорлик кутубхонасига ҳам олиб кетилган. Шулар орасида Комилнинг ҳам Хивада, Тошкентда чоп этилган девонлари бор эди.

Комил ҳақидаги дастлабки мулоҳазалар аввало шоирга замондош хивалик адабиёт аҳллари ва тарихчилар томонидан айтилган. Масалан, ўз даврининг талантли шоири, йирик тарпхнависи ва таржимони, сўзи гавҳару ўзи «фаҳму дониш спехрининг моҳи», деб ном чиқарган Огаҳий «Гулшани давлат» асарида Комил ҳақида махсус тўхтаб: «Наврас фикр ва тоза таъъ шуародин, фазл ва ҳунара аҳли орасида мумтоз Паҳлавон Ниёзким, фозиллар гуруҳи ичра тахаллуси Комилдур»¹ — дейди.

¹ О г а ҳ и й. «Гулшани давлат», ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, инв. рақам 79.

Огаҳийнинг Комил ҳақидаги бу характеристикасида Комилни «наврас фикр», «тоза таъ», «фазл ва ҳунар аҳли орасида мумтоз» шоир деб сифатлашига диққат қилиш лозим. Чунки, Огаҳийнинг бу характеристикаси равшан кўрсатадики, шоир ва санъаткор сифатида Комил ўз адабий муҳитидаги кекса шоирларга ижодий қобилияти жиҳатидан маъқул бўлган ва танилган.

Илк маълумотларнинг иккинчиси Баёнийнинг «Тарихи шажараи Хоразмшоҳий» китобида келтирилади. Муаллиф чор амалдорлари фармони билан Қазалинска сургуи қилинган собиқ девонбеги қайтиб келгач, Комилга нисбатан кўрсатган адолатсизлиги, Хон билан Комил ўртасида бўлиб ўтган кўнгилсиз мунозаралар ҳақида гапиради. Шоир асарлари эл орасида тарқалгач, машҳур шоирлар ва адибларнинг асарларидаи намуна келтирувчи «Луғати чигатоӣп...»га (1880 йил), хилма-хил баёзларга киритилади.

Кўнчилиқ йирик санъаткорлар ижодида алоҳида кўзга ташланиб турадиган тараққийпарвар мотивлар Комил ижодида ҳам мавжуддир. Бу ўринда, аввало, унинг гуманизм ғояларини олга сурувчи асарлари эътиборга лойиқ. Шоир инсонга чинакам муҳаббат билан ёндашади. Унинг киши, кишилиқнинг ҳуқуқи, орзу-истаклари тўғрисидаги фикрлари, зулмга ва адолатсизликка қарши нозирилиги билан узвий боғланган.

Комил яшаган замонда феодал зулми ўзининг инҳоясига бориб етган, халқнинг тақдири мустабид хонларнинг ва саройга тўпланган бир гуруҳ йиртқиқ эксплуататорларнинг қўлида қолган эди. У даврда адолат ерга урилган, ҳақиқат қувғин қилинган эди.

Хоразмда минглаб қашшоқ деҳқонлардан, камбағал ҳунарамандлар, қосиблардан ташқари турли миллатга мансуб бўлган кўп сонли қуллар ҳам бор эди. 1850—1860 йилларда қулларнинг сони 40 мингдан ортиқ бўлган.

Кенг халқ оммаси устидаги жабр-зулмнинг, эксплуатациянинг борган сари кескинлашуви ҳукмрон тузум сиё-

сатларига қарши норозиликни янада кучайтирди. В. И. Ленин: «Ҳар қандай миллий зулм халқнинг кенг омма-сида қаршилиқ туғдиради, аммо миллий жиҳатдан эзил-ган аҳолининг ҳар қандай қаршилиқ кўрсатиш тенден-цияси миллий қўзғолондир»¹,— деган эди. Улуғ доҳий айтганидек, хон ва унинг истибдодига қарши кетма-кет кўтарилган ҳаракат халқ қўзғолонлари билан ифодалан-ди. Масалан, 1827—1828 ва 1855—1856 йиллардаги қора-қалпоқ халқининг, шунингдек, 1855 ва 1863 йиллардаги туркман халқининг қўзғолони ана шулар жумласидан-дир. Бу қўзғолонларда Хоразм меҳнаткашларп ҳам иш-тирок этакдилар. Хива хонларининг зулми ва унга қарши қўзғолонлар туркман, қорақалпоқ шоирларининг ижоди-да яхши акс этган. Машҳур шоир Бердахнинг «Аҳмоқ подшо», «Эрназарбий» достонлари, классик туркман шоирлари Зелилий ва Махтумқулининг эркинликни куй-ловчи ажойиб шеърлари фикримизнинг далилидир.

Замонасининг илғор фарзандларидан бўлган Комил кўз ўнгида рўй бераётган бу воқеаларни четлаб ўтолма-ди. Унинг қалбнда жафокаш халққа ҳурмат ва шафқат туйғулари тобора ўсди. Шоир зулм остида қолган омма-га ачиниб, уни бу бедодликдан ҳимоя этишга интилади. Одамларнинг энг оддий ҳуқуқларини поймол қилган зо-лим хонга мурожаат этиб, адолатга чақиради:

Жафо ўти била кўп ўртама булбул пару болин-
Ки охи қилғуси барбод баргинг, эй гули хандон!
Гар олтун қаср эса жоҳинг, улус холиға раҳм этгил,
Сенигдек неча шаҳаншоҳни ўткарди бу айвон.²

Комилнинг жафокаш халққа ачиниши, ҳурмати фа-қат хон ва унинг атрофидаги текинхўр амалдорларни

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 23-том, Ўздавнашр, Тошкент, 1953 йил. 69-бет.

² Девони Комил. ЎзССР ФАШИ, инв. 1949, 108-бет.

танқид қилишдагина кўринмай, шу билан бирга меҳнаткаш оммага зулм қилувчи ҳар қандай эзувчиларни қаттиқ қоралашда ҳам сезилиб туради. Унинг нафратига учраган гуруҳлардан яна бири риёкорлик билан халқни алдовчи руҳонийлардир. Дин ва хонлик салтанати феодализм шароитида ўзаро маҳкам боғланган бўлиб, истибдодга асосланган давлатни идора қилишда улар бирга ҳаракат қилар эдилар. Юқори табақа руҳонийларнинг вакиллари: шайхулислом ва қозикалонлар саройнинг катта мансабдорлари ҳисобланар эдилар. Меҳнаткаш халқ оммасини жаҳолатга судрашда, халқни ҳукмрон синфларга қул қилиб боғлаб беришда улар жуда катта реакцион роль ўйнар эдилар. Шоир иккиюзламачилик билан тақво намозини ўқийдиган, насия жаннаду ковсарга умид боғлайдиган диндорлар устидан кулади, уларни «иши хомлар», дейди. Бу оламда топганини бошига дастор қилиб ўраб, этагини ерга судраб юрувчи шайхларга қараб заҳарханда қилади:

Тортар риёи шайхлар масжидда жаҳр айлаб фиғон,
Е кўкка боқиб кўчада ҳар кеча ит увлармидур.

Шоир жаҳолатга бошловчи риёкор диндорларга қарши нафрат изҳор қилиб, халқни илм-маърифатга чақиради. Одамлардаги турли хил ёмон феъл-атворни қоралаб, «мувофиқ табъ, холис дўстлар» ўртасида «ҳамиша як дилу, як ранглик» бўлишига даъват этади.

Комил ғазалларини диққат билан кузатиш шуни кўрсатдики, у фақат ўзбек классик асарларинигина чуқур билган ва Лутфий, Навоий традицияларини давом эттирган шоиргина эмас, айни замонда туркий тилда ижод қилган қардош халқлар санъаткорларини ҳам эътибордан четда қолдирмаган. Бу ўришда улуғ Озарбайжон шоири Фузулийнинг таъсири кучли бўлганини қайд қилиш жонздор. Комилнинг девони нусхаларида Фузулий ғазалларига қилинган тахмислар учрайди.

Октябргача яшаб, адабиётда ўзига лойиқ ўрин эгаллаган шоирлар орасида кенг шуҳрат топган, бора-бора халқ ҳофизлари репертуарига кириб кетган «Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр», мисраи билан бошланадиган ғазалига:

Асири ишқ ошубин биравга зор ўландан сўр,
Тани мажруҳ ранжин синаси афгор ўландан сўр,
Сиришки лолагун ҳолин кўзи хунбор ўландан сўр,
Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,
Зулоли шавқ-завқин ташнаи дийдор ўландан сўр,—

тарзида қиллинган тахмис ёки озар шевасида Фузулиёна ёзилган, инсон учун энг буюк неъматлардан бўлган муҳаббатни ажиб бир мусиқий оҳангда куйловчи қуйидаги ғазал шоирнинг устозга нисбатан эҳтиромидир:

Бани шайдо эдан ул маҳваши таннозлардурлар,
Ниёзим қилмайин манзур масти нозлардурлар,
Ҳамиша қон эдан қўнғлимни ҳам булбул каби нолон,
Лаби чун ғунчау ҳусни чаман пардозлардурлар...

... Ниҳон дут зинҳор асроринги, Комил, ул мунофиқдин,
Ки зоҳир дўст, ботин душмани ҳамрозлардурлар.

* *
*

Ўрта Осиёнинг Рус давлати составига қўшилиши Қомил дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатди. Ислом дини ақидаларидан четга чиқишга имкон берди. 1873 йили руслар билан биринчи учрашув юз берди. Шу йили 29 майда Хива хонлиги Россия составига қўшилганда икки ўртада тузилган шартнома Қомил қўли билан ёзилди. Етмишинчи йилларнинг охиридан бошлаб у Муҳаммад Раҳим соний салтанати билан алоқа қилувчи рус амал-

дорлари орасида Петербург ва Москвада танилган ар-боблардан бири сифатида тилга олинади»¹.

«Новости и биржевая газета»нинг («Туркестанский сборник», т. 330 стр. 153) 1883 йил 71-сонида хабар қилинишича, Муҳаммад Раҳимхон шу йили Петербургга бориб, шаҳарни ҳайрат билан томоша қилган ва Кронштадтда ҳам бўлган. Унинг ҳамроҳлари қаторида хоннинг шахсий маслаҳатчиси Паҳлавон Мирзабоши (Комил—М. Ю.) борлиги айтилади. Ана шу газетанинг 1883 йил 80-сонида қуйидаги хабарни ўқиймиз: «Бугун 21 июнь, сешанба кунини Хива хони Муҳаммад Раҳим, Девонбегини Муҳаммад Мурод, маслаҳатчи Полвон Мирзабоши, яса-вулбоши Раҳмонберган, хоннинг жияни Саид Абдулла-хўжа, таржимон штабс капитан Асфандиёров, 17 кишидан иборат шахсий соқчилар ва хизматчилари билан темир йўл орқали Москвага жўнаб кетди. У ердан Оренбург орқали Хивага йўл олади».

Петербург ва Москва сафари хон ва унинг ҳамроҳларида катта таассурот қолдиради. Улар фақат томоша қилиш билан чегараланмайдилар. Ватанга қайтгандан кейин илғор рус маданиятига яқинлашиш ҳаваси рус тилини ўрганиш кераклиги масаласини кун тартибига қўяди. «Туркистон вилоятининг газети» 1891 йил 35-сонида ёзади: «... Муҳаммад Раҳимхон Хива мамлакатидида Русия тилини ўрганмоқнинг бошланғичини хоҳлаб, Русия тилида таълим берадиган мактабхона очиб, ул мактабда 10 бола учун жой ва харожат таъмин қилибдур. Ушбу йилда, апрель ойида Туркистон вилоятидаги тамоми Русия мадраса ва мактабхоналарининг катта нозирин... Хивага бориб... мазкур мактабни кўрибдур... Хон андин Хи-

¹ Бу сатрларнинг автори 1945 йили Хивада бўлганда Хоразм ўлкашунослик музейида Россиядан Комил номига келган қатор ҳужжатлар билан танишган эди. Улардан бирида Хивада янгидан танга пул ўйишга рухсат сўраб, 1893 йил 19 майда Петербургга ёзилган хатга Разгоновнинг жавоби акс этган.

вага бир ўрус домласи юбормоқни илтимос қилибдур. Шул сабабдин Русия тили ва илми ҳисобини ўрганмоқ учун ушбу йил Тошканд шаҳрида учительская семинарияни жуда яхши хатм қилғон қозоқ мусулмон Ҳусайн Иброҳим ўғлини мактабхонага домлаликка таъйинлабдур».

Бундан ташқари сарой атрофида ҳам рус тилига қизиқиш бошланади. Шоирлардан Аҳмад Табибий, Баёний, Мирзо (Комилнинг ўғли) рус тилини бир оз билганлар. «Хоразм мусиқий тарихчиси»да айтилишича, Комил форс-тожик тилини яхши билиб, қатор асарларни ўзбек тилига таржима қилгани каби, рус тилида ҳам фикрини бирмунча ифодалаш даражасида биларди (ўша асар, 1925 йил, Москва, 38—39-бетлар). Таъкидлаш лозимки, бошқа манбаларда бу фикрни тасдиқловчи фактлар учратмадик. 1908 йили Хивага илмий командировкага борган ва қатор шоирлар билан танишган машҳур турколог Александр Николаевич Самойлович (1880—1938) нинг¹ айтилишича, Табибийга ўхшаш шоирлар Хивага руслар, татарлар орқали кириб келган европача билимлардан манфаатланиб, эркин фикрлашга ўрганганлар ва янгича йўналишдаги турк-татар журналлари, газеталарини ўқийдиган бўлганлар. А. Н. Самойлович хонлик кутубхонаси анчагина бой эканини қайд қилади.

Комилнинг музика санъати соҳасидаги фаолиятига ҳам рус музика маданиятининг самарали таъсири бўлгани шубҳасиздир. Машҳур композитор ва музика назариячиси С. Л. Гинзбург бу ҳақда ёзади: «... Ниҳоят, шу нарса ҳам қизиқарлики, рус маданияти билан бевосита

¹ А. Н. Самойлович революциядап олдин Петербург университетининг шарқ тиллар факультетида ўқиган. Илмий фаолияти 1904 йилдан бошланган. Революциядан кейин 1921—1922 йилларда РСФСР Маориф Халқ Комиссарлиги топшириғи билан Туркистон Автоном Республикасида, Бухоро ва Хоразм халқ совет республикаларида ишлаган. Урта Осиё халқларининг тилини, маданияти ва урф-одатини яхши биларди. 1929 йилдан бери академик эди.

танишув таъсирида Хоразмда, ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Паҳлавон Ниёз мирзабоши томонидан таъбир учун махсус табулатурали нота ихтиро қилинди»¹.

Дарҳақиқат, Комил Петербург ва Москвада бўлган вақтларида рус куйлари билан ошна бўлди. Турли хил музика асбоблари қўшилиб, оркестр шаклида ажойиб оҳангларни тингловчига етказиши, роялдан чиққан ёқимли садолар уни ҳаяжонга солмаслиги мумкин эмасди. Рус нота системасидан илҳомланиб, танбур учун мувофиқ нота ихтиро қилиш устида ўйлай бошлади. Ниҳоят, у «Хоразм нотаси» деб юритилган чизикларни тавсия қилди. Комил «тарафидан яратилган нота системаси танбурнинг пардаларига мослаб, 18 чизикдан иборат қилиб тузилган. Ундаги юқори-паст пардалар ўртасидаги масофалар асос қилиб олинган ҳолда танбур торларига бармоқ билан урилган зарблар алоҳида пардаларга мувофиқлаштирилиб, чизикларнинг устига ёки остига нуқталар қўйиш йўли билан белгиланар эди. Бу нотада Паҳлавон Ниёз «Рост» мақомининг бош қисмини ёзган эди. Унинг ўғли Муҳаммад Расул отасининг системасидан фойдаланиб, ўз вақтида Хивада чалиниб турган олти мақомнинг ҳаммаси учун музика ёзган эди...»²

Комил ноталари бизгача етиб келган. У ҳозир ЎзССР ФА Абурайҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида сақланади (инв. № 7406).

Шоирнинг рус маданияти билан танишуви кейин яна давом этади. 1891 йилнинг 4 сентябрида Феруз (Муҳаммад Раҳим) нинг ўғли Тошкентга сафар қилганда уни ҳам Паҳлавон Мирзабоши олиб келади. «Туркистон вилоятининг газети» 11 сентябрь сонидан берган ахборо-

¹ С. Л. Гинзбург. Музыкально-историческое наследие советского Узбекистана. Сб. «Пути развития узбекской музыки». Л.—М., 1946, стр. 22.

² А. А. Семенов. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1939, № 2, 161-бет.

тига кўра меҳмонлар эрлар ва қизлар гимназиясини бо-
риб кўрадилар. Худди шу сонда Комилнинг «Офтоб» ра-
дибли ва тақрир усулида ёзилган ғазаллари босилган.

Ғазаллар қаторида битта мухаммас ҳам бор. «Му-
хаммас ба тариқи ғазал» деб номланган бу бешлик шун-
дай бошланади:

Менга қилмай ирсолу пайғомлар,
Чаман саҳнида субҳ ила шомлар.
Рақибим ила нўш этиб жомлар,
Олиб халқдин сабру оромлар,
Дилоромлардур, дилоромлар.

Ана шу ғазаллар шоирни таништирувчи кичик кириш
сўз билан газетанинг 36-сонида ҳам яна эълон қилина-
ди. Шеър охирида редакция шоирга мурожаат қилиб,
ёзади: «Ушбу илан умид қиламизки, ҳурматли Паҳла-
вон Мирзабоши Тошканд шаҳрини сайр ва томоша қил-
ғонларини айтиб, газет ўқиғувчиларнинг хурсандликлари
учун яхши шеър ва абъёт ва мухаммас тасниф қилго-
нингиздан кейин газетхонага почта орқали юборсангиз
экан».

Тошкентда бўлиб, бу ердаги янгиликлардан илҳом-
ланган ва редакция мурожаатидан сўнг ўзини бурчдор
ҳис қилган шоир Тошкент тўғрисида қасида ёзади.

Қасида Комил девонининг Тошкент босмасида «Дар
таъруфу тавсифи Тошканд иншо намуда» деб номланган
ва 12 байтдан иборат. ЎзССР ФА Шарқшунослик инсти-
тутида сақланаётган, 1949 инвентарь рақамли девонда-
ги вариант Тошкент босмасидагига қараганда кенгроқ-
дир. Аммо каму кўстсиз вариант, шубҳасиз, «Туркистон
вилоятининг газети» да (1894 йил 8 сентябрь, № 33) бо-
силгандир. Газетада қасидага «Хива хониининг Мирза-
бошиси Паҳлавон мулаққаб шоирнинг ғазаллари ушбу-
дир» деб сарлавҳа қўйилган. У 48 байтдир. Қасидадан
Тошкент ва ундаги тартибларни кўриш орқасида Комил-

да қандай фикрлар тугилганини, рус ҳарбий аристократияси, чиновниклари, шунингдек, маҳаллий амалдорлар шоирнинг атрофини ўраб, ўзларини адолат ва маърифат ҳомийлари тарзида кўрсатмоқчи бўлганларини очиқ англаб олиш мумкин.

Маълумки, Фурқат Тошкентга келганда 1891 йилнинг январь, февраль ойларида икки марта Туркистон генерал губернатори Вревский зиёфатида иштирок этади. Шунга ўхшаш Комил ҳам губернатор уйига меҳмонга таклиф қилинади. Шоир аввал Тошкент манзараларини, меваларини мақтагач, Вревский яшаётган оромгоҳларни, мавсумнинг гоят мўътадиллигини таърифлашга киришади:

Манзилим чун бўлди ушбу йил диёри Тошканд,
Жону кўнглим дойим айлар зор-зор Тошканд,
Буржи мезонда эди, маснаднишин шоҳи Хўтан,
Ҳам баробар эрдилар лайлу-наҳори Тошканд,
Нуру зулмат ўлчаниб тун-кун уфуқ мезониди,
Бирдек эрди субҳи софу, шоми тори Тошканд.

Келтирилган байтлардан ҳам англашиладики, шоир Тошкентга сентябрда («буржи мезонда») келади. Бу вақтда табиат ғоят гўзал тусга кириб, туну кун оромбахш бўлган, шабада-фаррош заррин япроқларни мевали дарахтлар устидан секин-аста тушириб, ерга тўшамоқда эди. Боғлар, гулзорлар, «зийнатафзоликда» беқиёс эди. Комил ўзи сайр қилаётган боғдаги меваларни бир-бир таърифлагач, Тошкентнинг ширин сувларини мақташга киришади. Қадимдан қолган, «ҳар бир нарса сув билан тирикдир» («Куллу шайъи ҳайюн миналмои») мақолини келтириб, боғнинг бу қадар нашъу намосига сабаб доимо оқиб турувчи сувлар дейди:

Не ажаб, десам аларни манбаи айнул ҳаёт —
Барча руҳафзо зулоли чашмасори Тошканд.

Агар биз шоирнинг ватани Хивада доимо сув етиш-маслигини, жуда оғир меҳнат эвазига чиғирлар ёрдамида ер сатҳига чиқариладиган сувнинг ҳар томчиси халқнинг кўз ёши билан ўлчаб олинажагини эсласак, унинг ҳаяжонини тушуниш мумкин бўлади. Ана шу зулол қатралар туфайли истироҳат боғлари жаннатнинг рашкини келтирадиган бўлган. Зотан «кавсари тасним» (жаннатнинг ариғи) доимо шарқираб оқиб туради.

Хиванинг тор, эгри-бугри қоронғи кўчаларига ўрганган шоир Тошкент кўчаларининг фонарь билан ёритилишини ҳавас билан кузатади:

Равшан этгандек спехр айвонини шамъи нужум,
Шабни рўз айлар чарогони фанори Тошканд,
Тийра кўзларни қилур равшан тамошоси анинг,
Гўйё куҳлул-жавоҳирдур губори Тошканд...

Тошкентни Бухорога, Самарқандга, ҳатто Москвага қиёслаб кўриб, «Лойиқ эрмас они ташбеҳ айламак ҳеч шаҳрға»,— дейди Комил. Турли миллатдан ташкил топган шаҳар халқи (тўрт районни эслатадиган) тўрт қисмга бўлинган:

Мунқасимдур тўрт қисимда аҳолиси анинг,
Етмиш икки фирқадин юз минг шумори Тошканд...

Шуни айтиш лозимки, шоир Петербург ва Москвага борганда ҳам, Тошкентга келганда ҳам кўпроқ XIX аср ўзбек маданиятидан тубдан фарқ қиладиган рус маданиятининг, техникасининг ютуқларига маҳлиё бўлиб кетиб, руслар орасида ҳоким ва маҳкум синфлар борлигини, уларнинг ҳаёти бир хил эмаслигини дурустроқ ўйлаб кўрмайди. Тошкентда ҳам, Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларида ҳам мустамлакачи Россия вакиллари борлигини, улардан ташқари илғор, ғоят зўр маданият онаси бўлмиш Россия вакиллари ҳам борлигини англаб етиш да-

ражасига кўтарилмаган эди. Шунинг учун чор амалдорлари «саховатда Ҳотами Тойдан ҳам баланд»дек туюлади. «Тошканд» қасидасидаги бу жиҳатлар Фурқат Вревский уйида иккинчи мартаба меҳмон бўлганда ёзган шеъридаги: «Ҳамиша жон билан миннат тутарман, ўшандоқ марҳаматни ёд этарман» мисраларини эсга солади.

Фурқат ҳам, Комил ҳам заҳматкаш халқ ҳаёти билан яқиндан алоқада эмас эдилар. Бинобарин, синфий зиддиятлар борлигини, уларнинг моҳияти нимадан иборатлигини пайқай олмадилар. Лекин ислом дини бидъатларидан баланд кўтарилиб, рус маданиятидан руҳландилар. Урф-одати, тили ва эътиқоди бошқа бўлган илғор халқдан истиқболга бошлайдиган фойдали нарсаларни ўрганиш кераклигини замондошларидан аввалроқ тушундилар. Шунинг ўзиёқ ижтимоий фикр ва маданиятимиз тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Комил 1899 йили Хивада вафот этади.

1873 йил

Шокир Сулаймон

(Ижодий портрет эскизлари)

Шоир, прозаик, адабиётшунос ва журналист Шокир Сулаймон ўзбек совет адабиёти майдонга келиб, шакллана бошлаган ва тараққиёт босқичига кўтарилаётган йигирманчи ва ўттизинчи йилларда ижод этди.

Шокир Сулаймоннинг кўпгина шеър ва дostonлари, очерк ва ҳикоялари, тақриз ва танқидий мақолалари ўз даврининг муҳим ва актуал масалаларига бағишланган. У йигирманчи йиллар ўртасига келиб, ўзбек совет адабиётининг асосчилари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзпй, Садриддин Айнийнинг кичик замондоши ўлароқ тез суръатлар билан олға кетаётган адабий ҳаётда актив иштирок эта бошладн.

Шокир Сулаймон 1900 йилда Қўқон шаҳрида боғдорчилик билан шуғулланувчи деҳқон oilасида дунёга келган. 1916 йилга қадар Қўқондаги «усули жаид» мактабини тамомлагач, маълумотини ошириш учун Оренбургга кетади ва у ердаги «Ҳусайиния» мадрасасида икки йил ўқийди. Оренбургдан қайтгач, 1919 йили «Қизил шарқ» поезди томонидан ташкил қилинган «Шарқ юлдузи» газетасида ишлайди. Маълумки, совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва чор Россиясининг собиқ чesкка ўлкаларидаги эзилган халқлар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш учун турли хил чоралар кўрилди. Шулардан бири Туркистонга юборилган ва «Қизил Шарқ» помини олган ташвиқот поезди эди. 12 вагондан иборат бу поезд ўз кўчма босмахонаси, радио станцияси,

китоб дўкони, кино залига эга бўлган. Туркистоннинг қатор шаҳарларида бўлиб, омма орасида советларнинг моҳиятини тушунтирган, поездда маҳаллий халқлар тилларида газеталар ҳам чиқариларди. Шулардан бири «Шарқ юлдузи» эди. Бу хизматни ўтаб бўлгач, бир оз муддат совет мактабларида муаллимлик қилгандан сўнг, 1920 йилда Тошкентдаги эрлар билим юртига ўқишга киради. Унинг поэтик ижоди ана шу йилларда бошланади.

Ш. Сулаймон поэзияга кириб келган йилларда ўзбек совет адабиёти кескин идеологик курашлар майдонига айланган бўлиб, Ҳамза ва Айний бошлиқ революцион поэзия вакиллари советларни, эркин ҳаётни куйлаётганда меҳнаткаш оммани революция ғалабаларини мустақамлашга чақираётганда, октябрни душманлик билан қарши олган, революция томонидан тор-мор келтирилган эксплуататор синфларнинг адабиёт соҳасидаги намояндалари бўлган буржуа миллатчи шоирлар феодал ўтмишини мақташ, ёшлар ўртасида ҳаётга нисбатан умидсизлик ва тушкунлик руҳини ёйишга интилаётган эдилар. Улар маълум поэтик тажрибага эга бўлганлари ҳолда эндигина қўлига қалам ушлаган, ҳаётни бадний акс эттиришда бирор намунага муҳтож кишиларни тезда ўз таъсирларига олар эдилар. Бу таъсир гарчи тўғридан-тўғри контрреволюцион фикрларни шеърда ташвиқ қилиш шаклида кўринмаса ҳам, мақсаднинг туманлилигида, кайфиятларнинг ийжиқ ва ҳорғинилигида, мавҳумий романтик образларда ва бошқаларда равшан ўзини кўрсатади. Ана шундай машъум иллатларни Ш. Сулаймон ҳам четлаб ўтолмади.

Шокирининг 1919—1924 йиллар орасида ёзган шеърларида Октябрь революцияси, «курашда снгилмас, чарчамас, ўт юрак, партия йўлидан борадиган» комсомол, Ленин ва унинг таълимоти улуғланиб, озод бўлган ўлка куйланса ҳам, бу фикрлар сафарбар қилувчи эмоционал

куч даражасига кўтарилмай қоладилар. Масалан, 1919 йилда ёзилган «Қутулиш алангаси» шеърида Ўрта Осиёда бўлаётган революцион ўзгаришларни, эски дунё билан янги социалистик ҳаёт ўртасидаги кескин синфий курашларни тасвирламоқчи бўлиб, юз бераётган воқеаларнинг реал манзараси ўрнига:

Шу юртнинг
Уфқида ёруғлиқ бир ўт куч олар, ёнар
— Ботирлар алангасидир у!

.
Ҳар ерда кураш, ҳар ерда яшаш,
Ҳар ерда қизиллик,
Ҳар ерда аланга!
Нега, кучли вулқонми, ёнар тоғ?—
Қутулиш алангасидир у!—

каби мавҳум риторикадан нари ўтолмайди.

Лекин бу изланишдаги қийинчилик босқичи узоққа чўзилмайди. Ш. Сулаймон 1923 йилда Москвага кетиб, у ерда М. И. Калинин номидаги рабфакни, кейин Олий таълим-тарбия курсини битиради. СССР халқлари адабиёти нашрпётида хизмат қилади. Москвадаги янги адабий муҳит ва В. Маяковский бошчилигидаги илғор рус совет шоирларининг асарлари Ш. Сулаймон учун катта мактаб бўлди. В. Маяковский, Д. Беднийнинг айрим асарларини ўзбек тилига таржима қилади. Шоирнинг «Чапдан», «Яша, жаҳон Октябри!», «Ғалаба марши» шеърлари бевосита В. Маяковскийдан таъсирланиш ва маълум даражада унга тақлид қилиш самарасидир.

«Чапдан» шеърида автор кўп вақтлар кўкда, хаёл қанотида учиб, «йилтироқ олтин қадахларни», одамларни «алдайдиган тангри»ни, «бузғун ҳаёт»ни тасвирлаган миллатчи шоирларнинг қаламларини шафқатсиз равишда қоралаб, ҳақиқий қалам «эркин яшаш кунларини», озод меҳнат завқини: «қўшчида қўш — бир санъат, иш-

чида болга — музика, косибда ҳунар — бир маҳорат»
эканини ёзсин, мақтасин, дейди ва соғлом қаламга шун-
дай мурожаат қилади:

Эй,
Байналминал байрамида,
Эркин кунлар келганда:
Чапдан,
Чапдан,
Бир-икки,
Бир-икки!

Йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб
Ш. Сулаймон шеърларида илгариги туманлилик ўрнида
конкрет ҳаётий образлар, социалистик қурилишнинг
ёниқ белгилари кўриниб турган манзаралар пайдо бўла-
ди. Шоир «асрлар жабрини кўрган мазлум миллатлар»
ўз қадоқ қўллари билан социалистик ҳаёт қураётганлик-
ларини, «темир иродали, пўлат қўлли Ленин фирқаси-
нинг» даҳоси элларга нур сочаётганини, Октябрь кўтар-
ган Қизил Байроқ СССР дагина эмас, бутун дунёда тики-
лажагини ва «тикилмай қолмас»лигини тараннум қилади.
У фақат совет кишилари турмушини акс эттириб қолмай,
халқаро темаларда ҳам асарлар яратади. Мазлум Шарқ
халқлари империалистлар томонидан ҳамон гайри инсо-
ний шаронгда, очлик, қоронғиликда сақлаб келинаёт-
ганига юракдан ачинади. Агар «Куллари кўкларга»
шеърида инглиз колонизаторлари зулмига қарши кураш-
да тўкилган ҳинд ватанпарварларининг қони бекор кет-
маслиги, «Шарқ ғурури Ҳимолай қадар» баланд бўлиб,
ҳеч қачон абадий қулликда қолмаяжagini айтса, «Ғала-
ба марши», «Қул» шеърларида Хитой ва Африка халқла-
ри яқин келажакда эски дунёга ўт ёқиб, ёндиражакига
умид боғлайди.

Шоирнинг 1926 йилгача ёзган шеърларининг бир
қисми «Эрк куйлари» китобчасига тўпланган. Автор ўз

китобиға ёзган кириш сўзида ўзбек совет адабиёти Октябрдан кейин янгидан туғилгани ва «янги бир даврни ташкил қилгани» тўғрисида сўзлаб, ўша йилларда «матбуотда жавлон этган шеърӣ қувваларимиз» ҳали маълум бир мактабни ўтиб, кўзга кўринарли бир иш қилиб улгурмаганликлари, бинобарин, чоп этилаётган ҳар бир китоб қувончли ҳодиса эканини қайд қилади.

Ўзнинг тўплами ҳақида эса шундай ёзади: «Бор борица, йўқ йўғича дегандай, мен ҳам яқин ўртоқларимнинг сўрашлари бўйича наشريётимизнинг юксалиш даври далдасида ўзимнинг эскидан унда-бунда ташланиб қолган нарсаларимни тўплаб, Кенгаш Иттифоқи¹ халқларининг Марказий наشريёти олдидаги ўзбек комиссиясига топширишга журъат қилдим». Ш. Сулаймон ҳали шогирдлик босқичида эканини, асарлари намуна қилиб кўрсатиш даражасига кўтарилмаганини айтиб, гўё узр сўрайди: «Аттангким, мен сиз ўйлаганча шоир, тўплаган нарсаларим-да — шеър эмас».

Бу сўзларда камтарлик туйғулари йўқ эмас. Гарчи улар йигирманчи йилларнинг ўртасидаги ўзбек совет поэзиясининг ғоявий-бадий савиясини кўрсатувчи ўлчов бўлолмаса ҳам, бошқа шоирлар яратаётган асарлардан жўн эмас эди.

«Эрк куйлари»даги шеърлар тематик жиҳатдан хилма-хилдир. Лекин салмоқли ўринни инқилобий оҳанглар, Октябрь мадҳи, янги — озод замон таронаси эгаллаган эди. Шоир такрор ва такрор инқилоб қуёшини қутлайди. Унинг тасаввурида «ғариб, ўксиз, етим, йўқсулларни» қулдирган, «ҳақиқат нуруни» сочган қуёш — «Октябрнинг чироғи»дир. Октябрни қутлаган ҳолда, унинг моҳиятини аниқ тушунтириб бера олмаган. Ш. Сулаймон, инқилобни табиатдаги жиловланмаган, ҳеч қандай чегара билмас кучларга қиёс қилади: «Инқилоб — даҳшатли тўфон, тинч элларни қўзғатур; инқилоб — кучсизларга

¹ Совет Иттифоқи демоқчи (ред.).

куч берар, жонлантирар: инқилоб — тўлқинли телба денгиз, ҳовлиқар, тошар; Октябрь — шамол, бўрон, довул; тожлар билан, тахтлар билан келишмас...» ва ҳоказо.

«Курашларнинг бориб турган кураши» — инқилоб туфайли озод бўлган «хотинлар ва эрларни, пионерлар ва комсомолларни, союзлар ва фирқалар»ни бир йўл, бир фикр, бир куч, бир байроқ-ла олдинга юришга чақиради ҳам: «Компос — коммунизм, социализм, порлоқ, оппоқ янги дунёга!» — дейди. Хотин-қизлар озодлигини куйловчи «Шарқ қизи», «Ўзбек қизига», «Алданма» номли шеърларида «бурунги шарқ эртакларини эсга туширадиган» эришчаклик билан ухлаш вақти ўтганини, энди ўзбек қизи, шарқ қизи «зўр курашда иштирок қилиши» лозимлигини уқтиради ва: «Қизил Москов сенинг учун илҳом — йўл, кутиб қолган миллионларча фонарь бўл!» — деб, ўйнаб-кулиб, эркин ўқишга даъват қилади.

Биз кўздап кечираётган китобчада «Кўнгил дардлари», «Тоғ сувлари» сингари шеърлар ҳам борки, уларда акс этган туманли фикрлар, ҳорғин кайфиятлар юқоридаги тетик, соғлом асарлар фонида қулоққа ёқимсиз эшитилади. Ҳар ҳолда улар етакчи тамойилга эга эмаслар. Зотан, келажакка, янгиликка шоирнинг ишончи зўр, ўзини «яшашни севганлар» билан бирга ҳис этади. «Олдимда зўр бахт, ўзимда бахтли бир инсондай яшайман; мунглаиб, дардланиб, қайғуга туб чўмиб, кўз ёши тўкмайман» дейди.

Ш. Сулаймон ижодий ишлар қаторида адабий ҳаётнинг ташкилий масалалари билан ҳам шуғулланди. Маълумки, 1925 йилнинг бошида республика пойтахти қилиб Самарқанд белгиланди. Самарқанд айни замонда маданий марказ ҳам эди. Ўзбек совет адабиётининг тараққиётини таъминлаш мақсадида 1926 йилда «Қизил қалам» жамияти тузилади. Унинг ташкил топишида Ўзкомпартия Марказий Комитетининг биринчи секретари

ўртоқ Акмал Икромов, Халқ Комиссарлар Советининг раиси Файзулла Хўжаев бевосита иштирок этган эдилар.

«Қизил қалам» фаолиятини жонлантиришда Ш. Сулаймон алоҳида ташаббус кўрсатади. Ташкилот атрофига ёш кучларни тўплашга ҳаракат қилди. «Янги Фарғона» газетасининг 1926 йил 8 декабрь сониди «Бутун ўзбек адиб ва шоирларига» жамиятнинг бошлиғи Ш. Сулаймон (котиб Раҳим Али) шундай мурожаат қилди:

«Қимматли ўртоқлар! Сизларнинг кучингизга таяниб «Қизил қалам» жамияти шу яқин кунларда зўр қўлда бир адабиёт парчаси — Альманах чиқармоқчи. Альманах учун 90 га яқин мавзу белгиланиб, 50 дан ортиқ кўзга кўринган, бу кунгача адабиётимизда иштирок этиб келган ёзувчиларимизга хусусий мурожаатномалар юборилди. Альманахга бутун ўзбек адиб ва шоирларининг иштироки матлубдир...»

Биз кейинроқ «Қизил қалам»нинг фаол кучлари орасида Ш. Сулаймондан бошқа Отажон Ҳошим, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Малик Раҳмон, Ойдин, Буюк Қарим, Ғафур Ғулом каби шоирларни учратамиз. Жамият Озарбайжон ва Татаристондаги «Қизил қаламлар» жамияти билан, ВАПП билан ижодий алоқада бўлиб туради. Озарбайжон «Қизил қаламлар» жамиятининг бошлиғи Сулаймон Рустамнинг мақолалари «Маориф ва ўқитғувчи» журналида босилади.

Ўз вақтида қатор хатоларга йўл қўйган «Қизил қалам» ўзбек совет ёзувчиларини уюштириш, коллектив равишда ижодий муҳокамалар ўтказишнинг дастлабки тажрибаси сифатида адабиётимиз тарихида ижобий роль ўйнади.

Ш. Сулаймон йигирманчи йилларнинг ўртасидаёқ турли адабий тадқиқотлар, мақолалар ёзишга уринади. Улар шу даврда чиқиб турган газета ва журналларда эълон қилинади. Жумладан, «Маориф ва ўқитғувчи» (1926 йил, 10—11-сон) журналида босилган Сўфизода ҳақидаги мақолани кўрсатиш мумкин.

Мақола аввало Сўфизода таржимаи ҳоли ва ижодига бағишланган биринчи сўз бўлиши туфайли ҳам диққатга лойиқ. Унинг мазмунидан Сўфизодага республика ҳукумати томонидан халқ шоири унвони берилиши муносабати билан ёзилгани биллиниб туради. Ш. Сулаймон шоир босиб ўтган мураккаб ижодий йўлни қисқа, аммо асосан тўғри ёритади. Сўфизода чет эл саёҳатидан ватанига қайтгач, янги усулда мактаб очиб, вивескасига: «Мен бир бўёқчиманки, мактаб хумида ранг бериб, ўн икки ойда қора чаппаларни оқ қиламан» сўзларини ёзиб қўйган, дейди автор.

Сўфизоданинг мактаби ҳам, маърифатга чақирувчи шеърини ҳам диндорларни, ҳоким синфнинг зўравонларини ғазаблантирди. Бироқ шоир Туркия ва Афғонистонда, Бухоро ва Хивада, Фарғона ва Самарқандда халқни қолоқликда, жаҳолатда сақлашга уринган барча қора кучларни фош қилишдан тўхтамади. Халқнинг кўнглидагини халқ тилида куйлади. Унинг энг яхши шеърлари Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсатини, совет воқелигини мадҳ этишга бағишланган. Ш. Сулаймон шоирнинг ҳаётини яхши ўрганиб, асарларини тўплаш ва бир мажмуа ҳозирлаш лозимлигини айтган эди. Бу орзунинг тадқиқотчиларимиз эндиликда амалга оширганларини мамнуният билан қайд қиламиз.

Шокир Сулаймон ўз қаламини поэма жанрида ҳам синаб кўради. 1930—1935 йиллар ёзилган «Янги сарой», «Давр ҳайқириғи», шунингдек халқаро темалардаги «Оқ негр», Хитой боласи «Фин-Фон» поэмалари, нихоят 1916 йил миллий-озодлик ҳаракатига бағишланган «Ўтганларни эслаганда» достони шулар жумласидандир.

Кичик ва ўрта ёшдаги болаларга мўлжалланган «Ўтганларни эслаганда» достонида Қўқоннинг Қайнар қишлоғида 1916 йил рўй берган воқеалар тасвирланади. Бу қишлоқда, Фарғона водийсининг бошқа жойларида бўлгани сингари, меҳнатсевар, аммо жафокаш, бир-бирига мурувватли одамлар яшарди. Биринчи жаҳон уруши

бошланган вақтда чор ҳукумати амалдорлари ерли аҳолидан аскарликка одам олмасди. Лекин 1916 йилга келиб ҳукуматнинг аҳволи танглашади ва ҳаракатдаги қўшиннинг орқа томонида қора ишларни бажаришга мардикор олиш тўғрисида фармон чиқади. Халқ оммаси кўзголон кўтаради. Қонли тўқнашувларда зулмга қарши бош кўтарган кўплаб заҳматкашларнинг ёстиғи қуриydi.

Шоир эрксевар халқимизнинг қаҳрамонона ўтмишидаги ана шу фожиали саргузаштларни эслатиб, болаларда адолатсизлик ва жабр-ситамга нафрат, социалистик тузумга ҳамда Ватанга муҳаббат ҳисларини тарбиялашни кўзда тутди.

Достон тарихий фактларга асосланган, реал манзараларни ўқувчи кўз олдида гавдалантирадиган асар бўлгани учун ўз вақтида маълум қизиқиш уйғотган ва қайтадан босилган. Унинг сюжет чизиғи мураккаб бўлмаганидек, баён усули ҳам ғоят содда. Нима учундир, шоир кўпинча қофияларга бефарқ қарайди. Мавжуд нуқсонларга қарамай, «ўтганларни эслаганда», ёшларни чинакам халқ фарзанди, Ватаннинг актив граждани бўлиб вояга етишлари йўлида ижобий роль ўйнаган.

Шеърйи асарлар яратиш ҳамма вақт Шокир Сулаймоннинг севган машғулоти бўлиб қолган бўлса ҳам, ўттизинчи йилларнинг бошидан прозаик асарлар ёзишга киришади ва бу жанр унинг ижодий фаолиятида салмоқли ўринни эгаллай бошлайди. Фақат биргина 1930 йилнинг ўзида кичик ва ўрта ёшдаги ўқувчиларга бағишланган Африка болаларининг оғир ва қашшоқ ҳаётидан ҳикоя қилувчи «Яма ҳам Ҳама», Англиядаги камбағал ишчи болалари турмушидан олиб ёзилган «Джем ҳам Элчин», шунингдек совет болаларининг қувноқ ва бахтиёрлик билан ўтаётган ўқиши ва дам олиш манзараларини акс эттирувчи «Слетда» ва «Бутун дунёга саёҳат» китоблари нашр этилади.

Эҳтимол Ш. Сулаймоннинг прозаик сифатида ҳали адабий тажрибаси озлигидан бўлса керак, номлари тилга

олинган асарлар сюжет ва композицияси жиҳатидан ҳам, баён қилиш услуби ва тили жиҳатидан ҳам анча ибтидоий бўлиб, ёзувчилик санъати етишмайди. Бунинг сабаби шундаки, ёзувчи ўзи яхши билган, яхши таниш бўлган темани ёритиш ўрнига ўша темага оид иккинчи — учинчи манбалар орқали иш қўради. Масалан, «Яма ҳам Ҳама» китобчасининг кириш қисмида ёзади: «...Мен бу ҳикояни Африка турмушини кўрсатадиган бир кинофильмдан олдим ва болалар ҳаётига доир қисмини бир оз ўзгартириб ишлаб чиқдим». Кейин африкалик ака-ука Яма билан Ҳаманинг Америка қулдорлари томонидан асир қилиб олиб кетилиши ва қул тариқасида ишлаб, бошидан кечирган мусибатлари ҳикоя қилинади.

«Джем ҳам Эллин»да биз қуйидагиларни ўқиймиз: «Бу ҳикоя «Туман болалари» деган роман сюжетидан фойдаланиб ёзилди. Ҳикоянинг олға қўйган туб мақсади: қисқа бир суратда, буржуазия мамлакати — Англияда камбағал оилалардаги болаларнинг аянчли турмушларини, уларнинг ўқиёлмай қолиб қандай ҳолларга тушганларини кўрсатишдир».

Қаҳрамонларнинг ҳаётини шахсан кузатмай, чуқур ўрганмай асар ёзишга киришиш юзакичиликка ва ибтидоий тасвирларга сабаб бўлиши 1934 йили нашр этилган «Ким бу» лавҳасида ҳам яққол кўриниб туради. Автор буржуа жамиятининг қиёфасини, айниқса фашизмнинг ёвузликларини кўрсатиш учун намуна қилиб Англияни олади. Ваҳоланки, меҳнаткаш омманинг ашаддий душмани — фашизмнинг қабих башарасини Англияда эмас, Германияда яққолроқ кўрсата бошлаган эди. Капиталистик тузум ўз табиати билан халқ манфаатларига зид эканини, шу тузумнинг маҳсули бўлган фашизм оддий кишилар бошига қандай офатлар келтираётганини баён қилиш ўрнига характерли бир фактни олиб тасвирлаш, образлар орқали жонлантириш таъсирлироқ чиқарди. Фашизмнинг моҳиятини «бўри, қонхўр, айёр, йиртқич» каби мавҳум сифатлар би-

лан очиб кўрсатишга уриниш ҳам авторнинг шу тўғрида етарли маълумотга эга бўлмаганидан гувоҳлик беради.

Асар босилиб чиққандан бир оз кейин ёзилган бир тақризда («Ёш ленинчи», 1937 йил 6 апрель) айтилганидек, «бундай иозик масалалар устида китоб ёзишдан олдин мавзунинг ўзини ҳар тарафлама жиддий ва чуқур ўрганиш керак эди». Биз қисқача характерлаб ўтган ва халқаро мавзуларда ёзилган деярли ҳамма ҳикоя, лавҳалар учун бу нуқсонлар муштаракдир.

«Бутун дунёга саёҳат» ҳикояси нисбатан муваффақиятли чиққан, деса бўлади. Ҳикоя қаҳрамони Пўлат Шодмонов сотиб олган Осавиаҳим лотереясига бутун дунёга саёҳат қилиш ютуғи чиқади. У москвалик Ваня деган комсомол бола билан ҳамроҳ бўлиб, икки ой давомида Германия, Франция, Англия, Америка, Миср, Ҳиндистон, Хитой, Япония сингари мамлакатларни айланиб келади ва синфдош ўртоқларига саёҳат хотираларини батафсил сўзлаб беради.

Пўлатнинг ҳикояси кўп жиҳатдан ҳақиқатга яқин бўлган, капиталистик мамлакатларнинг реал манзарасини тингловчи кўз олдига келтирадиган, мактаб ўқувчиларининг билим доирасини кенгайтирадиган ҳикоядир. Пўлат қайси буржуа шаҳарига бормасин, ҳукмрон ва маҳкум табақаларни, таъминланган ва муҳтож кишиларни, кўзни қамаштирувчи ранг-баранг рекламалар ўлкаси бўлган Париждаги турмушни характерлаб: «Мен Парижда ишчилар клубини ҳам кўрдим. Клублар, мактаблар жуда оз; ресторан, ичкиликхоналар жуда кўп. Ишчилар эски, ярамас уйларда турар экан»,— деса, Америкага бориб, «Озодлик статуе»сини (ҳайкатини) кўрганда таажжубланиб: «Америкада ҳам озодлик борми?»— деб сўраганини, Ваня эса, «Биласан-ку, Америка буржуазиянинг катта кўппағи»,— деганини мароқ билан сўзлайди.

Мисрда ва Ҳиндистонда бўлганларида Ваня билан Пўлат инглиз империалистларининг маҳаллий халқни

ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан қўл қилиб, барча бойликларни талаб кетаётганликларини кўрадилар. Аммо маҳаллий халқ Миср фаллоҳлари (деҳқонлари), Хитой рикшалари (от, ўрнига ўзи аравага қўшилиб киракашлик қиладиган бечоралар) золимларга қарши кўтараётган қўзғолонларида келгуси озод кунларни кўрадилар.

Баъзи шаҳарларда саёҳатчиларимизнинг йўлини тўсиб, тафтиш қилувчи амалдорлар совет ҳужжатини кўриб, тарвузлари қўлтиқларидан тушади. Шунда Ваня ғурур билан «Пўлат, сен қўрқма. Бизнинг қўлимизда катта мандатимиз бор. Булар бизга тега олмайди»,— дейди. Пўлат суҳбатни шундай якунлайди: «Ернинг тўрт қитъасини айланиб чиқдик. Лекин ҳеч шаҳар, ҳеч мамлакат бизнинг Москвачалик эмас!»

«Бутун дунёга саёҳат» ҳикоясининг бу қисқача мазмунидан кўриниб турибдики, унинг маърифий-таълимий аҳамияти, чинакам ватанпарварлик туйғулари ҳамон ўз кучини йўқотмаган.

Ш. Сулаймон Москвадан қайтгандан кейин Самарқандга келиб, «Маориф ва ўқитгувчи» журналида уч йил, «Ер юзи» журналида бир йил масъул котиб ва адабий муҳаррир вазифасида ишлайди. 1931 йилдан бошлаб Ўзбекистон Давлат илмий текшириш институтида илмий ходим бўлади. Айни вақтда Ўзбекистон Давлат университетининг доценти сифатида адабиётдан дарс беради. Шу йилларда Самарқанд меҳнаткашларининг ер ислоҳоти ўтказиш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий революцияни қизитиб юбориш жараёнидаги меҳнат ва курашларига бағишланган бир қатор ҳикоялар ёзади. Алоҳида туркумни ташкил этувчи бу асарларни «Самарқанд ҳикоялари» дейилса хато бўлмайди.

Ш. Сулаймон ҳикояларини уларнинг тематикасига қараб алоҳида группаларга ажратиш мумкин. Қишлоқда босмачилар хуружи ва уларга қарши кураш лав-

ҳаларини тасвирловчи («Қумри ва Қундуз», «Лолалар очилганда»), кулакларни синф сифатида тугатиш йўлидаги меҳнаткаш омманинг советларга актив ёрдамини кўрсатувчи («Қотил», «Фотима Содиқова»), оила-муҳаббат темасидаги («Хитой зонтиги», «Профессор уйланди», «Тўти қиз»), ниҳоят меҳнатни коллектив асосда ташкил қилиш натижасида қишлоқларнинг қиёфаси ўзгариб, янги кишиларнинг туғилишига бағишланган («Янги қишлоқ, янги кишилар») асарлар фикримизнинг яққол далилидир.

Эҳтимол, бу ҳикояларни ўқиган китобхонларда: нега уларнинг ҳар бирида ёзувчи қанча-қанча совет кишиларини қурбон қилади, кўп қон тўкилади,— деб таажжубланар. Таажжубланмаса бўлади. Ёзувчи йигирманчи йилларнинг охири ва ўттизинчи йилларнинг бошидаги ҳаётни муболағасиз, тўғри акс эттиришга ҳаракат қилган. Совет давлатининг ва меҳнаткаш халқнинг ашаддий душманлари бўлган, одамгарчилик қиёфасини йўқотган босмачилар шайқаси қандай жиноятларни қилмаганлар! Қамбағал Боймат аканинг ягона фарзанди — жажжи Қумрининг қўзичоғини сўйиш мақсадида тортиб олган газандалардан уни қайтариб беришни ёлбориб сўраганлари туфайли бутун оила қурбон бўлгани рост. Ёки кулакларни фош этиб, қишлоқда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлида жонбозлик кўрсатгани сабабли душманлар Фотима Содиқовани ёвузларча ўлдирган экан, бу ҳам фантазия маҳсули эмас. Ёш йигит Насрулло билан гўзал ва ифбатли қиз Гулбодом бир-бирларини беғараз, чин юракдан севганлари учун оила қурадилар («Ўлим қудуғи»). Янгича маданий ҳаёт кечириб, бирга Москвага бориб ўқиниш ниятида юрганларида Насруллонинг акаси ва баъзи ўртоқлари турли-туман ёлғон ишволар тарқатиб, икки ёшнинг ширин ҳаётига оғу соладилар. Йигитни оғир жиноят йўлига итариб, Гулбодомнинг навқирон умр ипларини қирқадилар. Бундай мудҳиш жиноятлар тур-

мушда ўша вақтда тез-тез учраб турадиган ҳодисалардан бири эди. Зотан Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги социализмнинг ижтимоий ҳаётда ва кишилар оғида эскиликка қарши бошлаган юриши ғоят серташвиш, кескин синфий курашлар ичида ўтди. Бу даврда саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам, мафкура соҳасида ва оилавий муносабатларда ҳам революция давом этмоқда эди.

Юқорида номлари зикр қилинган ҳикояларни ўқиб, маданий инқилоб тарихи саҳифаларидан жой олган ҳазин бир ҳодиса беихтиёр эсга тушади.

1929 йилнинг сентябрь ойи... Қарши шаҳри яқинидаги Лағмон қишлоғида ғоят ёқимли, хушрўй ўқитувчи киз пайдо бўлди. Унинг исми ҳам жисмига ярашган — Жамила. Комсомол аъзоси, актив жамоатчи Жамила педагогика техникумини тамомлагач, техникум директори ва комсомол ташкилотига ёзган аризасида: «Мени қийин жойлардан бирига, одамларга шодлик ва илм нури келтириб, кўпроқ фойдам тегадиган томонга юборишингларни сўрайман»,— деб ёзган эди.

Дарҳақиқат, Лағмон қишлоғи шундай бўлиб чиқди. Моддий йўқчиликдан сиқилиб кун ўтказиш натижасида ўз қобилигига ўралиб қолган қишлоқ аҳли ўқитувчини очиқ чеҳра билан кутиб олмади. Бунинг устига дин пешволарининг ва ҳар ерда биқиниб юрган босмачилар қўйқасининг таъсири ҳам камбағаллар елкасида оғир юк бўлиб босиб ётарди.

Жамила биринчи дарсга қандай яхши ниятлар ва кўтаринки руҳ билан тайёрланди. Гўё у биринчи масъулиятли имтиҳон олдида турарди. Мактабга ҳеч ким келмади... Иккинчи ва учинчи дарслар ҳам бўлмади. У аламини ичига ютиб, уйма-уй юриб, бола йиғар, бирга мактабга бориб, дарс ўтказарди. Қишлоқ аҳлининг жаҳолати шу даража эдики, ҳатто ёш ўқитувчини итга талатишгача бориб етди. Узоқ вақт олайиб қараб, эл бўлмай юришди. Аммо ўқитувчининг одамлар меҳри-

ни ўзига тортадиган «меҳригиё»си борлигидан, меҳнаткашларга шафқати, ҳурмати зўр эканидан кўнгли юмшай бошлаган қишлоқликлар секин-аста унга кўмаклаша бошладилар. Болалар эса, мактабга ўзлари келадиган бўлиб қолдилар. Даре вақтида ўқитувчи оғзидан эшитганлари улар назарида янги-янги олам яратарди.

Жамиланинг ташаббуси билан районда биринчи пионер ташкилоти тузилди. Ташкилотнинг моҳияти ва вазифалари, ғалаба қилган революция камбағалларга янги бахтли ҳаёт олиб келиб, эзувчиларнинг — бойлар ва руҳонийларнинг ҳукмронлигига чек қўйганини мароқ билан сўзлаб берди. Одамлар ўқитувчига кўпроқ яқинлашган сари қора кучларнинг ғзаби орта бошладди. Ниҳоят, 1931 йил 31 декабрда ўн гулидан бир гули очилмаган Жамилани ёвузларча ўлдирдилар...

Ажаб эмас, муаллиф шу машъум ҳодисадан ҳаяжонланиш орқасида «Фотима Содиқова» ҳикоясини яратган бўлса. Ажаб эмас, Жамила билан бирга ишлашган, кейинчалик пенсионер, коммунист Ашур Жўраев «Фотима Содиқова»ни ўқиганда Жамиланинг саргузаштларига қиёс қилиб кўриб: «Бу ҳақиқат!»— деган бўлса.

Ш. Сулаймон ҳикояларидаги китобхонлар диққатини ўзига тортадиган жиҳатлар фақат қонли курашлар ва қурбонларгина эмас. Аксинча жафокор ўтмишга, унинг мудҳиш қора сояларига қарши олиб борилган ҳаёт-мамонт жангида тугилиб келаётган, ҳақиқий истиқбол эгалари бўлган янги типдаги совет кишилари-дир. «Лолалар очилганда» ҳикоясидаги Хадича худди шундай ёшларнинг типик вакилидир. Хадича эндигина ўн саккиз баҳорни қарши олган бўлса-да, отасининг ўлими натижасида бева қолган Шарофат хола ва синглиси Санобар билан кўрган турмуш қийинчиликлари ва меҳнат-машаққатлар унинг гўзал чеҳрасидаги қизилликни, лабларидаги кулгини жуда эрта ўғирлаб улгурган.

У ҳамма қийинчиликларни енгиб, ўқишга кирази,

комсомол сафига ўтади. Ўқишни тамомлаб муаллимчилик қилади. Шу йиллардаги ижтимоий ҳаёт маълум вақтгача паранжида юришни тақозо қилишига қарамай, бу фикр билан келиша олмайди. Тоғаси — муаллим Каримжоннинг «паранжини бирдан ташлаб бўлмайди, у халқнинг руҳига сингиб кетган», — деган қарашларини қаттиқ танқид қилади. Хадича оила, муҳаббат тўғрисида ҳам ўзининг илғор, социалистик қарашларига эга. Унга кўп муаллимлар оғиз солиб, совчи қўйганда, уларга шундай жавоб қилади: «Қизиқ, мен уни танимасам, билмасам, кўрмаган бўлсам, қандай қилиб «ҳа, розиман», — дейман». Хадича яқин дугонаси — татар қизи Гулжамол билан хотин-қизларнинг саводсизлигини битириш курси очмоқчи, маданий-маориф ишларини ривожлантирмоқчи бўлиб турган кунларда қишлоққа босмачилар бостириб келиб, уларни мактаб биносига қамаб ёндириб юборадилар. Лекин Хадичанинг бошлаган ишини юзлаб қишлоқлардаги бошқа Хадичалар давом эттирадилар.

Ёзувчи совет адабиётининг ижобий қаҳрамони социалистик дунё учун курашда тобланаётган, бахтли келажак таътанаси учун билим ва ғайратини, ақл ва иродасини ишга солишга тайёр турган, ҳеч нарсадан қўрқмайдиган фотималар, хадичалар, шарофатойлар эканини яхши англагани ҳолда, уларнинг фаолиятини илиқ меҳр билан тасвирлайди. Аммо элга бирор манфаат келтирмай, мешчанларча яшашга интиладиган шахсларни жиддий қоралайди. Ёзувчи яратган Сония («Хитой зонтиги»), ҳаётга қисман енгилтаклик билан қаровчи Тўти («Тўти қиз»), Ширинхон («Профессор эринди») образлари шулар жумласидандир.

Ҳикоянавис Сония ва Тўти тақдирига нисбатан бетараф бўлиб қолмайди, балки гуманистик нуқтананар билан ёндашади. Бир қанча вақт ўз фароғати ва кийим-кечаги тўғрисидагина қайғуриб, тскинхўрлик билан кун кечирган, ҳатто эрига хиёнат қилиш, таш-

лаб кетиб, маиший бузуқ одамлар тузоғига илинишгача бориб етган Сония, кейин хатоларини тушунади. У ипакчилик фабрикасига ишга киради, комсомолга қабул қилинади. Қисқаси, ўзининг тўғри ва ёрқин йўлини топиб олади. Тўти ҳам маълум муддат эри Комилнинг раъйига қараб, тилёғламаликларига алданиб ўқишдан қолади ва жамоатдан четда умр кечиради. Шунга қарамай, бебурд, вафосиз Комил уни ташлаб кетади. Тўти дугоналарининг кўмагида яна ўқишини давом эттиришга, хатоларини тузатишга муваффақ бўлади. Авторнинг турмушга енгилтаклик билан қарамаслик кераклиги ҳақидаги фикрлари Тўтининг дугонаси Хайри тилидан шундай баён қилинади:

«— Мен қизларнинг турмуш масаласига енгил қараб, шошилиб эрга чиқишларига бор кучим, ғазабим билан аччиқланаман. Муҳаббатнинг ўзи нима, билмайдилар. Икки оғиз ширин сўз гапириб, мулозамат, хушомад қилган усти ялтироқ, ичи қалтироқ ҳар қандай йиғитга берилаверсанг, ўхў, нима бўлади...»

Ш. Сулаймон ижоди бир хилда текис ривожланмади. Баъзан ҳаётда рўй бераётган воқеаларни тўғри акс эттиролмай, айрим ёшларда учрайдиган безорилик, маиший бузуқлик сингари ярамасликни бутун совет ёшларига хос хусусият даражасига кўтариб, бўрттириш ҳоллари учраб қолади. Ёзувчининг «Қанотсиз бургутлар» ҳикояси фикримизнинг далили бўла олади.

Ҳикоя сюжетида маълум бўлишича, бир гуруҳ комсомоллар муҳим сиёсий кампания — галла ўримиғимига қишлоққа чиқадилар. Аммо уларнинг асл мақсади яхши ишлаб, намуна бўлиш, деҳқонларга ёрдам бериш эмас, бир-бирини севган икки ёш комсомол аъзолари Қарим билан Қимматойнинг турмушини заҳарлаш бўлади. Одамгарчилик қиёфасини йўқотган «комсомоллар» Қимматойни хилватга судраб кетиб, зўрлайдилар. Бундан хабар топган ўша ерлик бир хотин жабрланган қизни уйига олиб кетади ва қидирув

шуъбасига бу машъум қилмишларни етказадн. Безори-лар ундан ҳам ўч олиш ниятида тухмат қилиб хотинни қаматадилар.

Миллатчилик билан заҳарланган бир «комсомол аъзо-си» хотинга маргимуш солинган нон юборади. Нонни онасига олиб кетаётган хотиннинг ўғли йўлда уни еб кў-риб, ўлиб қолади. Карим безори ёшлар устидан «намуна-ли суд» қилдириш учун шаҳарга келганда, у газетада танқид қилган кооперативчилар томонидан ўлдирилади...

Кўриниб турибдики, автор образларни типиклашти-ришда жиддий хатога йўл қўяди ва реализмдан чекина-ди. Турли-туман ёвузликларни, даҳшатларни бир ҳикояга тўплаб, замон руҳига мос келмайдиган, комсомол образи учун типик бўлмаган иллатларни қонуний ҳодиса қилиб кўрсатади. Шу сабабга кўра асарга ўз вақтида салбий муносабат билдирилган эди.

Ҳамид Олимжон «Замон ва Шокир Сулаймон»¹ ном-ли тақризида, Насрулло Охундий «Комсомол адабиёти учун кураш»² сарлавҳали мақоласида Ш. Сулаймонга қаттиқ эътироз билдирдилар. Ҳамид Олимжон адолатли равишда: «... Биз ўзнмизда бўлган камчиликларни кўп-чилнк олднда очик айтишга одат қилган бир коллектив бўлганимиздан бу нарсани, «комсомоллар орасидаги айрим бузилишларни» (М. Ю.) ёпиб кета олмаймиз... Шунинг учун ҳам комсомолларни соғломлаштириш, шўроларни тозалаш ишига жуда катта аҳамият бера-миз... Лекин биз бу ерда шу безорилик хусусияти Ўз-бекистон комсомолининг иш системаси дея оламизми?.. Комсомолнинг асосий хусусиятини фаол коммунизм ку-рашчиси эканидан излаш керак»,— деб таъкидлаган эди.

Шу ҳикоя муносабати билан «Қизил қалам» жамияти мажлисида Ш. Сулаймон ижоди махсус муҳокама қи-линганди, у ҳикояда жиддий нуқсонларга йўл қўйганини

¹ «Ёш ленинчи», 1930 йил 26 март.

² «Ёш ленинчи», 1931 йил 3 февраль.

эътироф этиб, иккинчи бундай хатоларга ўрин бермая-жагини айтгани матбуотдан бизга аёндыр.

Ш. Сулаймон 30-йилларнинг ўрталарига келиб яна бир қанча дуруст асарлар ёзди. Рус адабиёти ва бошқа қардош халқлар адабиёти билан яхши танишиб, унинг адабий фаоллигига ижобий таъсир кўрсатди. Бу ўринда ёзувчининг, айниқса татар адабиёти билан бўлган ижодий алоқаларини эслаб ўтиш тўғри бўлур эди.

Маълумки, 1936 йили бир гуруҳ йирик ўзбек ёзувчилари: Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Абдулҳамид Мажидий, Амин Умарий, Шокир Сулаймон бошчилигида Қозонга боришган эди. Улар Татаристон колхоз ва совхозлари, завод ва фабрикаларида бўлиб, Татаристон меҳнаткашларининг социализм қурилиши соҳасидаги галабалари билан танишадилар ва ўз навбатида қардошларимизни ўзбек халқининг маданий ривожини, пахта мустақиллигини ва индустриштириш соҳасидаги қадрамонона ишлари билан таништирадилар.

Ижодий учрашувларда Татаристон ёзувчилар союзининг раиси ўринбосари Гумар Галиев—татар совет адабиётини ҳақида, Ш. Сулаймон—ўзбек совет адабиётини ҳақида доклад қиладилар. Татар халқининг ҳаёти ва ажойиб ишларидан пухта олинган ўзбек ёзувчилари, у ерда тўплаган материаллари асосида, ҳар хил мавзуда асарлар ёзиб, алоҳида бир китоб нашр этишга аҳд қиладилар. Таассуф, бу китоб ўша йилларда рўй берган объектив ҳодисалар туфайли нашрга тайёрланмай қолади...

Татар ёзувчилари билан шахсан учрашувлар, икки ўртада бўлиб ўтган адабий суҳбатлар Ш. Сулаймонга катта озиқ беради. Бинобарин, у шаклан миллий, мазмунан социалистик татар совет адабиётини ҳақида алоҳида мақола ёзиб, ўзбек ёзувчиларини ундан хабардор қилиш имкониятига эга бўлди¹. Унинг 1937—1940 йиллар мобайнида яратган асарларида татар халқ оғзаки ада-

¹ «Қизил Ўзбекистон», 1939 йил 24 октябрь.

биёти мотивлари, татар меҳнаткашлари ҳаётидан олинган воқеалар тез-тез учраб туради.

Ш. Сулаймон адабий танқидчи сифатида ҳам ижод қилган. Унинг кўпгина мақолалари ўзбек совет адабиётининг актуал масалалари, халқ оғзаки ижодининг ривожланиш йўллари, болалар адабиётининг муҳим вазифалари каби проблемалардан баҳс очади.

«Олтиндан қиммат» халқ адабиётини қадрига етиб тўплаш, яхши ўрганиш ва бу масалага студентлар жамоатчилигини жалб қилиш масалаларига бағишланган «Халқ адабиёти»¹, Фафур Ғулом билан бирга ёзилган «Ўзбек совет адабиёти»², Ғ. Каримов билан бирга ёзилган «Болалар адабиёти ҳақида»³, ўз қаламига мансуб бўлган «Болаларга яхши қўшиқлар»⁴ ва бошқа ўнлаб мақолалари адабиётимизнинг муҳим вазифаларини ўртага қўяди.

Ш. Сулаймон ўзбек совет адабиётининг асосчилари Ҳамза Ҳакимзода ва Садриддин Айнийлар билан шахсан таниш ва ўзаро адабий суҳбатларда бўлган. Ҳамза Ҳакимзода 1927 йили Самарқандда бўлган чоқда Ш. Сулаймоннинг уйида меҳмон бўлиб, адабиётнинг аҳволи тўғрисида суҳбатлашган. Шу жонли алоқалар кейинчалик (Ҳамзанинг ҳалокатидан сўнг) қатор мақолаларнинг майдонга келишига сабаб бўлган.

«Қизил қалам» жамияти ўзининг 1929 йилда нашр қилган II мажмуасини шундай сўзлар билан бошлайди: «Қизил қалам» жамияти бу мажмуани социализм курашида синфий ёвларимиз — бойлар, руҳонийлар қўлида ўлган ёзувчимиз Ҳамза Ҳакимзодага бағишлайди.

Китобнинг I бўлими Ш. Сулаймоннинг «Шоирнинг кунлари» мақоласи билан бошланади. Мақолада Ҳамза Ҳакимзоданинг ҳаёт йўли очерк тарзида қисқача тасвир-

¹ «Фарғона», 1923 йил 15 апрель.

² «Қизил Татаристон», 1936 йил 14 август.

³ «Ёш ленинчи», 1939 йил 14 декабрь.

⁴ «Ёш ленинчи», 1940 йил 2 июнь.

лаб берилган. Бундан кейин ёзилган айрим мақолаларда Ш. Сулаймоннинг Ҳамзага нисбатан салбийроқ муносабати ҳам учрайди. Аммо 1939 йили Ҳамза юбилейини ўтказиш комиссиясида ишлаган даврида шоир ижодини тўғри баҳолайдиган асарлар яратди. Ўз қўлида сақланиб келаётган Ҳамзанинг ижтимоий ва адабий фаолиятига оид кўпгина материалларни юбилей комиссиясига топширди.

Ш. Сулаймон 1939 йил ёзган «Ҳамза Ҳакимзода — революция шоири»¹ номли мақоласида билдирилган: «Ҳамзанинг буюк революциядан сўнг, 1919 йилда босилган «Атир гул»и ўзининг тоза, революцион ўткир ҳиди, хушбўй, севинчли муаттарлиги билан бошқаларни туртиб ташлайди. Бу — Ҳамзанинг буюк Октябрга самимий садоқати, чин юрак тегиши ва совет ёзувчисининг биринчи манифестидир», ёки: «Октябрдан сўнг бевосита ўзбек совет адабиётини яратишда у адабиётнинг биринчи қалдирғочи бўлиб қанот қоқишда ва унинг пойдевор тошида Ҳамзанинг катта хизмати бордир. Бу жиҳатдан Ҳамза ўзбек совет поэзиясининг алифбесини бошлаганлардан, унинг унутилмас талантили вакилларида ҳисобланади», ёки: «унинг ижоди меҳнаткаш омма учун эди. У ўзининг бадий асарларини омма ичига, меҳнаткашлар юрагига сингдириш учун тиришди. Тилни соддалаштирди, услубини силлиқ, равон қилди. Ўз асарларини узун умрли, оғизда давомли қолдириш учун тиришган Ҳамза, шубҳа йўқ, ўз тилагига етди» — сингари фикрлар ҳамон эскирмаган.

Биз Шокир Сулаймоннинг ҳаёти ва ижодий йўли ҳақида, мукамалликни даъво қилмайдиган айрим мулоҳазаларни баён қилишга уриндик. Шоирнинг адабий мероси шугина эмас. Ўйлаймизки, у тўғрида муфассал сўзлаш вақти келар.

1966 йил

¹ «Гулистон», 1939 йил, № 6, 11—14-бетлар.

Устоз Шайхзода

Меннинг маънавий оламимга ҳассос шоир, етук олим сифатида кирган ва умрининг охириги дақиқаларигача бу икки соҳада тобора юксакроқ кўтарилган Мақсуд Шайхзода билан 1939 йилги танишганман. Бу даврда Мақсуд ака Тошкент Давлат Педагогика институтида ўзбек совет адабиётидан лекция ўқир ва адабиётга, илмга чанқоқ ёшларга мураббийлик қиларди. Гарчи биз — студентлар ўрта мактабда, рабфак ва техникумларда адабиёт фанидан озми-кўпми хабардор бўлиб келган бўлсак-да, институт даргоҳида ола бошлаган билимларимиз зеҳнимизда бутунлай янги дунё яратди.

Адабиётни ҳаят севадиган, зўр ҳавас билан машқий шеърлар ёзиб юрадиган ёшлар учун Мақсуд ака қандайдир сеҳрли кишига ўхшар, баъзан ўқитувчи Шайхзода ўрнига бошқа бирор муаллим дарсга киргудай бўлса, шоир Шайхзода ўрни бўш қола берарди. Унинг ширин-сўзлиги, сўзларни озарбайжончага мойил қилиб талаффуз этиши ва ўзига хос оҳанги бизларга хуш келар, лекцияларни ҳам гўё шеър ўқиётгандек туюларди. Мақсуд ака ўз дўстлари, сафдошлари бўлган Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун, Яшин, Абдулла Қаҳҳор ижодини анализ қилганда, уларнинг ҳар бирига хос, бошқаларда такрорланмайдиган индивидуал фазилатларини очиб бернишга алоҳида эътибор қиларди.

Мана, қўлимда Мақсуд ака лекциялари ёзиб олинган дафтар. Уни тутганимга 32 йил бўлипти. Ўтган вақт ичи-

да дафтар эскириб, саргайиб кетибди-ку, аммо ундаги ҳар бир жумладан Мақсуд ака нафасининг ҳарорати сезилиб турибди.

Дафтардаги баъзи жумлаларни тинглаб кўринг, ўз сафдошларини қандай таърифлар экан у: «Ғафур Ғулом ўзининг илк шеърлариданоқ тайёрланиб, яхши пишиб-етилиб майдонга чиқди. Ўз асарларини қунт билан ишлаб, пухта қилиб, сўнг нашр қилишга бошлади...

Ғафур Ғулом кўп жанрли ёзувчи. Лекин унинг ижодида поэзия асосий ўрин эгаллайди. У шоир сифатида ўзбек совет поэзиясига қатор янгиликлар киритди. Бу янгиликлар революцион рус поэзиясининг ва биринчи навбатда, Маяковскийнинг таъсири остида юз берди. Ғафур поэзиясидаги новаторлик тематикада, шоирнинг эстетик қарашларида, шеърларининг поэтикасида ва бадий тилида равшан кўриниб туради. Шеърга ҳаётий темаларни олиб киришда Ғафур илк ташаббускорлардан бўлди...

Ғафур мумкин қадар оригинал бадий воситалар қўллашга интилади. Бу шоирнинг ташбеҳларида, истиораларида, муболағаларида сезилиб туради. Унинг поэзиясида бадий ифоданинг турли шакллари бир-бирига аралашиб кетади. Маъно товланишларга катта аҳамият берилади. Мана, ўзингиз бир тинглаб кўринг.

...Албат:

Шу бола ҳам	}	Пафос
Пионердай гумбурлатиб барабан,		
Шу қаторда қалам-дафтар қўлтиқлаб,		
Юрмаганга аламланиб —		
буриб лаб	}	Қайғуриш
Аччиғини олар, балки		
Махоркадан, ошиқдан.		
«Партиямиз ўқимоқни ҳаммага		
Мажбурий, деб қўйса ҳам,	}	Публицистика

Айтинг, нега

Маорифда ўлтирган акам }
беларво?»—

Истеҳзо

деб балки чекар ғам?..

«Ойбек ўзбек адабиётида алоҳида фигура. У шоиргина, адибгина эмас, файласуф ҳамдир. Ўз устида системали равишда, кўп ишловчи маданий шоирлардандир...»

«Яшин ижодини шеър билан бошлаб, сўнг драматургияга ўтди ва драматург сифатида ўсди. Хозир драматургиямизнинг марказий фигурасидир. Бизда драма театрдан орқада қолиб келаётир...»

Домланинг дарс вақтида берадиган маълумотлари одатда қисқа бўларди. Эҳтимол, тафсилотга берилмаслик студентларнинг ўзларида мустақил фикрлаш қобилиятини ўстиришни кўзда тутишдан бўлса керак. Мисол учун Ҳамид Олимжон тўғрисидаги фикрларини олайлик: «... 1932 йилдан сўнг Ҳ. Олимжон ижодида янги — иккинчи босқич бошланди. Бадний жиҳатдан шоир бу даврда кучаяди. «Бахтлар водийси» бу жиҳатдан шоён диққатга сазовордир. Асарда янги совет Фарғонасининг гуллаётгани куйланади. У қасида характеридаги шеър, ғоят эмоционал. Унда ақлгина эмас, юрак ҳам қатнашади. Шеърда такрор ёмон, аммо тақир — таъсир кучини ошириш учун жўрттага қайтариш яхши. Шоир бу ерда тақир услубини қўллаган...»

Шундан кейин «Бахтлар водийси»нинг дастлабки бандларини ўқишга киришди:

Кўм-кўк,

Кўм-кўк,

Кўм-кўк...

Кўклам қуёшидан

кўхарган қирлар

Пўлат яғринларини

Кўтарган ерлар

кўм-кўк!..

Мақсуд аканинг мулойим табииати, «тангри бандаларига жаҳл билан табассум улашганда — жаҳл ўрнига ҳам табассум олгани» унинг дарсларида, ёзган мақолаларида равшан кўриниб турарди. Гўё дўстлари тўғрисида танқидий фикр айтгиси келмагандай бўларди.

Студентларнинг қизгин истаги билан ора-сира дарсларимиз шеърхонлик билан тугар, бундай дамларда шоир Шайхзода ҳис-ҳаяжонларимизнинг ягона ҳукмдорига айланарди. Бир кунни шогирдларининг илтимоси билан яна шеър ўқишга бошлади. Гражданлар уруши йилларидаги воқеаларга, босмачилар билан кураш эпизодларига бағишланган «Мерос» шеъридаги қуйма мисралар жаранглай бошлади:

Милтиқлар тинди туз-саҳроларда...
Қочди душманлар — шикаст, пажмурда,
Қўк бағрини чок этмайин энди,
Оғзи қизиган милтиқлар тинди...
Милтиқлар тинди, лекин уларнинг
Ҳали сўнмаяпти йиртқич нафаси
Тоғлар белидан ҳаллослаб ўтар,
Боя узилаган ўқнинг сояси...

Илгарилари сингари бу шеърнинг таъсири шу қадар кучли бўлдики, узоқ йиллар давомида «тоғлар белидан ҳаллослаб» ўтиб келаётган ўқнинг қабартма образи кўз ўнгимдан кетмади.

Мақсуд ака қайси шоирни яхши кўрса, ҳурмат қилса, одатда уни: «поэзия қарвонининг сарбонларидан» деб сифатлар эди. Кейинчалик билсак, унинг ўзи ҳам «поэзия қарвонининг сарбонларидан» экан. Шунинг учун лекциялари илмий-назарий жиҳатдан юксак, асарлари ғоявий-бадий томондан етук бўлар экан. Мақсуд ака бирор проблематик мақола ёзмақчи бўлса, аввало унинг асосий тезисларини лекция вақтида ўртага ташлаб, ўзича синовдан, муҳокамадан ўтказиб оларди. Биз буни

1940 йил «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журналида босилган «Маяковский ва ўзбек совет адабиёти» мақола-си мисолида сезиб олдик. Чунки, мақолада бизга лекция вақтида таниш бўлиб қолган қуйидаги жумлалар (яна-да сайқалланган шаклда) келтирилган эди. «1923—1924 йиллардан эътиборан адабиёт сахнасига чиққан совет шоирларини олинг. Булар, деярли ҳаммаси, буюк рус адабиётидан озми-кўпми бахраманд бўлганлар. Ғайратий, Уйғун, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Темур Фаттоҳ ва бошқалар ё бевосита ва ё билвосита рус поэзия-сидан кўп нарса ўргандилар. Уларни ўргататурган ус-тозлар ўртасида эса Маяковский жуда катта роль ўй-нагани маълум».

Умрининг сўнгги дамларигача олим Шайхзода билан шоир Шайхзода бир-биридан кейинда қолмаган эса-да, ҳар ҳолда унинг вужудида шеърят ғалаба қилиб турарди. Шеърят унинг жону дили бўлса, фалсафа — у эркин ҳаракат қиладиган майдон эди. Бинобарин, шоир Шайхзода тилга кирганда аллаламайди, фикр уйғотади, билиш иштиёқини туғдиради. Бунга ёзувчи оро-ми — истироҳати, вақти, уйқусинигина эмас, орзу-умид-ларини, ширин хаёлларини ҳам ижодга бергани туфайли эришади.

Мақсуд ака ўз шогирдларига отадек меҳрибон эди. Биз қаерда, қандай хизматда бўлмайлик доимо унинг руҳий мадад берувчи қўлини елкамизда ҳис қилардик. Инсон қисматида нималар рўй бермайди, дейсиз. Мақсуд ака хурсандлигимизга шерик бўлса, қайғумизга қайғудош эди... Улуғ Ватан уруши йилларида ва урушдан кейинги 10—12 йил давомида мен гоҳ Хоразмда, гоҳ Бухорода, гоҳ Самарқандда ишладим. Мақсуд ака билан кам учрашадиган бўлиб қолдик.

1964 йил эди. Шоирнинг «9 январь» кўчасига жойлашган мутахассислар уйидаги квартирасида узоқ суҳбат-лашдик. Ўша кунларда хаста бўлиб кўчага чиқмай, зер-киб ўтирган эканлар. Таниш-билишлар, ёр-биродар-

лар тўғрисидаги гаплардан сўнг, суҳбатимиз поэзия мавзунда давом этди. Жўшқин ижод қилаётган талантли ёшларнинг асарларидан мампунлигини изҳор қилиб, кекса авлод қўлидан қаламни олишга лойиқ кишилар етишаётганлигини айтди. Бир оз сукут қилгач, деди:

— Айрим ёш шоирларда, сирасини айтганда фақат ёшларнинг ўзидагина эмас, шундай ҳодиса учрайдики, ўзлари меҳнат қилишни истамай, бошқа шоирларнинг асарларида ўқиганлари, эшитганлар — тайёр образларни олиб гўё ўзлари яратгандек ишлата берадилар. Бунинг оқибати фалокатга олиб боражагини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Бу хусусда Озарбайжон халқ шоири Расул Ризо ҳам яхши мулоҳазалар айтган. Унингча, иншоотда ва бинокорликда тайёр блокларни бир-бирига улаб бпно яшаш — прогрессив усул, лекин шеърятда бу усулдан фойдаланиш керак эмас. Бошқалар тарафдан уйқусиз кечалар, огир меҳнат, қалб сирқираши, асаб ҳорғинлиги ҳисобига узоқ изланишлардан кейин топилган образларни, ташбеҳларни, ифодаларни ҳатто сюжетни ўзлаштириш асло маъқул усул эмас... Мақсуд ака фикрини хулосалаб:— Булоқ суви ўз йўли билан келади. Шунга ўхшаш санъаткор яратадиган асар ўз қалбининг ҳароратини, ўз ҳисси ва ҳаяжонларининг тароватини кўрсатиб турсин,— деди...

1965 йил октябрь ойида илмий командировка билан Бокуга боришга тўғри келди. Ўша кезларда мен рубоий жанри ва унинг ҳозирги замон совет поэзиясидаги ўрни масалалари билан қизиқиб юрган эдим. Озарбайжон халқ шоири Муҳаммад Роҳим кўп рубоий ёзган шоирлардан бўлгани учун у билан суҳбатлашиш орзуси бор эди. Бокуга борган кунимнинг эртасигаёқ Мақсуд ака, «Интурист» меҳмонхонасида турганларини эшитиб, ғоят хурсанд бўлдим. Тошкентдан келганларига қарийб 20 кунча бўлган ва бетоб бўлиб қолиб, даволаниб ётган эканлар. Ҳузурларида содиқ рафиқалари Сакина опа, азиз ва иуроний оналарн ўтиришган экан. Мени Бокуда учратиш-

ни ўйига ҳам келтирмаган Мақсуд ака жуда севиндилар. Ўзоқ суҳбатлашиб ўтирдим. Менинг Муҳаммад Роҳим билан учрашиш истагим борлигини эшитгандан сўнг, унинг уйига телефон қилиб, қабул вақтини аниқлашга ёрдам бердилар.

13 октябрь кунн соат 6 ларда шоир мени очик чеҳра билан самимий кутиб олди. Суҳбатимиз асосан рубоий устида борарди. Шоир ўз рубоийлари Озарбайжон поэзиясидаги баёти принципида ёзилганини, унинг миллий замини Озарбайжон халқ оғзаки шжоди эканини сўзлаб берди. Бир қанча баётилар ва оғзаки адабиёт жанрларида бўлган, гўшмалардан ёддан ўқиб, уларни ўзи қандай янгидан яратганини мисоллар билан кўрсатиб берди. Сўз охирида «Адабиёт ва шжа-санат» газетаси саҳифаларида Р. Ризо билан бўлган мунозараларни ҳикоя қилиб берди.

Мақсуд ака билан сўнгги марта 1966 йилнинг ёз ойларида ёзувчиларнинг Дўрмондаги боғида, қарийб йигирма кун давомида ҳамсуҳбат бўлдик. У кунлар бир умр хотирдан чиқмаса керак. Боғда дам олаётганлар орасида Мақсуд акадан ташқари Мамарасул Бобоев, Туроб Тўла, Толиб Йўлдош, прозаик Ҳаким Назир ва бошқалар бор эдилар. Қўпичча боғ ҳовлисидаги катта сув лабида ёки шохлари нақ ерга теккүдек эгилиб турган чинорлар остида адабий суҳбатлар қуардик. Шу ерда Мамарасул Бобоевнинг «Шабда ва япроқлар» туркум шеърлари яратилди. Туркумга кирган «Ҳавас» шеъри ёзиб бўлингач, муаллиф Мақсуд ака бошлиқ ҳаммамизни чақириб, ўқиб берди:

Зарғалдоқлар баҳслашар боғда:

Бири сўрар —

— Қим у Шайхзода?

Бири дейди:

— Менман Шайхзода!

— Са-а-а-н?

Ўзларидан сўрасак?
— Йўқ, мен Шайхзода!—
Бу тортишув тонгдан қулоқда.
Қўшганим йўқ бирор сўз, дўстлар,
Ё бир оҳанг қуш таъбирига.
Не таажжуб.
Сайроқи қушлар —
Ҳавас қилса доно шоирга!

Бу шеър кейинча шоирнинг 1969 йили нашр этилган «Шабада ва япроқлар» тўпламида ҳам босилди. Шеър тагига муаллиф қуйидаги изоҳни берган: «Севимли шоир Мақсуд Шайхзода билан Дўрмондаги боғда бир ёз бирга дам олдик. Бу шеърлар ҳам ўшанда ёзилган ва бутун туркум поэзия секцияси анжуманида Шайхзода раислигида муҳокама қилинган эди. Ўзига бағишланган бу шеър уни анча шод этган эди».

Кунларнинг бирида, яна Мақсуд ака бош бўлган ҳолда ёзувчи Ҳаким Назирнинг Тошкент энлзиласи мавзуида ёзилган «Кампирнинг дарди», «Шошилинич телеграммалар», «Келармикин дадажонинг» каби бир неча ҳикояларини муҳокама қилдик. Мақсуд ака кўп гапирмас, уч-тўрт жумла билан — энг зарур фикрларни ғоят юмшоқ қилиб айтиб қўя қоларди. Бунни пайқаб ўтирган Мамарасул Бобоев:— Домла, ҳеч озор бермайдиган қилиб, юмшоқ гапиришга устасиз-да. Танқидингиз ҳам мақтовдек туюлади,— деди.

Мақсуд аканинг саломатлиги анча ёмон аҳволда бўлса-да, ҳамма вақтдагидек қувноқ ва ҳазил-мутуйибачи эди. 1966 йил август ойининг бошларида уни Кремль шифохонасига жўнатишадиган бўлишди. Сафар олди-дан ўзига хос самимият билан қучоқлашиб кўришди ва «Маҳмудали, бу ерда бошланган сўхбатларни мен тузалиб келгач, давом эттираман» — деди. Афсус, минг афсуски, бу сўнгги учрашув эди...

Истеъдод чашмаси

Адабиёт ва санъат ўзига хос қонуниятларга эга. Уларни билмасдан туриб санъаткорнинг ижодий маҳсулини яхши тушуниш ҳам, яхши изоҳлаб бериш ҳам мумкин эмас. Зотан реал воқеликни конкрет-ҳисли образларда гавдалантирувчи ҳар бир етук бадиий асар китобхонни янги, илгари таниш бўлмаган кишнлар, саргузаштлар оламига олиб киради. Сўз устасининг қаламига мансуб ҳикоялар, шеърлар, повестлар ва романларда киши қалбини ҳаяжонга соладиган ажойиб бир куч яширинган бўладики, уни баъзан сўз билан ифода-лаб бериш қийин. Аммо у куч, албатта, ҳамманинг руҳида муайян ўзгариш, бурилиш ҳосил қилади. Маънавий жиҳатдан бойитади.

Адабиётшунос, танқидчи эса, ёзувчи асарига яширинган ўша ажойиб кучнинг сирлари нимада эканини бошқалардан олдин кўришга, чуқур анализ қилиб, изоҳлаб беришга даъват этилган. Унинг касби гоят мураккаб ва масъулиятлидир. Замон талабига жавоб берадиган танқидчи ва адабиётшунос бўлиш учун жуда кўп нарсани иложи бўлса, ҳамма нарсани: жамият ва табиат ҳақидаги илмларни, музикани, тасвирий санъатни, қисқаси, ҳаёт нима билан жозибадор, гўзал бўлса, барчасини биллиши керак. Лекин бу тараққиётга ҳалақит бераётган ҳар қандай салбий ҳодисалардан, ёмон ахлоқий сифатлардан кўз юмиб ўтиш, деган сўз эмас, албатта. Муҳокама юритганда объектив мавқеда туриб, бадиий тафак-

курнинг тўғри ривожланишига хизмат қилиш, сезгиллик ва меҳрибонлик билан истеъдодларнинг камол топишига таъсир кўрсатиш унинг фаолиятидаги асосий белгилардир.

Муайян бадий асарнинг китобхонлар ўртасида кенг танилиши ёки кўпчилиكنинг эътиборидан четда қолиши танқидчи ва унинг маҳорат билан қилган пропагандасига ҳам боғлиқ. Зотан ёзувчи катта меҳнат билан яратган ўз асари ҳақида ўқувчининг фикрини билишни истайди. Ана шу эҳтиёж ёзувчи билан китобхон ўртасидаги бошқа бир ижодчининг — адабий танқидчининг ҳамкорлигини тақозо қилади. Адабий танқидчи ва адабиётшунос сиймосида адабиётга чуқур муҳаббат, назик бадий дид, одиллик ва тарафкашликка маҳлиё бўлиб кетмаслик, асарларни партиявий мавқеда туриб баҳолаш каби фазилатлар мужассам бўлиши керак. Танқидчи ёзувчининг касбдоши, яқин дўсти ва беғараз ёрдамчиси бўлгани ҳолда, керак бўлганда ҳолис ҳукм чиқаради, танқид ҳам қилади.

Бизнинг фикримизча, кекса адабиётшунос, сермахсул таржимон ва ёзувчи Тўхтасин Жалолов ана шундай шахслардандир.

Тўхтасин Жалолов бундан ўттиз йил аввал адабий танқид ва адабиётшунослик билан шуғуллана бошлади. Ҳамма вақт Тўхтасин акани кўрганда ёки китоб муқоваларини безаб турган исм-фамилиясини ўқиганда бир воқеа хотирамга тушади.

Бу 1938—1939 ўқув йили содир бўлган эди. Бизлар Тошкент Давлат педагогика институтининг Тил ва адабиёт факультетида ўқир эдик. Адабиётни жондилдан севар, матбуотдаги янгиликларни синчиклаб кузатиб борардик. «Қизил Ўзбекистон» газетаси ва «Гулистон» журналида Алишер Навоийнинг «Хамса»сидаги достонларни таҳлил қилувчи мақолалар чиқа бошлади. Уларнинг охирида илгари бизга таниш бўлмаган «Тўхтасин Жалолов» деган имзо бўларди. Студентлар зўр қизиқиш

билан у мақолаларни ўқир, илмий-назарий жиҳатдан етук фикрлар баён қилган муаллифнинг кимлигини би-лишга ҳаракат қилишарди.

Бир кун адабиёт тарихи ўқитувчимиз — ажойиб педа-гог, истеъдодли адабиётшунос Олим Шарафиддинов домладан янги муаллифни суриштира кетдик. Домламиз ўзларига хос назокат билан, шошилмай гап бошлади-лар:

— Тўхтасин Жалолов яқинда кечки Педагогика инс-титутини битирди. Ўттиз ёшлар чамасидаги ёш олим. Форс тилини яхши билади. Шарқ адабиётидан тўла ха-бардор йигит. Навойини ва ўзбек классик адабиётини чуқур идрок этади. Таъби равон. Адабиётга анча дуруст тайёргарлик билан кирган.

Биз домла Шарафиддиновнинг етти ўлчаб, бир кеса-диган эканини, одамларга ортинча баҳо бермаслигини билганимиз учун Тўхтасин Жалоловга бўлган қизиқиши-миз яна ортди. Бу муаллифнинг қаламига мансуб бўлган ҳар бир мақола, ҳар бир тадқиқот тезда тилга олинар ва қизгин баҳслашувларга сабаб бўларди...

Тўхтасин Жалолов 1909 йилда Андижон областининг Шаҳрихон (ҳозирги Москва) районига қарашли Пастки Шаҳрихон жамоасининг Яккатут маҳалласида деҳқон оиласида дунёга келди. 1914—1918 йиллар мобайнида эски усулдаги мактабда таълим олади. Инқилобдан кейин очилган совет мактабларида ўқитила бошлаган, ҳаёт билан боглиқ фанлардан баҳраманд бўлиш учун муаллимлар тайёрлаш курсларида ўқийди ва 1930 йилга қадар Шаҳрихонда ўқитувчилик қилади. Орадан бир оз ўтгач, Самарқандга келиб, Педагогика академиясига киради. Қишқи ва ёзги таътил вақтларида ўқитувчилик-ни давом эттиради. 1933 йили отасининг вафоти туфайли академиядаги машгулотини охирига етказа олмай Шаҳ-рихонга қайтади.

Тўхтасин ака 1936 йилни алоҳида мамнуният билан эслайди. Ахир, шу йили Ўзбекистон Маориф комиссар-

лиги уни Тошкенга чақириб олган, сўнг Қишлоқ хўжалик олий мактабида, республика партия Маорифи уйида ва Ҳуқуқ институтинда баланд завқ билан дарс беришга киришган эди-да. Тўхтасин ака пойтахтда эканидан фойдаланиб, илгари чала қолган олий филологик маълумотини поёнига етказишга аҳд қилади ва кечки педагогика институтига жойлашади. Институт ўқитувчилари, профессорларининг лекциялари, кейинчалик Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси бўлган Олим Шарафиддиновнинг ўзбек адабиётидан олиб борган ажойиб дарслари бир умрга хотирасида қолади. Институтни 1938 йили имтиёзли диплом билан тамомлаган Тўхтасин ака Илмий Кенгаш қарори билан Шарқ адабиёти муаллими лавозимида ишга олиб қолнади.

Бир оз муддатдан кейин биз уни «Қизил Ўзбекистон» редакциясида кўрамиз. Ўзбек халқининг доҳий фарзанди, буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейига тайёрлик кўрилаётган даврда шоир ижодини ташвиқ ва талқин қилишда актив иштирок қилди. Вақтли матбуот саҳифаларида тез-тез кўринадиган бўлиб қолди. Тўхтасин ака редакциядаги икки ярим йиллик иш жараёнида талай сабоқ олди ва таъби сайқал топди. Ёзган мақолаларини жамоатчиликка маъқул қилишга улгурди. Ўзбек адабиёти тарихидан хрестоматия тузди ва айрим классик шоирлар ижоди тўғрисида тадқиқотлар яратди.

Қишилиқ жамиятининг ҳаётини бепоён денгизга қиёс қилинса, айрим шахслар турмуши бир кичик елкан, деса бўлади. Денгиз гоҳ жунбишга келиб кўпириб ётганда ҳам, гоҳ қуёш нурида осойишта минг жило билан товланаб турганда ҳам елкан ўз мақсади томон дадил суза беради. Баъзан елкан учун хатарли вазиятлар рўй бериши мумкин. Мақсаднинг аниқлиги, ниятнинг холислиги ва ҳақиқатга ишончу матонат ҳар қандай хавфни енга олади.

Ҳаёт — гуллардан пояндоз солинган сокии хиёбон эмас. У зиддиятлар билан тўла мураккаб бир кураш ва яшаш майдони. Истиқбол учун кураш йўлида инсон турли хил қийинчиликларни енгади. Синовдан ўтади ва тобла-нади. Қисмат Тўхтасин акани ҳам турли вазиятларда синаб кўрди. Унинг ҳаёт йўли ҳақида ўйлаганда совет кишиси қалбидаги эзгуликка ишонч нақадар зўр, унинг маънавий дунёси нақадар бой эканидан тўлқинланиб кетади киши. Адолат ва адолатсизлик жанглари давом этган чоғларда ҳам Тўхтасин ака вужудига сингиб кетган совет гражданига хос энг яхши хислатлар доимо устин чиқа берди. У куч-гайратини бой бермасдан севган меҳнати билан шугулланишдан чарчамади.

Адабиётшунос сифатидаги Тўхтасин аканинг сермаҳсул даври эллигинчи йилларнинг ўрталаридан бошланади. У бир неча йиллар давомида Ўзбекистон Давлат нашриётида — ҳозирги Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида катта редактор вазифасида ишлагач, ЎзССР Фанлар Академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим, сўнг «Шарқ юлдузи» журналида адабий ходим бўлиб хизмат қилади. Қаерда, ким бўлиб ишламасин, адабий жараён билан бирга боради, адабиётшунослик ривожига қўлидан келганча ҳисса қўшишга ҳаракат қилади.

Юрагида тадқиқотчилик дарди бор олим маълум асарларнинг ҳали очилиб етмаган томонларини анализ қилиб, ёритиб бериш билан қаноатланмайди, у янгилик кашф этишга уринади, тинмасдан изланади. Жамоатчиликнинг адабиёт тўғрисидаги тасаввурини кенгайтиришга кўмаклашади. Тўхтасин ака ана шундай тинимсиз изланувчи олим. Бунинг далили кўн соғли ранг-баранг китобларидир.

Китобларнинг ҳаётини баъзан одамларнинг ҳаётига қиёс қиладилар. Кигоблар ҳам дунёга келадилар яъни бирор муаллиф томонидан ёзилиб, нашр этиладилар, ўқувчилар орасида яшайдилар ва маълум вақтдан кейин

истеъмолдан чиқиб, қўлдан тушиб, улар тўғрисидаги таассуротлар эскиради. Секин-аста унутиладилар. Аммо яхши китоблар тарқалгандан сўнг одамлар қалбидан жой оладилар. Ўзларига ва муаллифга нисбатан меҳр уйғотадилар. Суҳбатдош, маслаҳатгўй сифатида ўтмиш ва ҳозирги замон ҳақида фикрлашга чақирувчи, керак вақтда баҳслашишга ундовчи ўлароқ эътиборни жалб қиладилар, узоқ умр кўрадилар. Бундай яхши китоблар янги-янги мулоҳазаларга сабаб бўлиб, кўпчиликнинг кўнгилда ижобий эмоция уйғотади.

Тўхтасин аканинг «Ўзбек шоирлари» китоби нашр этилганда (1959 йилда) худди шундай бўлди. Асарнинг муваффақияти ва унга бўлган қизиқишнинг зўрлигига сабаб нима эди? Бизнингча, аввало, халқимизнинг ўз адабий меросига, замона жабрини ҳақгўйлик билан акс эттирган доно ва мазлума шоирларига бўлган муҳаббати билан изоҳланса, иккинчидан, бизга номлари, асарлари маълум бўлгану, секин-аста унутилаётган шоирлар оғзидан сочилган шеърини инжуларни бир ипга тизиб, янги наслга етказишда Тўхтасин аканинг жонкуярлик билан қилган меҳнатига бўлган чуқур ҳурмат билан изоҳланади. Дарҳақиқат, бундай сермеҳнат, беором, аммо ғоят қизиқарли бир ишни кўнгилдагидек якунлаш ва китобхонларга манзур қилиш учун, албатта, адабиётини севиш, доимо ўша тўғридаги ўй билан яшаш керак.

Буюк адибимиз домла Ойбек «Ўзбек шоирлари»га ёзган кичик кириш сўзида, жумладан шундай деган эди: «Шу вақтга қадар ўзбек адабиётида ўзбек шоирлари, уларнинг асарлари, ҳаётлари ўрганилмаган деярлидир. Улар ҳақида якунланган асарлар йўқдир. Айрим шоирлар тўғрисида энди-энди адабиётчиларимиз ишлай бошладилар. Бу ҳуқуқсиз, чексиз жафо кўрган мазлума шоирларининг асарлари уларнинг бахтсиз тақдирлари бўронида йўқ бўлиб, унутилиб кетган. Т. Жалолов тарих варақларини ахтара-ахтара ўзбек шоирлари ҳақида хийла қимматли маълумотлар тўплади. Ўзининг катта

синчикли текширишлари натижасида ўттиздан ортиқ ўзбек шоирларини топди. Бу ғоят ажойиб воқеадир...»

Ўзбек шоирларининг адабий меросини излашда муаллиф қийин ва бирдан-бир тўғри йўлдан бориб, кўп чигалликларни, тахминларни ўзи топган аниқ фактлар асосида тўғри ҳал қилади. Совет адабиётшунослигида традиция бўлиб қолаётган, синовдан ўтиб, маъқулланган бу йўл машҳур совет адабиётшуноси Иракли Андрониковнинг М. Ю. Лермонтов ижодини ўрганиш юзасидан олиб борган янги изланишларида, тожик ёзувчиси Ҳ. Назаровнинг Карим Девона шеърларини излаб топиш соҳасида кўрсатган саботида ўзини оқлаган.

Иракли Андроников Лермонтовнинг студентлик йилларидаги асарларини Байрон поэзиясининг таъсири билан изоҳлаган Шан-Грей ва бошқа биографларнинг хатоларини тузатади. Лермонтовнинг ўша даврдаги шеърларида учрайдиган ҳаётдан норозилик мотивларига сабаб бўлган, аммо бутун бир аср давомида аниқланмай келган «Н. Ф. И. га» шеъри москвалик Наталья Федоровна Ивановага бағишланганлигини аниқлаб, принципал аҳамиятга эга бўлган илмий хулосалар чиқарди. И. Андроников шеърнинг адресантини топгунча олам-олам архив ҳужжатларини ўрганади, неча ўнлаб кишилар билан суҳбатлашади ва қатор шаҳарларни кезади.

Ҳабибулло Назаровнинг «Карим Девона» асари ҳам И. Андроников қўллаган усуллар асосида юзага келган мароқли китоблардандир. Китобни муголаа қилган ҳар бир шахсни ёқимли бир ҳаяжон забт этади. У ўзи сезмаган ҳолда муаллиф орқасидан эргашиб юриб, Тожикистоннинг қишлоқлари ва районларини кезиб чиқади. Батван бир байтни аниқлаш учун юзлаб километр йўл бесади. Ниҳоят Вахш дарёси қирғоғига жойлашган Хумдон қишлоғидан бошланган изланишлар доираси тобора кенгайиб, Ҳисор, Боботўғ, Ғозималлик водийларидаги ўнлаб қишлоқларни қамрайди. Турли ёшдаги ва турли касбдаги одамлар билан учрашувлар оқибати эса, тожик

классик поэзиясида шу вақтгача номи эслатилмаган исёнкор шоир Қарим Девонанинг (1878 йили туғилган) ажойиб сиймосини аниқлашга, қўлга киритилган шеърларидан китобхонларни баҳраманд қилишга имкон беради.

«Ўзбек шоиралари»нинг муаллифи ўз салафларига ўхшаш катта ва шарафли ишга бел боғлагач, сокинлик билан ўтадиган ҳузур-ҳаловатли кунлардан воз кечади. Шоиралар унинг кўнглига дард солгандан кейин, биз Тўхтасин акани гоҳ Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари Тошкент конференциясининг делегатлари даврасида, гоҳ Фарғона водийсида, гоҳ Ўш шаҳрида, гоҳ узоқ Хоразмда кўрамиз. У халқимизга табаррук, ардоқли шоираларимизнинг байтлари қулоққа чалинган биронга ҳам шеърини анжуманни, улардан хабардор бўлган биронга адабиёт аҳлини эътибордан четда қолдирмайди. Республикамизнинг турли бурчакларига хат ёзади ва янги шоиралар номи аён бўлиб, асарлари борлигида хабар берувчи жавоблар олади. Шу тариқа муаллифнинг ўзи таъкидлагандек, китоб «Октябрь инқилобигача яшаб, ижод этган ўттиздан ортиқ шоиранинг ҳаёти йўли ва ижодий фаолияти ҳақида маълумот беради».

«Ўзбек шоиралари» фактик материалларга бойлиги, шеърини намуналар олдида бериладиган очеркларнинг чуқур самимият ва шоирона ҳарорат билан ёзилганлиги туфайли, китобхонларга дарров ёқиб қолади. Ахир ундаги ҳар бир саҳифа, ҳар бир ғазал хотин-қизларимизнинг нодир талантидан, кўнгил дарёсидаги гавҳарлардан нақл қилади-да! Шарқ феодали деспотизми уларнинг овозини ўчиришга жон-жаҳди билан ёпишганда ҳам адолатсизликни ва шариат уларнинг бошига солган қора кунларни лаънатлаб, ёрқин келажакни орзу қилиб айтган қўшиқлари жаранглаб эшитилиб турди-да!

Феодализм жамияти барпо қилган тартиблар зехний тараққиётнинг ёвуз душмани бўлишига қарамай қўлларига қалам олиб, эрлар билан ақл ва заковатда баҳслаш-

ган шоирлар озмунча бўлган эмас. Касбдошимиз, тожик адабиётшуноси Тожи Усмон ўзининг «Бисту се адиба» (1957 йил) номли китобчасида 23 шоиранинг ижодий фаолияти хусусида сўзлаб, шеърларидан нарчалар келтиради. Улар орасида Фаридиддин Аттор томонидан мақталган, Рудакийнинг замондоши балхлик шоира Робна, шунингдек Исматий ва Ойша Самарқандий (XI аср), Муниса Маҳастий (Маҳсатий), Хўжандий, Ситти Хонум, Меҳри Ҳиротий, Комила Бегим Деҳлавий (XV—XVI асрлар), Жаҳон Хотун (XVI аср) ва бошқалар бор. Мазкур шоиралар фақат форс-тожик тилида ижод қилганлар.

«Ўзбек шоиралари» эса, асосан ўзбек тилида ёзган (Зебунисо бундан мустасно) шоиралар ҳақида баҳс этиб, «Бисту се адиба»дан мазмунан чуқур ва ҳажм жиҳатидан кенгдир. Китоб XVII аср шарқ поэзиясининг забардаст вакилларида бири, «илон оғзидан шакар, ўргимчак пиндан пар, эркак шер сийнасида сут» талаб қилган Зебунисодан бошлаб, XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб, ижод этган Самар Бонунинг адабий мероси ҳақидаги маълумотлар билан тамомланади.

Китобни бирма-бир варақлаб, шоираларимизнинг газал ва рубоийларига, мухаммас ва мураббаларига қулоқ солар экансиз, бир томондан, «тутундек кўкка чирмашган кўнгил афгон»ларини эшитиб, улар ҳолига ачинамиз, ҳамдард бўламиз; иккинчи томондан, уларнинг жабру жафоларга бардоши, зулмат ичида ўтириб, нурга интилиш, теран ақл, ўткир қалами бизда фахрланиш ҳиссини уйғотади. Н. Г. Чернишевскийнинг: «Табиат хотин-қизларни кучли, истеъдодли қилиб яратиб, ақл-идрок билан тақдирлаган бўлса-да, бу ақл-идрок жамият учун фойдасиз бўлиб қолмоқда. Жамият бу ақл-идрокни рад этмоқда, поймол қилмоқда, бўғмоқда... Агар у инкор қилинмай, бўғилмай, аксинча ишга солинган бўлса эди, кишилик тарихи уч марта тез тараққий этган бўлур эди»,— деган сўзлари худди ўзбек шоирала-

рининг Октябрдан олдинги аҳволига нисбатан айтилатгандек туюлади.

«Ўзбек шоиралари» 1970 йили иккинчи марта нашр этилди. Бу нашр аввалгисига нисбатан тўлдирилиб, Ожиза шеърларидан намуналар берилган ва Самар Бону ҳақида катта бир боб қўшилган. Таассуфки, биринчи нашрда йўл қўйилган нуқсонлар матбуотда кўрсатиб ўтилган бўлса-да, уларни тузатишга эътибор берилмаган¹.

Ўзбек шоираларининг асарларини тўплашда қўл келган тажрибалар асосида Тўхтасин ака янги ишларга киришди. Унинг ўзи биринчи китобининг хотимасида: «Биз қидириш ишларини тўхтатганимиз йўқ, тадқиқот давом этади»,— деб ёзган эди. Дарҳақиқат, излашиш давом қилди. Беш йил тинимсиз қидириш натижасида жуда кўп нодир материалларни қўлга киритди. Улар «Бону» («Самар Бону») номли китобчада (1963) ўқувчиларга тақдим этилди. Китобча ўзбек шоиралари адабий меросини ўрганиш борасидаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Бунини қарангки, «излаган топади»,— деганларидек Самар Бонуни кашф этиш баҳонаси билан тадқиқотчи хаёлига ҳам келтирмаган Қамбарнисо, Ошиқ, Салоҳиддин Соқиб, Амонхон Маҳсум ва бошқа шеърӣй табъи бор бир қанча шахсларни аниқлайди. Биринчи китобда мавжуд ноаниқликларни тузатади.

«Бону» шу қадар равои, шу қадар жозибадор тил билан ёзилганки, уни ўқиш жараёнида бепхтиёр равишда муаллиф билан бирга воқеалар ичига кириб кетадн киши. У билан ҳамроҳ бўлган ҳолда Андижонни, Ўшни, Чимёни ва бошқа жойларни кезиб чиқади. Худди «Қарим Девона»даги каби шеърӣят баҳсининг доираси тобора кенгайиб, «ўлжа»лар сони кўпая боради.

Тўхтасин аканинг алоҳида таъкидлашга арзыйдиган фазилатларидан бири шуки, у шоиралар тўғрисидаги

¹ Қаранг: «Шарқ юлдузи», 1960 йил, № 5.

маълумотларни «мен топиб, мен эълон қилаётирман»,—демайди. Ҳар бир янги асарнинг топилишида кимлар қандай ҳисса қўшган бўлса, ҳалол илмий виждон билан уларнинг номини тилга олади ва ўрни билан чуқур миннатдорлик изҳор қилади. Қитобдаги Андижон область Учқўрғон районидаги Абдулҳамид Абдураззоқов (Хуррам); Андижон педагогика институтининг математика ўқитувчиси, адабиёт ҳаваскори Амонулло Валихонов; шоир Соқибнинг ўғли Разиддин Маҳсум; Самар Бону авлодларидан бўлган Шамсинисохон Зиёвиддин қизи; Самар Бонунинг жияни Абдуллажон Файзиматов ва бошқалар билан олиб борилган ёзишмалар фикримизнинг далилидир. Номлари зикр этилган шахсларнинг ҳар бирига, айниқса марҳум Анисий (Абдулаҳад Азизов) домлага нисбатан муаллифнинг самимий эҳтироми равшан сезилиб туради.

Маълумки, ёзувчи доимо ҳаётни синчиклаб ўрганади, учраган ҳар бир «майда-чуйда» нарсаларга ҳам эътибор беради. Баъзан одамларнинг назаридан қочган, кўнчилиқ кўрмай ёки аҳамият бермай ўтиб кетган ҳодисалардан катта ва муҳим ҳулосалар чиқаради. Адабиётшунос бундан мустасно эмас. Лекин шуниси ҳам борки, барча адабиётшунослар ҳам рўй бераётган ёки мавжуд ҳодиса-воқеаларни синчиклаб кузата бермайдилар.

Масалан, бизларнинг кўнчилигимиз Хивада бўлганимиз ва у ердаги тарихий обидаларни ҳайратланиб томоша қилганимиз. Бироқ Паҳлавон Маҳмуд мақбарасидаги гулчин эшиклар тепасига, нақшин деворларга битилган рубоийлар кимники?—деб қизиқиб кўрмаганмиз. Тўхта-син ака Хоразмга бориб, Хивани томоша қиларкан, санъат даражасига кўтарилган араб графикасидаги рубоийларга назар ташлаб, ҳаяжон билан ўқиб чиқади ва ниҳоят, улар Паҳлавон Маҳмудники эканини аниқлайди. Ўқиб, уларнинг «мағзини чақиш» билан қаноатланмайди, балки Тошкентга қайтар экан, қўлёзмаларда бизгача етиб келган ўша рубоийларнинг аслини топади. Бир неча

қўлғезмаларни чоғиштириб, хатоларини тузатади. Паҳлавон Маҳмуд шахсини аниқлаш учун эса, Бомбайда нашр этилган «Оташкадаи Озарий», «Қомусул аълом», Истамбулда босма бўлган «Туркларни улум ва фунуна хизматлари», «Намунаи адабиёти тожик» сингари манбаларга мурожаат қилиб, тарқоқ маълумотларни бир жойга тўплайди ва бир қадар мукаммал таржимаи ҳол яратади.

«Ўзбек шоирлар», «Бону» ва «Паҳлавон Маҳмуд» сингари китобларнинг юзага келиши жараёни билан танишиш шуни кўрсатиб турибдики, муаллиф кабинет олими эмас, доимо халқ орасида юрадиган, адабиёт мухлислари даврасида ўзига озиқ топадиган шахс. Унинг адабиётшуносликка олиб кирган тадқиқот усули ўзига хос усул, янги жанр, дейишга асос бўла олади.

Тўхтасин аканинг сермахсул қалами, нозик диди кашф этган кўпгина шоирлар ва шоирларни, ўқувчиларга ҳаят манзур бўлган «Яшасин табассум» (1966) тўпламини, шунингдек 1938—1968 йиллар мобайнида ёзган ўзбек, рус, тожик ва озарбайжон тилларида эълон қилинган мақолаларини айтмасак унинг ижод кўлами тўла қамраб олинган бўлмайди.

«Яшасин табассум»га Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия, олим-шоир Шайхзода, Ўзбекистон халқ шоири Миртемир поэзиясига бағишланган мақолалар кирган. Бу уч шоир ҳақидаги уч мақола бекорга бир жойга жамланган эмас. Зулфия ҳам, Шайхзода ҳам, Миртемир ҳам бағри кенг шеърят уфқи тутқич бермас меҳри дарё, нуктадон бўлганликлари туфайли ўзаро яқин бўлганликларидан, қолаверса, улар ҳақида баҳс очган адабиётшуносда ҳам ана шу фазилатлар мавжуд бўлиб, умум бир симфонияга айланганидан бир жойга жамланганлар. Айни замонда шоирларимизнинг ҳар бири ўзи бир олам эканини алоҳида уқтиради. «Зулфияни поэтик бир сиймо сифатида бирон шоиримиз билан таққослаб бўлмайди. Унинг тили, услуби, фикрлаш тарзи ва уни ифодалашида ўзига хослик барала сезилиб туради. Агар

бирова: Зулфия шоира сифатида кимга ўхшайди, дегудек бўлса «ўзига ўхшайди»,— деб жавоб бериш мумкин. Бу ўзига хослик унинг ҳар бир шеърида «мана мен»,— деб туради. Мисол учун «Нур» шеърини олиб кўрайлик. Ўқувчи дастлаб бу шеърни бирор электростанция қурилиши муносабати билан ёзилган одатдаги календарь шеърлардан, деб ўйлаши ҳам мумкин. Биринчи бандни ўқидим, иккинчисини ўқидим, учинчи бандни бошладим... Электростанция йўқ. Лекин равшан нур бор. Бу нур шу қадар равшанки, кўз олдинда «поёни йўқ яқин-йироқни» кўрсатиб туради. Бу нур шу қадар равшанки: «Тунда ҳам бир нурли шеър ёзиш мумкин».

Ажабо, бу қандай нур? Бу — Ленин башарият қалбига ёқиб кетган нур; бу — эрк, озодлик нур, бу — бахт-саодат нур. У нур сизда, менда, ҳамма заҳматкашлар қалбида, Зулфиянинг ҳар байтида ўша нур порлаб турибди...».

Тўхтасин ака Шайхзоданинг бошқа шоирларда тақдорланмайдиган хислатларини характерлаб ўтгач, Миртемир хусусида ёзди: «Миртемир хушфезл, дилкаш, меҳрибон, камтар ва хокисор бир одам. Мана шу фазилатлари учун уни ҳамма — каттаю кичик иззат-ҳурмат қилади. Миртемирнинг зуваласи шоир... Миртемир Жанубий Қозоғистон ўзбекларидан, бошқача айтганда, чинакам саҳроий шоир. Миртемир тилида ана шу саҳро ўзбекларининг содда тили жуда равшан акс этган...».

Миртемир — саҳро расоми. У саҳронинг қўнғир қумлоқларини, яшил ўтлоқларини, тоғ этакларини сўз билан суратга олишга моҳир...» ва шунинг қабилар. Ҳамма вақт мушоҳадалари ўткир, мулоҳазалари асосли.

Ҳозирги вақтда қабул қилинган тартибга биноан чоп этиладиган китоблар гўё дебоча бурчини адо этадиган, одатда нашриёт томонидан ёзиладиган кичик шарҳ билан бошланади. Шарҳлар кўнлаб ёзилиб турганидан бўлса керак, баъзан бир-бирига ўхшаш, саёз, керак мазмунни ифодалаб беролмайдиган бўлади. Бу ҳолни зимдан куза-

тиб юрган Тўхтасин ака ўз китобига шарҳларни ўзи ёзишга аҳд қилади. Улар китобга ҳусн қўшади, янгилик киритади. Мана, ўзингиз «Яшасин табассум» китобчасига ёзилган дебочани — бағишловини ўқиб кўринг:

«Муҳтарам ўқувчи!

Сиз билан яна китоб саҳифасида учрашганимдан беҳад мамнунман. Бу мўъжаз китобни нашр этишдан мақсад: машҳур шоирларимиз Мақсуд Шайхзода, Миртемир ва ҳассос адибамиз Зулфиянинг шеърларидан олган шавқу завқимни сизлар билан ўртоқлашишдир.

Баркамол шеър — юзига парда тортган соҳибжамол қизга ўхшайди. Агар менинг таққосларим, таҳлилу талқинларим бу «соҳибжамол қиз»нинг юзидаги ҳарир пардани кўтариб, сизнинг қалбингизда шеърятга муҳаббат уйғотса, мен мурод-мақсадимга етган бўлардим...». Келтирилган сатрларни ўқишингиз биланоқ гўзаллик дунёсига, бадий эҳтирослар оламига саёҳат кутаётганини ҳис этасиз. Юқорида кўриб ўтганимиздек, муаллиф фасиҳ тил билан суҳбатга киришиб, шоирларнинг юз хил оҳанг ва латофатга тўла сеҳрли шеърятидан нақл қилади.

Кекса бўғинга мансуб адабиётшуносларда бир яхши сифат бор. Улар муайян давр, муайян бир мавзу билан чекланиб қолмай, Октябргача бўлган адабиётни ҳам, совет адабиётини ҳам, СССР халқлари адабиётини ҳам баробар текшира оладилар, Шунингдек, Ғафур Ғулом ёки Уйғун, Зулфия ёки Миртемир ҳақида тадқиқотлар ёзиб туриб, айни замонда Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си, Навоий дostonлари ёки Ғузулий лирикаси устида баҳс очиш, дафъатан сиз эшитмаган маълумотларни келтириш Тўхтасин ака учун ғайри табиий ҳодиса эмас.

Айтайлик, Ғузулийнинг номи тилга олингудек бўлса, буюк шоир ўзбек шеърятига қанчалик таъсир кўрсатгани, кимлар Ғузулийвор асарлар ёзишни ўзи учун шараф деб билганини айтиб беради. Махтумқули ижодидан билан шуғулланганмисиз?— деб кўринг. Эҳтимол, кам-

тарлик юзасидан бу мавзуда бирор йирик мақола ёзмадим,— дер. Ҳар ҳолда, амин бўлинги. Маҳтумқули XVIII аср туркман адабиётининг улкан гуманист шоири эканини, Навоий ижоди унга намуна ва ибрат мактаби бўлганини, ниҳоят Маҳтумқули асарлари Ўзбекистонда инқилобдан илгариёқ тарқалганини сўзлаб беради.

Тўхтасин ака ижодий фаолиятидаги салмоқли, сермахсул соҳалардан яна бири таржимонликдир. Бадий таржима талант, қунт ва таржима қилинаётган асарга муҳаббат натижасида юзага келади. Бир халқнинг тилида яратилган асарни бошқа халқ тилида жаранглаши йўлида меҳнат қилган таржимоннинг ижодини чинакам оригинал ижодга қиёс қилиш мумкин. Тўхтасин ака машҳур ҳинд адиби Робиндранат Тагор асарларини, «Ҳинд эртаклари»ни, Айний, «Эсдаликлари»ни «Тўтинома»ни, тожик ёзувчилари асарларини ва бошқа бир қанча асарларни ўзбек тилида янги ҳаёт кечирishiга хизмат қилди.

Халққа хизмат қилиш ҳар бир совет гражданининг муқаддас бурчидир. Турли касб эгалари ўз бурчларини турлича адо этадилар. Ёзувчилар ва адабиётшуносларнинг бурчи эса маънавий-эстетик, илмий-назарий бойликлар яратиш орқали адо этилади. Улар яратган асарлар маълум маънода шахсий гувоҳномадирки, бу гувоҳномада муаллифнинг қиёфаси акс этади. Адабиётшуносликда, бадий таржимада ва ёзувчиликда ўз сўзини айта олган Тўхтасин аканинг ҳам ана шундай гувоҳномаси бор. Уни баланд кўтариб юрса арзийди.

1971 йил

Серилҳом қалб, сахий қалам

Совет адабиёти ҳаётни ўрганиш — билишнинг қудратли бадий воситасидир. У замондошларимизнинг (айниқса ёш авлоднинг) фикр доирасини кенгайтиришга, ҳис ва тушунчаларининг шаклланишига, рўй бериб турган хилма-хил ҳодисаларни кузатиб, уларни тўғри баҳолашга ўрганишларига катта таъсир кўрсатади. Бадий адабиётнинг таъсирчанлиги ва муҳим тарбиявий аҳамияти шундаки, у воқеликни конкрет образлар орқали кўрсатибгина қолмайди, айти замонда уни изохлайди. Кишиларнинг диққат-эътиборини турмушнинг муайян бир томонига жалб этиб, улардан ибрат олишга, ахлоқий хулосалар чиқаришга ўргатади. Шунинг учун ҳам адабиётни ҳаёт дарслиги дейдилар. Катталар орасида ҳам, кичиклар орасида ҳам бу дарсликка мурожаат этмаган, ундан ўзини қизиқтирган, безовта қилган ва ҳаяжонлантирган саволларга жавоб изламаган шахсларни камдан-кам учратиш мумкин.

Бадий асар шундай бир мўъжизаки, гўё у икки қатламдан иборатга ўхшайди; асарнинг айнан ўз тексти ва текст воситаси билан китобхон тасаввурида пайдо бўладиган турмуш ҳам табиат манзаралари. Ҳар бир асарда китобхонлар ҳукмига тақдим этилган воқеалар, саргузаштлар ўша асар саҳифасидагина яшамайди. Ёзувчи ифода қилган мазмун китобдаги текстдан кенг-роқ ва чуқурроқ бўлгани сабабли одамларнинг турму-

шига кириб бориб, зеҳнини ва ҳиссини банд этади. Шунда жўшқин қалб билан ёзилган китоблар ёрқин ойнага айланади-ю китобхон бу ойнада худди ўзини кўргандай бўлади. Қандай яшаб, қандай меҳнат қилаётгани, нуқсонлари ва яхши фазилатлари кўз ўнгиди намоён бўлади. Демак, яхши китоблар фақат қизиқтирибгина қолмай тўғри яшашга, садоқат билан меҳнат қилишга ва чарчамасдан билим хазиналарини эгаллашга ўргатади. Зотан, сўз санъати бирор шахснинг яшаш усули, тақдири ва тажрибасини акс эттиради, аммо кўпчилик унда ўзини ёки атрофидагиларни танийди ва қилмишларини тушунади.

Ҳаким Назирнинг «Онаизор» ҳикояси ўқувчилар юрагига йўл топиб тўлқинлантиргани, улар кўнглида акси садо уйғотгани ва бир-бирини танишга ёрдам қилгани бунинг далилидир. Ҳикояда фарзандлик бурчига доғ туширган асакалик йигит Валивой образи яратилган. Номасълум сабаблар билан мушфиқ онасини, меҳрибон хотинини ташлаб, кетиб қолган Валивой, узоқ йиллар давомида уйдан хабар олмагани устига хат ёзишга ҳам «саратонда қўли ачийди». Саргардон бўлиб юра-юра, божаси туфайли Мирзачўлдаги колхозлардан бирига жойлашгач, онаси ва хотинини кўриб кетиш учун Асакага келади. Ўзи туғилиб ўсган макони, кунда неча марта кириб-чиқиб юрган эшигини, «эски одатича «тиқ» этса эшикка боқиб, томоғидан овқат ўтмай ўтирадиган» бечора онасини кўриш тўғрисидаги ширин ҳаёллар билан уйига бурилганда, тенгқур қўшниси Жўрани учратади. Жўра онасини зор йиғлатиб бедарак кетган оқибатсиз ўғилни нпҳоятда қойиб, кампир анчадан бери шифохонада ётганидан дарак беради. Валивой Жўра воситаси билан бориб онасини кўради ва узор сўраб, кўзидан гилтигилт ёш келганда, ягона фарзандига бўлган муҳаббати ҳеч чегара билмаган мунгли она: «Хафа бўлма, болам... Шукур ... Кўрар кун бор экан, сани...»,— дейди ва ҳолсизгина ориқ қўли билан Валивойнинг маънос эгилган

бошини аста силайдил... Хотини уни авф этадимми, йўқми, ҳали маълум эмас.

«Онаизор» лирик ҳаяжон билан турмуш ҳақиқатини тасвирлаган, уни ўқиганлар дилида онага нисбатан ҳазин туйғулар, болага нисбатан эса надомат уйғотмай қолмайдиган асар эди. Бинобарин ёзувчи китобхонлардан бир неча мактуб олади. Мактублардан бирининг авторси Андижон районидаги 27-ўрта мактабнинг ўқитувчиси Одилжон Эгамбердиев шундай ёзади:

«Ҳурматли Ҳаким ака!

«Онаизор» ҳикоялар тўпламингиз босмадан чиққандан кейин, кўплар қатори мен ҳам қувонч билан ўқишга тугиндим. Айниқса «Онаизор» ҳикоянгиз диққат-эътиборимни асир этди... Ҳикоя ёқиб қолгандан кейин, уни ота-онамга ҳам ўқиб бердим. Шунда дадам бўлиб ўтган бир воқеани сўзлади. У Сизнинг ҳикоянгизга жуда ўхшар, фақат қаҳрамонларнинг номларигина бошқа эди. Дадамга таниш агроном йигит—Набижон Мирзачўли кетиб ошпазлик қилади. Бир йил давомида уйига келмайди ва ёзмайди. Опаси интизорлик торта-торта бетоб бўлиб қолади. Хотини гоҳ касалхонага, гоҳ ишхонага қатнаб, ҳолдан тояди. Опасининг аҳволи оғир эканидан хотини телеграмма орқали хабар қилганда ҳам уч ойдан кейин келади... Бундан Сизнинг ҳикоянгиз ҳайратлангирарли даражада ҳаётийликни акс эттирганлигини билиб олиш қийин эмасди...»

Ҳа, дарҳақиқат бу ерда тилга олинган ҳикоя чинакам санъат намунаси. Ҳаким Назирнинг одамлардаги олижаноб сифатларни уйғотишга хизмат қиладиган моҳир ҳикоянавис бўлиб етишганининг ўзи эса бир тарихдир...

Ўзбек совет прозасининг чарчамас заҳматкашларидан бири, таниқли адиб ва кичкина китобхонларнинг яқин дўсти Ҳаким Назир 1915 йилда Тошкентнинг Арна-поя маҳалласида маҳсидўз касиб оиласида дунёга келди. Ҳакимжон оғир меҳнат ҳисобига кун кечирадиган жафокаш оилада катта бўлгани учун ёшликдан меҳнатни ҳур-

мат қилиш руҳида тарбияланди. Эҳтимол, унинг кўнглида болалик йилларидаёқ ота касбига яширин майл пайдо бўлгандир, мактабда бошланғич маълумот олгандан сўнг, 1931 йилда оёқ кийим фабрикасига ишга кирази. Дастлаб шогирд, кейинроқ мастер бўлиб ишлайди. Фабрикада ўз ҳунарининг устаси бўлиш билан қаноатланиб қолмай, аynи вақтда ишчилар университетида (ҳозирги индустриал техникумида) ўқиб, умумий маълумотини оширишни давом эттиради.

Ҳакимжон ишлаб ва ўқиб юрган давларида адабиётга жуда қизиқиб қолади. Газета ва журналларда босилган бадиий асарлар, рус ва ўзбек ёзувчиларининг китоблари унинг доимий ҳамроҳига айланадилар. Ўқилган повестлар, ҳикоялар эса Ҳакимжонда, ўша йиллари унинг ўзи ҳам изоҳлай олмаган, ажиб кайфиятларни ҳосил қилади. Дастлабки вақтларда сезилмаган ва яширин имконият тарзида мавжуд бўлган ниманидир бошқаларга ҳикоя қилиб бериш эҳтиёжи тобора кучаяди. Бунинг илк медалари сифатида ўз атрофида рўй бераётган янгилıklar, социалистик қурилиш манзараларини гавдалантирувчи очерклар, лавҳаларни майдонга келади.

Ўзбекистон вақтли матбуоти адабиётимизнинг йирик арбобларини бағрига олиб тарбиялаган, қаламига куч ва ижодига сайқал берган даргоҳдир. Шунинг учун Ҳаким Назир ўз ёшлик ғайрати, билим ва истеъдодини ёзувчиликка бағишлашга қарор қилгач, бу эзгу ниятга олиб борадиган йўл матбуот орқали ўтажагини англайди. 1933—1941 йиллар мобайнида «Ленин учқуни», «Ёш ленинчи» газеталари, шунингдек, «Вожатий» журнали редакцияларида хизмат қилади. Айниқса, «Ленин учқуни» газетасида ишлаган йилларида болаларга илиқ муҳаббат билан қарашга, уларнинг характери ва психологиясини кузатишга ўрганади. Болаларнинг мактабдаги ҳамда оиладаги ҳаётини тасвирловчи кичик-кичик бадиий асарлари жамоатчиликнинг эътиборини ўзига торта бошлайди. Қўли ёзувчиликка анча келишиб қол-

ган Ҳаким Назир ўрта маълумот билан қўзлаган мақсадига эришиш қийин эканини тушунади. Билим запасларини эгаллаш, ҳаммадан аввал, севгани адабиёт асосларини, классиклар меросини чуқур ўзлаштириш ниятида 1936 йил В. Г. Белинский номидаги Тошкентдаги кечки педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига ўқишга киради. Институтни 1941 йилда тамомлаб, бирмунча вақт ўқитувчилик қилади.

Мақтаб Ҳаким Назир учун айни муддао бўлган муҳит эди. Бу ерда бевосита болалар орасида ишлаш ёзувчига бой материал беради, воқеликка янада яқинлаштиради. Орадан бир оз ўтгач, биз уни Ўзбекистон радио эшиттириш комитетида кўрамиз. Совет кишилари Улуғ Ватан уруши фронтларида қаҳрамонона жанг қилаётган кунларда Ҳаким Назир халқни, ёш авлодни она-Ватанга чексиз муҳаббат, ёвуз душманга ўтқир нафрат руҳида тарбияловчи очерклар, ҳикоялар, публицистик мақолалар ёзиб, радио тўлқинлари орқали миллионларга етказадди. Радиокomiteтда ўн бир йил ишлаб, болалар ва ёшлар учун махсус қизиқарли адабий-бадий эшиттириш программалари тузишнинг ташаббускорларидан бўлади.

Эллигинчи йиллар бошида республика Ёзувчилар союзида хизмат қилади. Союздаги қизгин ижодий муҳит, ўзбек адабиётининг Ғ. Ғулум, Ойбек, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода каби атоқли намоёндалари билан танишиш Ҳаким Назирнинг истиқболи учун катта аҳамиятга эга бўлди. Прозаикларнинг тез-тез ўтказилиб турадиган йиғилишлари, проза секциясининг ўша йиллардаги раҳбари, забардаст адиб Абдулла Қаҳҳорнинг юқори малакали консультациялари ёш ҳикоянавис учун маҳорат мактаби ролини бажаради. Ёзувчи сифатида шаклланишида Абдулла Қаҳҳорнинг таъсири кучли бўлганини, новеллачилик сирларини шу санъаткордан уқиб олганини кейинчалик (1957) Ҳаким Назирнинг ўзи матбуотда шундай баён қилган эди:

«...Меннинг ўзимда ҳам ҳикоячиликка ҳавас уйғотган ёзувчилардан бири Абдулла Қаҳҳор бўлди. Биз биринчи ҳикояларимиз билан Абдулла акага дуч келганимиздаёқ унинг гоят қаттиқ қўлли, талабчан устоз эканлигини билдик. Бундан ўй йилча бурун Абдулла ака ҳикояларимдан бирини ўқиб чиқиб: «Бунингдан тозаланса, дуруст ҳикоя бўлади» дегани ёдимдан чиқмайди. Ҳақиқатан ўша ҳикоямда агротехникага оид гаплар кўпайиб кетиб, одам образи, унинг психологияси яхши очилмай қолган эди. Ахир бадиий адабиётнинг асосий материали одам-да! Одамларнинг ички ва ташқи қиёфасини яққол очиб бериш учун уларнинг турли тақдирини чуқур ўрганиб, аниқ кўз олдинга келтириб ёзгандагина яхши асар майдонга келишини Абдулла ака тажрибасида кўп учратдик...».

Гарчи Ҳаким Назир ҳикоялари республикамизда чиқадиغان газета ва журналларда 1939—1940 йилларда-ноқ кўрила бошлаган эса-да, унинг тўнғич китоби «Қишлоқдаги жиянларим» 1948 йилда нашр этилди. «Бошоқ», «Бир туп ғўза», «Таниш сурат» сингари бирмунча ҳикоялардан иборат бу китоб, қисқа муддат ичида тез тарқалди ва ўқувчиларнинг қўлидан тушмайдиган бўлиб қолди.

«Таниш сурат» (кейин қайта нашланиб, «Қуёш қачон тутилади?» деб номланган) ҳикоясида Кенжа исмли ўқувчи билан унинг бувиси ўрталаридаги фикрий келишмовчилик, дунё ва ундаги ҳодисаларни тушунтиришдаги фанга асосланмаган эскича қарашлар билан илмий нуқтаи назарнинг тўқнашуви, ниҳоят неварга билан бувининг баҳслашувларида масала Кенжа фойдасига ҳал бўлиши тасвирланади.

Илғор ўқувчи ва актив пионер Кенжа ўртоқлари билан бирга ўзи яшаётган колхоз территориясидаги отин бувининг турли ҳийла-найранг, ирим-сиримлари сирини фойда қилмоқчи ва алданиб келаётган қоғоқ хотинларни отин буви чапгалидан қутқармоқчи бўлади. Ўртоқлари

қаторида колхозчиларнинг уйларига бориб, ҳар хил касалликларнинг олдини олиш, озодалиқнинг аҳамияти тўғрисида ташвиқот ўтказиб, отин бувининг иримлари ўрнига докторга бориш кераклигини уқтиради. Шу орада унинг синфдоши Мурод икки-уч кун ўқишга бормай қолади. Эшитса, безгак бўлган экан. Бир дўсти билан Муроддан хабар олгани борганда отин буви Муродни айвонга ётқизиб қўйиб, ҳадеб хипчин билан ураётганини устидан чиқади. Кенжа жони ачиганидан Муроднинг онасига қараб: «ахир шунақа қилиб ўтиргандан кўра доктор чақиртирсангиз бўлмайdimи?»— деса, «Сенинг нима ишинг бор?» деган жавобни олади.

Кенжа воқеани мактаб директорига айтади. Директор тезда доктор юборади. Колхоз раиси бундан хабар топиб, отин бувига иккинчи бу қилиқни қилманг деб қаттиқ танбеҳ беради.

Қизиғи шундаки, Кенжанинг буvisи ҳам отинга эътиқод қилар, унинг иримларига ишонарди. Отин буви бир куни тўйда Кенжанинг буvisи билан учрашиб қолиб, унга неварасининг «қилмишлари»дан шикоят қилади, гина-кудуратларини тўкиб солади. Оқибатда буви билан неваранинг ораларига совуқлик тушади. Аммо авваллари ўжарлик қилиб Кенжанинг сўзига кирмаган, иримга рағбати кўпроқ кампирни турмушнинг ўзи секин-аста ўзгарттира боради. Агар у отиндан гап очадиган бўлса Кенжа: «Мана, ўзингиз илгари доктор деса чўчиб тушардингиз. Бир марта узоқ ётганингиз эсингиздами? Отин бувининг дуоийи фотиҳалари, «куф-суф»лари кор қилмади-ку... Охири доктордан тузалдингиз-ку»,— деб юзига солади. Қуёш тутилиши ҳақидаги олдиндан эълон қилинган хабарга ҳам ишонмай, фақат ўз кўзи билан кўргач, илмнинг сирини ва башоратига таажжуб қилади. Отиндан ихлоси қайтади.

Шундай қилиб, «ақл ёшда эмас, бошда» деганларидек, билимдон пионер Кенжа илмий далиллар кўмагида халқ ўтмишида эътиқод қилиб келган беҳуда хатти-ҳара-

катларнинг зарарли эканини исботлашга интилади. Бу-
висининг зеҳнидаги зангларни тозалашга ва унинг қара-
шида ўзгариш ясашга муваффақ бўлади. Кампир энди
ожиш хотинлар қаторида қолишдан ор қилади. Кички-
налигига қарамай табиатини равшан қилган, ёруғ дунё-
га равшан кўз билан қарашга ўргатган ақли расо наби-
расига нисбатан дилида самимий ҳурмат ҳислари пайдо
бўлади.

Ҳаким Назирнинг болаларга, ёшларга бағишланган
ҳикояларининг асосий қисми кундан-кун яшнаётган ва
обод шаҳар қиёфасига кириб бораётган социалистик
қишлоқнинг қувноқ болалари образини яратади. Автор
уларни қўли билан кўрсатиб: булар яхши болалар, қа-
ранг, қандай кишининг ҳаваси келади деган ишларни қила-
яптилар, сиз ҳам шундай бўлинг, деган насиҳатни қил-
майди. Балки ўқиши, катталарга берган кўмаги, зийрак-
лиги билан ўзларига нисбатан ҳамманинг муҳаббатини
уйғотадиган болаларни кундалик ҳаёт жараёнида
кўрсатади. Ахир, Каримнинг сизини эгасининг парво-
сизлиги туфайли колхознинг пахта даласига яқин бориб
қолиб «умрида томоқ кўрмагандек, то ҳай-ҳайлаб бор-
гунча бир туп ғўзани кўсак-пўсаги билан қаппалаб, жи-
ғилдонига урганда» бригадир Деҳқонбой аканинг қизи
«жамалак сочли, тийрак кўзли» жажжи Башор ғўзага
жони куйиб-пишиши («Бир туп ғўза»); болаларнинг сез-
ган отахонни Тўйчи бобо таъбирича: «Далада ҳали кол-
хозчиларнинг сочилиб ётган насибаси»,— бошоқларни
теришда меҳнатни қизиқарли ўйин тарзида ташкил
ётган, «бугдойни экиб, ўстириб, ўриб, энди пешма-пеш
хирмонга ташиб, янчаётган» катталарга қобил дастёр
бўлган Азимжон, Тоштилла, Салимжонларнинг мақтов-
га арзигулик ишлари («Бошоқ»); ёш расом Содиқжон
ва қишлоқ мактаби қурилишида, мактаб атрофини боғ-
роғ қилишда тенгқурларига бошчилиқ қилган «колхоз
инженери» Холиқнинг уddaбурунлиги («Чўл ҳавоси»);
катталарнинг дарёни тўсиб, чўлда денгиз барпо қилаёт-

ганларидан қувонган, қурилишдаги «филдай машинани айлантириб, тош майдалаётган» холаси — баҳодир аёл Хонимойга хат олиб борган Қодиржоннинг тутқаноқлиги-ю, шоликор корейс йигитча Кимсан (Ким)нинг ёқимтойлиги («Жонли хат») кимнинг дилига хуш келмай-ди-ю, ким уларни севиб ўқимайди?

Ҳаким Назирнинг эллигинчи йиллар бошида нашр қилинган ҳикоялари ва очерклари аввалгиларидан шу билан фарқ қиладики, улардаги воқеаларни мантиқий равишда ривожлантириш ва қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларини психологик жиҳатдан асослашга автор маҳорати ортади. Сюжетнинг пухта ва ихчам бўлишига ҳалал берадиган ортиқча тафсилотлар, характерларни очишга хизмат қилмайдиган деталлар камая боради. «Пионерлар боғи» (1950), «Мусобақадoshлар» (1951) тўпلامларига кирган асарларининг кўпчилиги фикрининг далили бўла олади. «Мусобақадoshлар» даги тажрибакорлиги билан колхозчилар орасида «иккинчи ҳосилот» лақабини олган ҳақ сўз, чўрткесар Салим ота («Салим ота») бўртма образ. У одамлар фониди йирик планда чизилган портретни эслатади. Фронт оловиди тобланиб келган Умаржонни ўзини мафтун қилган, бир қарашда ўжарга ўхшаб кетувчи, тутган ерини узиб оладиган «ўткир, мард, жондон қиз» Муборак («Муборак») шахсиятида ҳозирги ёшларининг маънавий гўзаллиги, фидокорлиги реалистик бўёқларда акс эттирилган.

Ёзувчи коммунизм қурилиши, янги совет кишини тарбиялаш ўз-ўзидан «ҳамирдан қил суғургандай» осонликча бўлмаётганини, истиқболга олиб бораётган йўлда ҳар хил салбий ҳулқли одамлар билан жанг қилиб борилаётганини кўрсатиб ўтишни унутмайди.

Зотан, адабиётнинг вазифаси эзгулик ва гўзалликни улуғлаш, ташвиқ қилиш бўлганидек, ярамас сифатларни, мақсадимизга номувофиқ ҳаракатларни қоралашдир.

Маълумки, катталар ва ўқувчи ёшлар орасида айрим мақтанчоқ, мағрур, худбин, беғам одамлар ҳам йўқ эмас.

«Ингирма йилдан бери колхозга меҳнати сингган», лекин сўнгги пайтда «пахтадан томорқани ортиқ кўрадиган» бўлиб қолган хусусий мулкчи Ҳусан ака («Тоға-жиян») «ўз таърифича пахта билан суяги қотган, колхозни оёққа бостиришда» кўп жонбозлик кўрсатган, эндиликда эса «катта кетиш, димоғдорлик, яна аллақандай одатлар пайдо қилган» Турсунбой ака («Мусобақадорлар») шулар жумласидандир.

Мақтанчоқлик, ўжарлик ва манманлик фақат катталардагина бўлади, дейсизми? Бу иллатлар, худди зарарли микроблар каби, гўдакларга бешикдаёқ юқади, уларнинг тўғри, соғлом авлод бўлиб етишувига салбий таъсир этади. Ота-оналарнинг ўзаро муносабатларидаги ибрат бўлишга арзимайдиган баъзи хулқ-атворлар, фарзандларини меъёридан ортиқ эркалатиш, эгоистик майлларга йўл қўйиш — мурғак мияга ножўя фикрлар сингишига олиб келади.

Бунга «Дўстлар» ҳикоясидаги мақтанчоқ Эркинни мисол қилиб кўрсатиш kifоя. У мактабдаги авиомоделилар тўғарагига бошчилик қилиб, бир оз ютуқлардан кейин шишиниб кетади. Тўгарак машғулотларини бўшаштириб юборади. Комсомолга ўтишда нотўғри фактлар келтириб, оғзини кўниртиради. Дўсти Пўлат сўзга чиқиб уни тузатгани, натижада уни комсомолга қабул қилиш кечиккани сабабли Пўлатдан аразлайди. Мактаб директори Эркин йўл қўйган хатоларнинг моҳиятини тушунтирганидан кейингина у гуноҳини бўйнига олади.

Ёки ҳамманинг нуқсонини кўрсатиб, танқид қилб берадиган, аммо бошига ташвиш тушмагунча ўзининг ёмон характериин пайқамай юрган Лолани (шу номли ҳикоя) кўрсатиш мумкин. Лола мағрурлиги, бошқаларни менсимаслиги орқасида панд ейди. Синф коллективини уни қолоқ ўқувчиларга ёрдам беришга чақирганда «вақтим йўқ», деб жавоб қайтаради. Коллективга ишинг тушиб қолар деганларида: «ишим тушиб бўпти» — дейди.

Кутилмаганда Лоланинг онаси бетоб бўлиб, касалхонага кетади, Лола гоҳ укаларига, гоҳ онаси олдига югуриб ўқишдан қийналиб қолганда, синфдош дугоналари бориб уй ишларига, дарсига қарашадилар. Шундан сўнг қилмишлари ўкинига тушган Лола ичида изза бўлади. Келтирилган ҳар иккала ҳикояда ҳам ёмон сифатлар яхши тадбирлар воситаси билан тузатилади.

Ҳикоянавис социалистик қишлоқнинг янги одамларини бадиий тасвирлашда муайян ижодий ютуқлар билан бирга айрим нуқсонларни ҳам четлаб ўтолмаган. Юқорида тилга олганимиз Салим отанинг тракторчи билан қилган жанжалидаги ғайри табиий қилиқлари, баъзи ижобий образларнинг схематиклиги («Қўриқ»), ёшлар фаолияти иш жараёнида эмас, кўпроқ нақл қилиш орқали кўрсатилган ўринлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари ҳамма асарларида ҳам портрет тасвирига, майзаралар (пейзажлар) чизишга керагича қунт қилинмайдди. Булар ҳикоя жанрининг «сир»ларини эгаллаш борасидаги изланиш босқичининг нуқсонлари эди.

Ўзбек болалар адабиётининг таниқли вакиллари Қуддус Муҳаммадий, Шукр Саъдулла, Илём Муслим, Пўлат Мўмин, Ёқубжон Шукуровларнинг олдинги сафида бораётган Ҳаким Назир бу адабиётнинг равнақи учун курашиб келмоқда. У фақат ўз ютуқлари ва китобларини кўриш билан қаноатланмайдди. Ҳамқалам дўстлари даврасининг кенгайиши улар ижодининг камол топиши Ҳаким Назирни қувонтиради. Унинг болалар адабиёти масалаларига бағишланган нутқ ва мақолаларида учрайдиган етакчи тамойил: ҳамма тўғрисида ўйлаш, барчага тилакдош бўлишдир. 1959 йил февраль ойида «Учительская газета»да эълон қилинган бир мақоласи бунга далил бўла олади. Мақолада Қ. Муҳаммадийнинг етук истеъдод эгаси экани, П. Мўминнинг жозибадор шеърлари ва поэмалари, Қ. Ҳикматнинг содда ва ўйноқи шеърлари, Ш. Саъдулланинг болаларга ёқиб қолган драмалари ҳолисона ва саҳийлик билан баҳоланади.

Йил сайин болалар адабиёти ҳам, унинг толмас ижодчилари ҳам ўсди. Ана шу ўсиш жараёнида рус ёзувчилари доимо намуна ролини ўйнадилар. Бу ҳақда Ҳаким Назирнинг ўзи қуйидагиларни ёзади:

«Ўзбек болалар адабиётида традициянинг унча бой эмаслигини, айниқса, реалистик проза жуда ёш эканлигини эътиборга олсак, рус болалар адабиётининг таъсири нақадар самарали бўлгани, у бизга бош маҳорат мактаби ва манбаи сифатида хизмат этгани аниқ кўрилади.

Рус санъаткорлари адабий асарларда, партия талаб этганидек, воқеликнинг муҳим томонларини қандай кенг қамраб олиш, ёки китобхон зеҳнига катта фикрларни қандай сингдиришда бизга намуна кўрсатдилар. Биз улардан реалистик образ, жонли характерлар яратиш, қизиқарли бадий приёмлар билан ёшларни катта ҳаёт ичига олиб кириш йўлларини ўргандик ва ўрганмоқдамиз».

Дарҳақиқат, ёзувчининг «Чўл ҳавоси» (1958), «Сўнмас чақмоқлар» (1958), «Сув гадоси...» (1962), «Ўтлар туташганда» (1960), «Азиз одам» (1964), «Севил» (1965) «Ёнар дарё» (1966) сингари китоблари у «жонли характерлар яратиш, қизиқарли бадий приёмлар билан ёшларни катта ҳаёт ичига олиб кириш йўлларини» тобора яхшироқ эгаллаш йўлида меҳнат қилаётганидан дарак беради.

Ҳаким Назир ҳикоя жанрини бир қадар ўзлаштириб олгандан кейин, болалар учун мароқли қиссалар ёзиш орзусига тушади. 1954 йилда нашр этилган «Кўкорол чироқлари» ўша орзунинг амалга ошувидаги ilk қадам эди. Катта ҳажмли асарлар яратишдаги биринчи тажриба ҳисобланган «Кўкорол чироқлари» муайян нуқсонлардан холи эмасди. Асар автёрининг дўстлари билдирган истаклар, мулоҳазалар асосида қайта ишланиб, 1958 йили «Сўнмас чақмоқлар» номи билан нашр қилинди. Натижада унинг илгариги вариантыда бўлган сюжетдаги

суствлик яъни ҳикоя қилинаётган воқеалардаги ўзаро боғлиқлик, изчилликнинг етарли эмаслиги, характерлар тарихи ва шаклланишининг жуда ишонарли қилиб берилмагани, бош қаҳрамонларнинг нисбатан пассивлиги ва бошқалар тузатилади.

«Сўнмас чақмоқлар» бахтли болалик ҳақидаги қиссасидир. Қитобни варақлар экансиз, пионерлар коллективи «бир ёқадан бош чиқариб», ниҳоятда аҳил бўлиб яшаганликлари учун ўқишда ҳам, ижтимоий фойдали меҳнатда ҳам мақтанишга лойиқ ютуқларга эришганликларини кўрасиз. Мана, ўқишлар тамом бўлиб каникулдан хабар берувчи охириги қўнғироқ жаранглаб ўтди. Хўш, пионерлар уй-уйларига тарқаб, сокин кун кечирадиларми? Йўқ, тиниб-тинчимас бу авлод катталар ҳаётига актив аралашмай, қизғин жамоат тадбирларидан четда туролмайди. Пионервожатийси Марҳамат ва ғайрати ичига сиғмаган ташаббускор Қудрат болаларни ҳар гал ғалати ишларга сафарбар қиладилар. Сиз уларни гоҳ сел олиб кетган кўприкни тузатишда, гоҳ ҳашаротларга қарши курашда, гоҳ «Пионер трассаси» қурилишида кўрасиз. Ёзувчи болалар бажараётган ишларни шундай тасвирлайдики, оқибатда жисмоний меҳнат кўнгилли саёҳатга, қизиқарли машғулотга ва дам олишга айланади.

Одатда ёшлар узоқ-узоқларга сафар қилишни, ўзларини маҳлиё қилган табиат сирларини билишни ва турли-туман саргузаштлардан сўнг, қаҳрамонлик кўрсатишни ҳавас қиладилар. Кундалик оддий ҳаётда гўё қаҳрамонликка ўрин йўқдек туюлади. Бироқ, соф дил, яхши ният билан ҳиммат камарини боғлаб, халқ кўнглидаги бирор хоҳишни амалга ошириш қаҳрамонлик эканини кўпинча хаёлга келтирмайдилар.

«Сув гадоси...» қиссасида худди шу интилиш, шу кайфият олижаноб фазилатли ёшлардан Тўлан, Қуралай, сўнгроқ Холиқнинг фикрини банд этади. Улар дастлаб шуҳрат таратишни, буюк жасорат кўрсатишни даъво қилмайдилар. Шовқин-суронсиз, дабдабасиз иш бошлаб,

совет фани ва техникаси ёрдамида сувсиз чўлга оби ҳаёт келтирадилар. Бунинг ўзи улар ўйламаган ажойиб жасорат, халқ фаровонлиги, ўлка манзарасини гўзаллаштириш йўлидаги қаҳрамонлик бўлиб чиқади. Илғор ёшлар коллективи табиатни ўзгартириш билан бирга Холиқ, Эшмат, Бабу типдаги коммунистик ахлоқ нормаларини бузиб келган шахсларнинг одаamlарга, турмушга бўлган қарашларини ҳам ўзгартиради. Маълумки, бу повесть биринчи марта «Сув гадоси — оқпадар денгизни бошлаб қайтди» номи билан нашр этилган эди (1963). Повестнинг асл мақсади «шахс билан коллектив ўртасидаги янгича муносабатларни, ёввойи дашт табиатига қарши кураш процессида ёшлар характерининг чиниқиши, қайтадан тарбияланиши» эди. Асар бошида яхши ўйланган бўлишига қарамай, автор воқелигимиздаги илғор тамойил қонуниятларини очиб бериш ўрнига айрим сунъий характерлар (Ҳаққул ота) ва ўйлаб топилган воқеалар (Холиқ саргузаштлари) тасвирига берилиб кетган эди. Ёзувчи повесть тўғрисида билдирилган танқидий мулоҳазалар асосида уни яна қайта кўриб чиқди. Ана шу иккинчи вариант аввал кўзда тутилган мақсадга жавоб берадиган ҳолга келди. Анчагина нуқсонлар бартараф қилинди.

Бизнинг давримиз ёзувчи тўғрисидаги илгариги тасаввур ва тушунчаларга таҳрир киритди. Энди ёзувчи кабинет кишиси эмас. У халқ оммаси бунёдга келтираётган улуг қурилишларнинг йилномачиси, замон садосидир. Бугун ёзувчи фабрика ва заводларда, колхоз ва совхозларда, нефть булоқлари ва газ фонтанлари кўкка сапчиётган чўлларда. Доим сафарда, доим йўлда. Бундан Ҳаким Назир мустасно дейсизми? Йўқ албатта. Ҳар бир янги асари учун материални ўзига ҳамнафас замондошларнинг ҳар кунги реал турмушдан олишга ўрганганидан республика бўйлаб кезиб юради. Сиз уни баъзан Фарғона водийсида, баъзан Бухоро газчилари орасида, баъзида эса, пахтакорлар делегацияси составида Озар-

байжон далаларида ёки қардош Польша халқ республикасида, узоқ Францияда кўрасиз.

1959 йилнинг июль-август ойлари, республиканинг иқлими мўтадил жойларида қумга тухум кўмса, кўз очиб-юмгунча пишадиган пайтлар-у Ҳаким Назир қум барханларини ўтиб Газлига кетяпти. Шу дамда «Газлида қум бўрони шахмат доналаридай бетартиб ўрнашган янги биноларга тўқнашиб, авжига чиқар ва бўри каби увларди. Шунга қарамай, бу ишчи посёлкасида ҳаёт қайнарди...» Одамлар саёҳат учун келмайдиган ерларга кўнглида бирор «дарди» бўлмаган одам келади дейсизми? Бу «дард», шубҳасиз, қум саҳролари ўртасида «Шаҳри азим» барпо қилиб, ундан бутун ўлкага «ёнар дарё» оқишаётган мўъжизакор кишиларни мадҳ этишда. «Газ қайнар достони», «Ўтлар туташганда» номли очерклар оловкорларни куйлаш намунасида.

Ёзувчи қумлар қалъасидан олиб келган таассуротлар, қалбига яқин бўлиб қолган катта-кичик қурувчилар кўп эди. Улар бир-икки очерк доирасига сигмаганидан алоҳида мароқли қисса ёзишга аҳд қилади. Ниҳоят, «Газ-қайнар» манзарасини ёрқин бўёқларда гавдалантирадиган «Ёнар дарё» қиссаси яратилади (1965). Асарнинг мазмунини ушоқлиги учун «митти» лақабини олган ўқувчи бола Дамирнинг оила муҳити, ўртоғи Бўрон Газ-қайнарга бошлаб борганда кўрган-кечирганларини ташкил қилади. Автор оиладаги катталарнинг муносабатларига, яхши-ёмон ҳодисаларга, турли предметларга Дамирнинг кўзи билан қарайди. Асосий қиссахон ҳам Дамирнинг ўзи.—«Отимни сўрасангиз — Дамир. Жуда кичкина вақтимда бўлса Замир деб аташарди. Боғчага кирганимда Замира деган қиз бор экан. Уни бир хил пайт қисқача «Замир» дейишарди. Узоқдан биров «Замир» деб чақирса, иккимиз баробар югуришардик. Ҳамма кулги қиларди...» Бу ҳол мактабда ҳам давом этди. «Нима учун менга қизларникидақа от қўйгансиз-а»,

деб хархаша қилавергандим, ойнм ўйлаб-ўйлаб ахир «Дамир»ни топди...».

Бундан икки йил аввал отаси вафот этиб, синглиси Попук иккови онасининг қарамоғида қолишган. Қўп вақти ишда ўтадиган она болалар тарбиясига дурустроқ вақт ажратолмайдди. Дамир эса, кекса бувисининг ўта меҳрибонлиги, юмшоқлиги орқасида ўйинқароқ, ўқишга камҳафсала, ўжар бўлиб қолган. Жадвалда кўрсатилган кун тартибини истаганча ўзгартирадди, онасига бўйин эг-масликка ҳаракат қилади.

Дамирларга узоқ қариндош бўлган Султон амакининг бу онлага бот-бот келадиган бўлгандан бери болалар унга ўрганиб қоладилар. Султон амаки ўзи билан бирга бу уйга етишмай турган ота меҳрига яқин илиқлик олиб келади. Кейинчалик ота сифатида шу онлага кирган Султон амаки Дамир характерининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Дамир ҳаётидаги иккинчи муҳим воқеа унинг Қизилқумга сафари бўлади. Ўртоғи Бўрон тили билан айтганда, «шу чоққача ўз уясидан ташқарига чиқмаган» бешинчи сииф ўқувчиси кўз ўнгиди янги олам очилади.

Газчиларнинг «ғилдираб юрадиган посёлкаси», Чўпонбобо бошчилигида очилган «мўъжиза қудуқ», беморлигига қарамай Султон амаки кўрсатган фидокорлик, умуман газчиларнинг афсонавий қаҳрамонлиги Дамирнинг руҳида кескин бурилиш ясайди.

«Ёнар дарё»да автор болалар психологиясини усталлик билан тасвирлайди. Гўё ўз қаҳрамони билан изма-из юради-ю, у нингани кўрса шунин қайд қилиб, нима деса шунин ёзиб олади. Дамир сир яширмайдиган очиқ бола. Онасидан аразлаб овқатга бормай оч қолганида, дарси миясига кирмай: «дафтар бетидаги рақамлар, ҳарфлар худди чигирткадай дик-дик сакрашиб» кетгани борми, Султон амакини «дада қилиб олиб келмоқчи бўлганларини эшитганда, гаши келиб, бувисидан жаҳли чиққани» борми, дадаси оилани чўлга олиб кетаман деганида она-

си гап ўргатиб, «бормаймиз» дейишга ундаганда кўнглига ёқмагани борми, ҳамма-ҳаммасини рўй-рост айтиб бераверади.

Китобнинг бошидан охиригача давом этадиган, ремарка сингари кўпинча қавс ичида бериладиган (қатор ўринларда қавсиз ҳам келадиган) жумлаларда болаларча соддадиллик, болаларча мулоҳаза ва ақл уфқини қучолмайдиган ҳаёллар ҳаққоний тасвирланган.

Ҳаким Назир асарлари анчадан бери рус китобхонларига танишдир. «Неугасимые молнии» китоби 1958 йили нашр қилинган, мамлакат бўйлаб кенг тарқалди ва рус китобхонларига маъқул бўлди. Авторга келган мактублардан шундай хулоса чиқарилса хато бўлмайди. 1959 йилнинг охирида Иваново областининг Шуя шаҳридаги мактаб-интернат кутубхоначиси ва ўқувчилари «Неугасимые молнии» дан катта эстетик завқ олганлари хусусидаги мактублари айниқса тўлқинлантирарлидир. Шу тўплам 1961 йили Москвада болалар адабиёти нашриётида яна босилди ва бошқа қардош халқлар тилларига таржима этилди. Ёзувчининг рус тилидаги иккинчи йирик тўплами — «Парни, которые привели море» 1965 йили Тошқентда нашр этилди. Шунинг ҳам айтиш ўринлидирки, Ҳаким Назирнинг энг яхши ҳикоялари қардош республикаларда, ҳатто социалистик мамлакатларда таржима қилиниб, ўқилиб келаётир.

1971 йил май ойида Францияда бўлиб ўтган болалар ёзувчиларининг симпозиумида (бу симпозиумга Ўзбекистондан Ҳаким Назир ҳам борган эди) сўзга чиққан совет делегациясининг бошлиғи Сергей Михалков шундай деган эди: «... Биз ўз ишимизда икки ёқлама вазифани — болаларга ҳам эстетик, ҳам педагогик тарбия беришни кўзда тутамиз. Буни эса ҳамма ҳам удалайвермайди. Ҳозирги болаларга унча-мунча нарса маъқул тушавермайди. Чунки уларнинг миёсига беш ёшидан бошлаб радио, телевидение жуда кўп маълумот қуйиб туради. Шу қадарки, эндиликда катталар болаларга эмас, бола-

лар катталарга: «палонини кўр, палонини кўрма!» — деб тавсия эта оладилар».

Дарҳақиқат ҳозирги вақтда болалар ёзувчиси бўлиш масъулиятли ва қийин вазифадир. Болаларнинг онги ва қалбига йўл топиш учун кенг кўламдаги билим, педагоглик санъати, руҳий анализ кучи, нозик бадний дид ҳар қачонгидан кўра кўпроқ керак. Буларсиз болаларни санъат оламига олиб кириш, дунёқарашини шакллантириш, катта ҳаёт кучоғига узатиш мумкин эмас. Бу вазифаларни Ҳаким Назир яхши адо этиб келаётир.

Ҳаким Назир ёзувчи сифатида қўлига қалам олганига 35 йилдан ортиқроқ вақт ўтган бўлса, шу муддат ичида фақат кичкина китобхонлар учунгина асарлар яратиш билан чегараланмай, ёшлар ва катталар ҳаётидан олинган очерклар, повестларнинг ҳам автори ўлароқ танила борди. Бу ўринда унинг «Севил», «Ҳайкал» сингари очеркларини, «Сув гадоси...» повестини эслаш кифоя.

1965 йили Озарбайжон пахтакорлари билан мусобақалашаётган ўзбек пахта усталари делегацияси составида қардошлар днёрига бориб, қатор районларни кезган ёзувчи машҳур пахтакор Севил билан танишади. Севил худди Турсуной Охунова сингари механизатор қизлардан бўлиб, Эмишли районидаги Миль чўлини ўзлаштириб, пахтадан юқори ҳосил олган, машинада неча юз тонналаб пахта териб, донг таратган эди. Очеркда Севилнинг мактабни тамомлаб чўлга чиққандан бошлаб, то пахта устаси даражасига етишигача босиб ўтган йўли жуда қизиқарли қилиб тасвирланган.

Очеркнинг хотимаси ҳазиндир. Ёзувчи охирги нуқтапи қўяр-қўймас, Севилнинг тўсатдан вафот этгани хабарини эшитади. Шу сабабли сўнгги сатрлар худди марсиядек эшитади: «... Нақадар даҳшат! Қулоқларимга ишонгим келмайди. Йўқ, йўқ, Севилжон, навқирон ёшидаёқ ажойиб хислат ва гўзал фазилатлари билан бутун элга тапилган суюк қиз, сени ўлди, дейишга тилим йўқ!»

Сенинг ҳаётга қизғин меҳру муҳаббат ила лиммо-лиммо пок қалбинг кишиларнинг қалбида тирик, юртнинг кўкида ёнган порлоқ юлдузинг асло ўчмас... Сенинг абадий ўлмас ва унутилмас сиймонинг хотираси бўлиб қолсин ушбу сатрларим!..»

«Ҳайкал» очерки Польша халқ республикасиغا қилинган сафар таассуротларига бағишланган. Ҳаким Назир Польша бўйлаб юраркан: гоҳ арчазор тоғлари, «паст-баланд бўлиб маржондай тизилган чиройли, нақшдор ёғоч уйлари» билан Европага хос манзараларни, гоҳ олмазору олчазорларни, қўй-қўзилар маърашиб юрган майсазорларни, қўнғироқ чалиб оқаётган проқларни билан қуёшли ўлкамиз табиатига ўхшаш жойларни учратади. Ҳаммадан кўра тўлқинланарлиги «Польша тоғининг жигаси» деб шуҳрат топган Татра тоғи орасига жойлашган Поронино қишлоғидаги В. И. Ленин яшаган уй-музей бўлади.

«1913—1914 йилларда Ленин Краков шаҳрида туриб, ёз ойларида шу қишлоқда ўтказган; кўримсизгина ёғоч уйда ижарага турган. Уша вақтлар Владимир Ильич билан қўшни бўлган тоғлик қариялар Лениннинг камтарлиги, кишиларга меҳрибонлиги ва оддий деҳқонлар билан дўстона алоқада бўлганлигини муҳаббат билан эслайдилар... Шу қишлоқлик машҳур шоир Ян Каспаровичнинг Ленин билан ўша йиллари бошланган дўстлиги умрининг охиригача давом этади. Ўз васиятига кўра, Каспаровичнинг қабри ҳам худди Ленин билан бирга юрган ерига — муқаддас зиёратгоҳга қўйилган...»

Ёзувчи Польшада учратган ажойиб кишилардан яна бири Михал. Иккинчи жаҳон уруши вақтида Ўрта Осиёда бўлиб, поляк ҳарбий қисмида хизмат қилган ва фронтга ўз қисми билан жўнаб, фашистларга қарши жанг қилган бу кишининг кўрмаган мусибатлари қолмаган. Ўнг қўлидан ажраб, асирга тушган. Освенцимнинг жаҳаннамий азобларини торта-торта, бир амаллаб тирик қолган. Илгари ҳайкалтарош бўлган Михал чап қўлини ишга ўрга-

тиб, бир қўллаб бўлса-да, оиласини ўлимдан қутқариб қолган ўрта осиелик жангчининг ҳайкалини яратишга киришган.

Халқлар бошига оғир кулфат тушган йилларда мустаҳкамланган дўстлик рамзини санъатда гавдалантиришга аҳд қилган Михалга қарата ёзувчи шундай дейди:—«Эй, озод элнинг жафокаш, меҳнатсевар кишиси! Вафодор инсоний дўстлик шаъни учун чекаётган ижодий машаққатларингда битмас қувват, абадий равнақ тилайман!..»

Ҳаким Назирнинг катталар учун яратган йирик асарлари орасида «Кўктерак шабадаси» қиссаси ажралиб туради. У 1968 йили «Шарқ юлдузи»нинг 1—2-сонларида эълон қилинган, 1969 йили Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриётида алоҳида китоб шаклида чоп этилди. Адабий танқиднинг қиссага билдирган муносабатини бир сўз билан «илиқ» деб айтиш мумкин.

«Кўктерак шабадаси» ҳамон актуал бўлиб қолаётган ва муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалани — ёш мутахассиснинг катта ҳаётга кириб келиши ва унда ўз ўрнини топиб, социалистик қурилишда актив иштирок этиши масаласини ўртага қўяди.

Баъзан олий ўқув юртини битириб келиб, иш бошлаган ёш мутахассисга совуқ муносабатда бўлинади, гамхўрлик қилинмайди. Қамситиш, турткилаш ҳоллари ҳам бўлади. Ана шундай кўнгилсиз воқеалардан бири «Известия» газетасининг 1972 йил 24 август сониде босилган «Йўлнинг бошида» мақоласида жамоатчилик муҳокамасига қўйилган.

Қурилиш техникумини тамомлаб, Запорожье областидаги колхозлардан бирига инженер бўлиб келган Людмила Сергеевко қурувчилар бригадасининг бошлиғи сифатида бир неча ой ишлагач, уни ёмонлашга тушадилар. Ёрдам бериш, йўл кўрсатиш ўрнига тўсатдан ишдан бўшатадилар. Мақолада колхоз раиси Куриленконинг ёш кадрларга нисбатан қўполлик қилгани кескин танқид

қилинади. Мақолада баён қилинган қуйидаги фикрлар ҳаммани ўйлашга даъват қилади:

«Энди иш бошлаётган агрономлар, зоотехниклар, инженерларнинг йўли равон эмас, уларнинг ҳар бири ўз ишидаги қийинчиликлар, муваффақиятсизликлар, келишмовчиликлар тўғрисида гапириб бера олади. Чунки, кечаги студентдан бирданига мутахассис етишиб чиқабермайди. Бугунги кунни яшаб кўрмоқ зарур. У эса, фақат ёш мутахассисларгагина боғлиқ бўлмай, улар билан ёнма-ён турган одамларнинг ақл-идроки, сабр-чидамлилигига ҳам боғлиқ. Ахир ҳеч қасрда, ҳеч қандай ҳужжатда раҳбар ёшларга қайси «ўлчов билан меҳрибонлик қилишни кераклиги қатъий белгилаб берилмаганку. Шунингдек, колхоз раиси ёш мутахассиснинг янги жойда ўрнашиб, пшлаб кетишга кўмаклашмани учун жавобгар бўлиши кераклиги ҳам ҳеч ерда айтилмаган...»

«Кўктерак шабадаси» қиссасининг бош қаҳрамони Камол Тўйчиев институтни битириб «Гулистон» колхозига инженер бўлиб боради. Путевка билан эмас, аввало колхоз раиси Тошматов Камолнинг қайнатаси Юсуф отага: «Қуёвнингиз ўқишни битиришни билан ўзимизга келаверсин», деб, ишга чақиргани, қолаверса «ўз отасининг элати», туғилиб ўсган қадрдон тупроқ бўлгани туфайли Кўктеракка боради.

Камолнинг эшитишича, раис «қаттиқ қўл, шу билан бирга мурувватли, инсофли» киши эмис. Агар ҳақиқатан шундай бўлса, кўнгилдаги орзуларини амалга оширади, жамоатга фойда келтиради, тажриба орттиради.

Бироқ қишлоқдаги айрим раҳбарлар ва колхознинг иқтисодий аҳволи билан юзма-юз тўқнашиш Камолни ташвишга солади. Аввалда ишга чақириб, илтимос хати ёзган раис на яшаш учун жой беради, на ваъда қилинган бош инженерлик лавозимига тайинлайди. Район ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Сардорев эса тирноқ орасидан кир излаб, Тўйчиевнинг ўқиши, иши ҳақида эмас, отаси ҳақида суриштириб кетади. Тошматов

билан Сардоров ўртасида сансалор бўлиб қолган бу масаланинг ҳал қилиниши кузгача чўзилади.

Қамол қишлоққа мансаб учун келган эмас. Бинобарин, бош инженерликни даъво қилиб ўтирмасдан колхоз устахонасидаги бошқа ёшлар қаторида енг шимариб ремонт ишига киришади. Ишлаётган йигитларнинг ҳаракатини зимдан кузатар экан, худди «машқи етишмаган созчидай» қовушмаганлик, ланжликни сезади ва мавжуд аҳволни сабабларини излашга киришади: «Қасалликнинг муҳим сабабларидан бири одамларга ёмон муносабатда эмасми? Уларнинг билмаганини билдириш, хом томонларини пишириш, таплаган ҳунарларини севдиришга парво йўқлигида эмасми? Қолхознинг ишонган боғи, суянган тоғи бўлган бу ҳунарманд ёшларни ўз ҳолларига ташлаб қўйиш мумкинми?»

Қолхоздаги нуқсонларни бошқалардан кўра равшанроқ кўра бошлаган Қамол (атрофидаги ёшларга суянган ҳолда) уларни бартараф қилиш йўллариини излайди. Устахонани қайта қуриш лойиҳасини тузади. Раиснинг ҳайбаракаллагичлик қилигини, нотўғри маълумотлар бериш йўли билан обрў орттиришга уринишларини қоралайди. Ўзининг барча қинғир ишларига Қамолни шерик қилмоқчи, «қўлтиғига қўлтиқтаёқ» ўрнида кўрмоқчи бўлган раисга инженернинг ҳақгўйлиги ва «забти тезлиги» ёқмайди. Уни ўз майлига бўйсундирмоқчи бўлганда: «Шуни билиб қўйингки, раис ака, мен бировнинг қўлтиғига қўлтиқтаёқ ёки белига белбоғ бўлиб юришни ёқтирмайман. Ўз кучим, ақлим етганча, виждоним буюрганча ишласам, дейман»,— жавобини олади. Аламига чидамаган раис Сардоров билан бирга Қамолдан қабиҳ йўллар орқали ўч олишга уриниб кўради. Лекин адолат ғалаба қилади. Коллектив ўсиб келаётган ёш ниҳолнинг илдизига болта уришга йўл қўймайди.

Қамол серғайрат, ташаббускор йигит. Раҳбарларни юз-хотир қилиб, рўй бераётган кўзбўямачиликларни ҳаспўшлаб ўтирмайди, балки жасорат билан очиб ташлай-

ди. Қурбон ота тили билан айтганда: «икки йўлбарсга бардош беради». Эзгу ниятлари эса порлоқ истиқбол сари етаклайди.

Қиссадаги Шакар образи ҳар жиҳатдан Камолнинг аксидир. Дастлабки вақтларда Шакар билан ака-сингилдек юрган бўлсалар, кейин ифодалаб бўлмас янги сезгилар қўшилади: «улар тўлиб, бойиб, хилма-хил ранглар билан камалакдай товланиб, нозиклашиб боради». Ана шу нозик туйғулар оқибатда янги онлага асос бўладилар. Икки студентнинг муҳаббатидан ўсиб чиққан бу онладаги ширин дамларни Шакарнинг хулқида рўй берган салбий ўзгаришлар буза бошлайди. Унинг фикрини институтни яхши тамомлаш ҳақидаги ўйлар эмас, «магazineга келган мебель, аллақайси танишнинг оёғида кўрилган ҳиндча оқ туфли, заргарлик дўконигаги антиқа билag-узукли соат» эгаллайди. Кўктеракка бориш тўғрисидаги гап бошланганда ҳам учиб-қўниб, «кетамиз»,— дейишининг босси «ўз орзу-истакларининг тезроқ ва тўлиқ ушалишини» кўзлаётганидан эди.

Қишлоқдаги ҳаёт Шакарнинг ўйлаганидек бўлиб чиқмади. Бош инженер эмас, оддий ремонтчи сифатида ишлаган Камол уч ҳафталик меҳнати эвазига 30 сўм олиб келгач, Шакар заҳрини сочиб:—«Шу аҳволда қачон биримиз икки бўлади-ю, одамлар қатори турмуш кечиришимиз!»— дейди. Колхоз раиси кўчма яслиларнинг бош мудираси вазифасини бермоқчи бўлганда: «елкамга шундоқ оғир юкни ортволайми»— деган баҳона билан ишлашни хоҳламайди. Камол қийналган ва руҳий мададга муҳтож бўлган дамларда суянчиқ бўлиш ўрнига гўдак фарзандини ҳам, эрини ҳам ташлаб, саёқ юриб кетади.

Шакардаги иллатлар бирданига кўрина қолмайди. Заҳматкаш Юсуф ота ягона арзанда қизига яхши инсоний сифатларни сингдиришга ҳаракат қилган. Шакар ўрта мактабни тугатиб, институтга киришни, тарихчи бўлишни орзу қилади. Камолнинг ёрдами билан институтга ҳам киради-ю, битирмай кетиб қолади. Ниҳоятда

иродаси бўш, меҳнатни ёқтирмайди, қийинчиликларга бардош беролмай, осон ҳаёт кечириш йўлини қидиради. Енгилтаклиги туфайли муҳаббатни поймол қилади, фарзандини хўрлайди, оила вайрон бўлади. Шакарнинг қилмишларини кузатган китобхон «Волга» рулида ўтирган «сочлари хурпайган, сақичдай мўйлови бор» саёқ билан кетиб бахтли бўлишига гумон қилади.

«Қўктерак шабадаси»да хотирда узоқ сақланидиган шавақи йигит Асад, колхоз партия ташкилотининг секретари Норбуви, устахона мудир Уринбой образлари ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Норбуви сингари чуқур мулоҳазали, принципаал партия ходимлари бор жойда хиёнатга ҳам, гарагўйликка ҳам ўрин бўлмаслиги, айниқса, Қамолга қарши уюштирилган ифво фош қилиб ташланишида равшан кўринади.

Асарда иштирак этган образларнинг тилини индивидуаллаштиришга интилиш (бу айниқса Асаднинг нутқида сезилади), табиат тасвиридаги лиризмга мойиллик, ҳазил-мутуйибалардан ўринли фойдаланиш сингари яхши фазилатларни қайд қилиш баробарида баъзан конкрет тасвир ўрнини автор баёни олганини, характерлар айрим моментларда етарли даражада очиб берилмаганини, онда-сонда кўзга чалиниб қоладиган нуқсонларни айтиб ўтиш ўринлидир. Аммо улар асарни камситишга асос бўлмайди.

Хулоса, «Қўктерак шабадаси» Ҳаким Назир ижодидаги эмас, умуман сўнгги йиллардаги ўзбек прозасида ижобий ҳодиса ўлароқ баҳоланишга лойиқ. Ўзбекистон Езувчилар Союзи правлениесининг VI съездида ҳисобот докладда ҳам худди шундай фикр баён қилинган: «Ҳаким Назирнинг «Қўктерак шабадаси» повестини ҳам алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Автор унда колхоз ишига жонкуяр бўлган, ҳалол, онгли ва ниҳоятда принципаал бўлган, тўрачилнк, дабдабабозлик билан сира ҳам келиша олмайдиган коммунист образини яратишга муваффақиятли уринган. Бу асар бадий таъсирчанлиги, инсо-

ний характерларни моҳирона яратганлиги жиҳатидан ўзбек прозасининг энг яхши намуналарига мансубдир».

Болалар ва катталар прозаси соҳасида тинмай қалам тебратиб келаётган меҳнатсевар адиб Ҳаким Назир ғайратли ёшлар қаторида ҳамон сафарда. У жўшқин ҳаётимизда рўй бераётган янгиликлардан, тугилаётган ажойиб ташаббус ва қаҳрамонлардан илҳомланиб, давримизнинг бадиий йилномасига ўзи ёзган ёрқин саҳифаларни қўшмоқда. Бу саҳий қалам ҳали кўп асарлар билан китобхонларни мамнун қилажак.

1971 йил

МУНДАРИЖА

Лениннинг бадий олами :	3
Доно танқидчи, ғамхўр мураббий. («Мажолисун-нафоис»ни қайта varaқлаганда) : :	37
Саргузаштликда ўтган ҳаёт саҳифалари	58
Комил (<i>Шоир туғилганига 150 йил тўлиши олдидан</i>)	90
Шокир Сулаймон (<i>Ижодий портрет эскизлари</i>)	107
Устоз Шайхзода	128
Истеъдод чашмаси	136
Серилҳом қалб, саҳий қалам	151

На узбекском языке

Махмудали Юнусов

ЩЕДРЫЕ ТАЛАНТЫ

Редактор *Х. Пулатов*

Рассом *В. Чеченин*

Расмлар редактори *А. Кива*

Техн. редактор *Т. Волькова*

Корректор *О. Турдибекова*

Босмахонага берилди 28/X-1974 й. Босишга рухсат этилди 20/II-1975 й. Формати 70X108¹/₃₂. Босма л. 5,6. Шартли босма л. 7,7. Нашр л. 7,75. Тиражи 5000. Р—09370
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, Навоий кў-
часи, 30. Шартнома № 109-74.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб сав-
доси ишлари бўйича давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатид-
тайёрланган матрицадан 3-нчи босмахонада № 1 қоғозга босилди. Тошкент.
Хоразм кўчаси, 9. 1975 йил, заказ № 695. Баҳоси 40 т.